

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 398

Рўзиева Ситора Ҳолдаровна

**МАВЗУ: “ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ”**

5A151601 – Халқ ижодиёти (Фольклор ва этнография)

Магистр

Академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,
профессор, Ж.С.Эшонқулов

*Мазкур диссертация иши кафедранинг 2018 йил _____ даги
_____ – сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.*

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	5
I. БОБ	ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАСНИФИ МАСАЛАЛАРИ	12
1.1.	Ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилиши масалалари ...	12
1.2.	Ўзбек халқ қўшиқларининг таснифи масалалари.....	26
II. БОБ	МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	40
2.1.	Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари	40
2.2.	Мавсум–маросим қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари	54
III. БОБ	НОМАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	70
3.1	Номаросим қўшиқларининг таснифи масалалари.....	70
3.2	Номаросим қўшиқларининг жанрий хусусиятлари	81
VI. БОБ	ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БАДИИЯТИВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ АҲАМИЯТИ	93
4.1	Ўзбек халқ қўшиқларининг бадииятимасалалари ва образлар таҳлили.....	93
4.2	Халқ қўшиқларининг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти.....	105
	ХУЛОСА	114
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	118

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Факультет: Халқ ижодиёти

Магистратура талабаси:

Кафедра: Фольклор ва этнография

С.Х.Рўзиева

Ўқув йили: 2017-2018

Илмий раҳбар: фил.ф.д, профессор,

Ж.С. Эшонқулов

Мутахассислик: 5A151601-Халқ

ижодиёти: (фольклор ва этнография)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

1. Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбек халқ кўшиқларининг бадиий матнида инсониятнинг пайдо бўлишидан тортиб, асрлар оша шаклланиб келган тарихи ва орзу интилишлари талқин қилинган. Халқ қарашларининг бадиий тадрижида кўшиқларнинг тутган ўрни, тарихий асослари, поэтикаси, ғоявий-бадиий хусусиятлари, халқ турмуш тарзидаги маиший вазифаси, шунингдек, кўшиқларнинг жанрий хусусиятлари, уларда талқин қилинаётган рамз, образ, тилсимлар моҳиятини очиб бериш ва функционал ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш асосида муайян хулосаларга келиш фольклоршуносликнинг тадқиқ этилиши зарур бўлган **долзарб масалалари** жумласидандир.

2. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг мақсади, ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятларини тадқиқ этиш, таснифи масалаларини қиёсий ўрганиш, илмий жиҳатдан асослаш ва ушбу жиҳатдан жараёнга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқишга уриниш. Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар қўйилди:

- ўзбек халқ кўшиқларининг таснифи масалаларини қиёсий ўрганиш;

- халқ кўшиқлари жанрларининг юзага келишига асос бўлган поэтик моделларнинг шаклланишида қадимги инонч-эътиқодлар ва архаик мифларнинг ўрни ва вазифаларини ойдинлаштириш;

3. Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбек халқининг маросим ва номаросим фольклори ва унда ижро этиладиган кўшиқлар, ҳамда мамлакатимиз ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг оила-турмуш маросимлари, хўжалик анъаналари ва кундалик моддий маданиятидаги синкретик ҳолда сақланиб қолган кўринишларини илмий таҳлил этиш тадқиқот **объекти** сифатида хизмат қилади. Ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзидаги маросим ва номаросим кўшиқлари билан боғлиқ бўлган урф-одатларни тарихий-этнографик материаллар ва илмий адабиётлар асосида ўрганиш эса тадқиқот **предмети** ҳисобланади.

4. Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи: Мавзунинг, ишга жалб этилган материалнинг табиатидан келиб чиқиб, тарихий-қиёсий, лингвопоэтик методлар ва ўрни билан функционал, концептуал, структурал таҳлил методларидан фойдаланилди.

5. Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотда кўшиқларнинг ўзига хос жанрий хусусиятлари тўғрисидаги қатор муаммоларига бизнинг баҳоли қудрат ечимларимиз келгусида бу соҳада иш олиб борувчи тадқиқотчилар учун маълум йўл-йўриқлар бериши мумкин.

6. Иш тузилмасининг тавсифи: Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

7. Бажарилган ишнинг асосий натижалари: Ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятларини ўрганиш, таснифи масалаларини қиёсий таҳлил этиш жараёнида юзага келган қуйидаги илмий, назарий ва амалий натижаларни ўзбек фольклоршунослиги фани учун аҳамиятли бўлган янгилик сифатида эътироф этиш мумкин:

- ўзбек фольклоршунослиги материаллари, мавжуд илмий адабиётлар, тарихий-этнографик ва ёзма манбаларга суянган ҳолда халқ кўшиқларининг

жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинди;

- ўзбек халқ кўшиқларининг таснифи масалалари қиёсий ўрганилди;

8. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Бадиий асарнинг жанрий ўзига хослиги яхлитликда ўрганилиши, бадиий асар таҳлилида янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади. Кўшиқларнинг жанрий хусусиятларини тўғри талқин қилиш, кўшиқлар таснифини қиёсий таҳлил этиш, фольклор кўшиқлари поэтикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқариш имкониятини беради.

9. Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:

Мазкур тадқиқот ишида ўзбек халқ кўшиқларининг фольклоршунос ва мусиқашунос тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши масалалари, кўшиқлар таснифини қиёсий таҳлиллари, маросим ва номаросим кўшиқларининг ўрганилиши, уларнинг таснифи ва номоддий маданий меросда тутган ўрни, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, поэтикаси ва жанрий хусусиятлари ёритилган. Шунингдек, маросим фольклорида халқ кўшиқларининг келиб чиқиши шомонизм, анимизм, тотемизм каби қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқлиги, номаросим кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг маросим кўшиқларидан фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган.

Анъанавий мисралар, рамзлар, поэтик образлар ва этнографик деталларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш орқали халқ тарихи, маданияти, урф-одатлари ўрганилиб, уларнинг бугунги миллий тарбиядаги ўрни ва аҳамияти асослаб берилган.

Ўзбек халқ кўшиқлари шу давргача, фольклоршунос, адабиётшунос, мусиқашунос олимлар томонидан турлича тасниф қилиб келинди. Бу таснифлар бир-бирини такрорлайди, тўлдиради, лекин халқ кўшиқлари яхлит ҳолда тасниф этилиши керак.

Илмий раҳбар: фил.ф.д, профессор

Магистрант:

Ж.С. Эшонкулов

С.Х. Рўзиева

THE MINISTRY OF CULTURE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

THE UZBEK STATE ART AND CULTURE INSTITUTE

Faculty: Uzbek people creative work Department: Folklore and ethnography Academic year: 2017-2018	Student of master: S.Kh. Ruzieva Supervisor: Doctor of philology, professor, J.S.Eshonqulov Speciality: 5A151601 - Uzbek people creative work (Folklore and ethnography)
--	---

ABSTRACT FOR ACADEMIC MASTER DISSERTATION

1. Scientific approach and importance of the topic: In Uzbek folk songs hopes and ambitions of human being throughout historical evolution are expressed. The importance of folk songs in the development of people's perception, clarifying essence and studying functional changes and research historical background, poetics, moral specification, domestic function in daily life, as well as genre specification of songs, symbols, characters expressed by them is very essential the study of folklore.

2. Aim and objectives of the study: Aim of the following study is to research genre specifications of Uzbek folk songs, comparative study of classification and to produce methodical recommendations and their scientific justification. Following tasks are set in order to realize the purpose:

- Comparative study of the classification of Uzbek folk songs;

- Clarifying essential role and function of ancient beliefs and myth in archaic development of poetic models which were the reason of the origin of the genres of folk songs.

3. Object and subject of the study: Scientific analysis of ceremonial and unceremonious folklore and performed songs, family traditions and customs of Uzbeks who are living in the territory of our country is the object of the study. Learning customs and traditions relating to Uzbek ceremonial and unceremonious songs using historical-ethnographical materials and literatures is the subject of the study.

4. Definition of methodology used in the study:Based on the specific feature of the material and the topic, historical-comparative, linguistic-poetic methods and functional, conceptual, structural methods of analysis were used.

5. Theoretical and practical importance of the results of the study:Our solutions to the problems on genre specification of songs might be very handfull for future researchers in the area.

6. Overview of the work structure: Dissertation consists of introduction, four chapters, conclusion and the list of used literatures.

7. Main results of the current work:Scientific, theoretical and practical conclusions which were made while studying genre specifications of Uzbek folk songs, comparative analysis of the classification might be essential news in Uzbek study of folklore:

-genre specifications of folk songs have been researched based on Uzbek study of folklore materials, existing literatures and historical-ethnographical and written resources.

-matters of the classification of Uzbek folk songs have been studied comparatively.

8. Main issues and hypothesis of the study:Unique study of genre specification of a piece of art enhances the development of new direction. Classifying genre specifications of songs appropriately, comparative analysis of

the classification of songs give an opportunity of making conclusions about development of folklore songs' poetics.

9. A brief overview of conclusions and recommendations:This dissertation discusses study of Uzbek people's songs by musicologists and specialists in folklore, also comparative analysis of songs, their role in nonmaterial heritage and poetic styles and genre specification.

The importance of songs in Uzbek ceremonies, esthetic value, domestic function, specific marks, genesis, and fictional structure of songs were analyzed by scientific point of view.

Moreover, origination of people's songs in ceremonial folklore, their connection with religious beliefs such as animism, specification of unceremonious songs and their difference from ceremonial songs were analyzed comparatively.

Nation's history, culture, customs were studied through the investigation of traditional versus, symbols, poetic characteristics and ethnographical details, as well as, their importance in today's upbringing were proved.

Supervisor: Doctor of philology, professor,

J.S.Eshonqulov

Student of master:

S.Kh. Ruzieva

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳар бир халқнинг тарихи, тили, яшаш тарзи билан бир каторда урф одатлари ва маросимлари ҳам унинг ўзлигини намоён этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Аслида ҳам урф одат, маросимлар узок асрлар давомида шаклланиб, авлоддан авлодга ўтиб, миллий қадриятларни ҳосил қилади. Миллий қадриятлар эса ҳар бир халқнинг етукликка эришишдаги, миллий ўзлигини англашдаги мезонига айланиб қолади.

Дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари этномаданий хусусиятлар ва миллий маданият борасида кўплаб муаммоларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш масаласини долзарб муаммо сифатида кун тартибига кўймоқда. “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз”, дейди, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев¹. Албатта, ўзи яшаб турган жамиятнинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол кишисини тарбиялаш ўзбек халқининг энг муқаддас, барча даврлар учун бирдай долзарб бўлган вазифаларидан ҳисобланган. Халқимиз эса, узок йиллик тарихи жараёнида ўз билим ва тажрибаларини ўсиб келаётган ёш авлодга қолдиришнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида халқ оғзаки поэтик ижодидан фойдаланиб келган.

Миллий қадриятлархалқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзаро мустаҳкам боғлаб, келажак насларнинг эзгу анъаналар руҳида камол топишига хизмат қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб, унутилиш арафасида турган кўплаб урф-одатларимиз, қадриятларимиз, байраму-томошаларимиз, миллий қадриятларга йўғрилган анъаналаримизга қайта жон бағишлангани рост. Шу ўринда, қадимий

¹Мирзиёев Ш.М. 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи. – Тошкент, 2017. www.lex.uz

байрамимиз “Наврўз”нинг умумдавлат миқёсида ва мунтазам равишда нишонланиши, ҳамда, ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни асраш бўйича XI сессиясида жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлигини эслаш кифоя.

Фольклоршунос олимларимиз томонидан халқ кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари ва жанрлар таркибини аниқлаш, уларнинг тарихий асослари ва бадиияти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ этилган ва ўрганилган, илмий хулосалар берилган. Аммо, ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятлари ҳали **етарлича тадқиқ** этилмаган.

Ўзбек халқ кўшиқларининг бадиий матнида инсониятнинг пайдо бўлишидан тортиб, асрлар оша шаклланиб келган тарихи ва орзу интилишлари талқин қилинган. Халқ қарашларининг бадиий тадрижида кўшиқларнинг тутган ўрни, спецификаси, тарихий асослари, поэтикаси, ғоявий-бадиий хусусиятлари, халқ турмуш тарзидаги маиший вазифаси, шунингдек, кўшиқларнинг жанрий хусусиятлари, уларда талқин қилинаётган рамз, образ, тилсимлар моҳиятини очиб бериш ва функционал ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш асосида муайян хулосаларга келиш фольклоршуносликнинг тадқиқ этилиши зарур бўлган **долзарб масалалари** жумласидандир.

Халқимизда комил инсонларни вояга етказиш масаласи қадим-қадимдан, долзарб масалалардан бўлиб келган. Албатта, инсоният бор экан, у доим етукликка, комилликка, халқ тили билан айтганда алп инсон бўлишга интилиб келган. Бунинг учун эса халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланишган. Жумладан, ўзбек халқ кўшиқларининг ўзида ҳам, инсоннингҳаётидаги асосий бурилишлари акс этиб боради ва унинг тарбиясига ҳам ўз ҳиссасини қўшмасдан қолмайди. Токи халқ бор экан, унинг кўшиқлари ҳам барҳаёт яшайди. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг катта қисмини ҳам халқ кўшиқлари ташкил этади.

ЮНЕСКО ташкилотининг “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” бўйича қабул қилинган Конвенциясига бизнинг малакатимиздан

хам бир қанча объектлар киритилгани бежиз эмас. Бизнинг халқимиз қадим тамаддунга ўз ҳиссасини қўшган, дунё тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ва кўплаб буюк ишларни амалга оширган моддий ва маънавий меросга ворис халқдир. Бу мероснинг деярли барча йўналишлари халқ оғзаки ижоди билан боғлиқлиги янада қувонарли, бу ҳол биз ёш тадқиқотчилар масъулиятини янада оширади.

Халқнинг маданий меросига ҳар бир авлоднинг ўз муносабати бўлади. Уларга эътибор юксак даражада бўлса, бу мерос янада сайқалланади ва кейинги авлодларга шу кўринишда узатилади. Агар аксинча бўлса, халқнинг асрлар давомида асраб келган маданий мероси унутилади, шу билан миллат ҳам ўзлигидан ажралади. Биз эса тадқиқотимиз орқали, шу салбий ҳолатларга қарши курашамиз.

Тадқиқот объекти ва предмети; Ўзбек халқининг маросим ва номаросим фольклори ва унда ижро этиладиган қўшиқлар, ҳамда мамлакатимиз ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг оила-турмуш маросимлари, хўжалик анъаналари ва кундалик моддий маданиятидаги синкретик ҳолда сақланиб қолган кўринишларини илмий таҳлил этиш тадқиқот **объекти** сифатида хизмат қилади. Ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзидаги маросим ва номаросим қўшиқлари билан боғлиқ бўлган урф-одатларни тарихий-этнографик материаллар ва илмий адабиётлар асосида ўрганиш эса тадқиқот **предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари; Мазкур тадқиқотнинг мақсади, ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятларини тадқиқ этиш, таснифи масалаларини қиёсий ўрганиш, халқ қўшиқлари жанрларининг юзага келишига асос бўлган қадимги инонч-этиқодларнинг ўрни ва вазифаларини ойдинлаштириш, илмий жиҳатдан асослаш ва ушбу жиҳатдан жараёнга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқишга уриниш. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ўзбек фольклоршунослиги материаллари, мавжуд илмий адабиётлар, тарихий-этнографик ва ёзма манбаларга, халқ ҳаётининг кундалик турмуш

тарзидаги ва ижро ҳолатларига суянган ҳолда халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

- ўзбек халқ қўшиқларининг таснифи масалаларини қиёсий ўрганиш;
- ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятларини кўрсатиб бериш ва унинг юзага келиш тарихи, мифологик асослари билан чамбарчас боғлиқлигини қиёсий ўрганиш;
- ҳар бир жанрнинг ўзига хос бўлган жанрий хусусиятларини ўрганиш, ўзбек халқ қўшиқларининг генезисини тадқиқ этишнинг муҳим манбаи эканлигини асослаш;
- халқ қўшиқлари жанрларининг юзага келишига асос бўлган поэтик моделларнинг шаклланишида қадимги инонч-эътиқодлар ва архаик мифларнинг ўрни ва вазифаларини ойдинлаштириш;
- ўзбек халқ қўшиқларининг келиб чиқиши ва тадрижий ривож туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадиий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгаллигини кўрсатиб бериш;
- қўшиқлардаги бадиий тасвир воситалари ҳар жанр хусусияти билан боғлиқ эканлигини таҳлил этиш.

Илмий янгилиги; Ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятларини ўрганиш, таснифи масалаларини қиёсий таҳлил этиш жараёнида юзага келган қуйидаги илмий, назарий ва амалий натижаларни ўзбек фольклоршунослиги фани учун аҳамиятли бўлган янгилик сифатида эътироф этиш мумкин:

- ўзбек фольклоршунослиги материаллари, мавжуд илмий адабиётлар, тарихий-этнографик ва ёзма манбаларга суянган ҳолда халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинди;
- ўзбек халқ қўшиқларининг таснифи масалалари қиёсий ўрганилди;
- ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятлари кўрсатиб берилди ва унинг юзага келиш тарихи, мифологик асослари билан чамбарчас боғлиқлиги қиёсий ўрганилди;
- ҳар бир жанрнинг ўзига хос бўлган жанрий хусусиятларини ўрганиш

Ўзбек халқ кўшиқларининг генезисини тадқиқ этишнинг муҳим манбаи эканлиги асосланди;

- халқ кўшиқлари жанрларининг юзага келишига асос бўлган поэтик моделларнинг шаклланишида қадимги инонч-эътиқодлар ва архаик мифларнинг ўрни ва вазифалари ойдинлаштирилди;

- ўзбек халқ кўшиқларининг келиб чиқиши ва тадрижий ривожини туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадиий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгаллиги кўрсатиб берилди;

- кўшиқлардаги бадиий тасвир воситалари ҳар жанр хусусияти билан боғлиқ эканлиги таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари; Тадқиқотнинг асосий масалалари халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятларини таҳлил қилиш ва таснифини қиёсий таҳлил этиш, бугунги кунда маросимларнинг ўтказилиш даражаси ва уларда халқ кўшиқларининг сақланиб қолиниши, халқ кўшиқларининг ижро жараёнлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, уларни таҳлил ва тадқиқ этишни фараз қилиш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили); Ўзбек мумтоз адабиётлари ва олиб борилган кўплаб илмий тадқиқотларда маросим фольклори ва халқ кўшиқларига катта эътибор қаратилган. Ўзбек халқ кўшиқлари хусусида фольклоршунослик, элшунослик ва тилшуносликка оид илмий адабиётларда ўринли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, тадқиқотимизда олдимизга қўйган муаммоларни ёритишда, М.Алавия, Б.Саримсоқов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, М.Якуббекова, Д.Ўраева, А.Аширов, М.Жўраев, А.Мусақулов, Р.Носиров, Л.Худойқулова, Н.Турғунова² каби фольклоршунос, адабиётшунос,

²Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент, “Фан”. 1974., Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори – Тошкент, “Фан”, 1986., Турдимов Ш., Эшонқулов Ж., Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари – Тошкент, 2017., Эшонқулов Ж. // Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Йўлдошева С. – Тошкент, “Наврўз”, 2017. Ўқув қўлланма., Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг

этнограф, санъатшунос ва тарихчи олимларнинг тарихий фактик материаллари, назарий хулосаларидан кенг фойдаландик.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи; Диссертациянинг методологик асосини бадиий асарнинг, жумладан фольклор асарларининг лисоний бадиияти ҳақидаги жаҳон ҳамда ўзбек адабиётшунослиги, фольклоршунослигида яратилган фундаментал тадқиқотларнинг маънавий-мантиқий хулосалари ташкил этади. Мавзунинг табиатидан келиб чиқиб, тарихий-қиёсий, лингвопоэтик методлар ва бошқа бир қанча тадқиқот методларидан фойдаланилди. Умуммиллий методлар билан бир қаторда, ўрни билан функционал, концептуал, структурал таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; Тадқиқотда кўшиқларнинг ўзига хос жанрий хусусиятлари тўғрисидаги қатор муаммоларига бизнинг баҳоли қудрат ечимларимиз келгусида бу соҳада иш олиб боровчи тадқиқотчилар учун маълум йўл-йўриқлар бериши мумкин. Бадиий асарнинг жанрий ўзига хослиги яхлитликда ўрганилиши, бадиий асар таҳлилида янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади. Кўшиқларнинг жанрий хусусиятларини тўғри талқин қилиш, кўшиқлар таснифини қиёсий таҳлил этиш, фольклор кўшиқлари поэтикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқариш имкониятини беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. “Ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятлари” мавзусидаги магистрлик диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

лингвопоэтик хусусиятлари – Тошкент, 2005. Диссертация., Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида паралелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари. – Тошкент, 1993. Диссертация., Аширов А. Ўзбек халқ қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, “А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”. 2007., Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, “Фан”. 2010.

I. БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ТАСНИФИ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилиши масалалари

Тарихан ҳар бир халқ ёки миллат ўзининг минг йиллик урф-одат, анъана ва маросимлари билан бир-биридан фарқ қилиб турган. Ҳар бир халқда кузатилувчи такрорланмас бу мерос маданиятлараро турли-туманликни кўрсатиб уларни бир-биридан камситмаган ҳолда ажратиб келган. Дарҳақиқат ўзини, ўзлигини англаган ҳар бир инсон, аجدодлари ким бўлганлиги, улар нима билан шуғулланганлиги билан кизиқади. Ўз аجدодларининг қадриятга айланган моддий ва маънавий меросини асраб авайлашга интилади ва унинг ривожини учун, янги авлодлар ҳам хизмат қила бошлайди.

Дунё суръатининг ўзгариши барча соҳаларда, моддий ва маънавий соҳада ҳам бир қанча ўзгаришларга олиб келди. Глобаллашув жараёни ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиш учун хизмат қилса-да, алоҳида олинган жамиятларнинг ўзлигини намоён қилиш элементларидан кечиши ҳисобига бўлади. Шу сабаб, бутун дунёда маданиятларнинг аралашуви натижасида салбий ҳолатларнинг ҳам юзага келиши кузатилаётгани ҳам сир эмас. Буни олдини олиш мақсадида БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилоти янги ташаббус билан чиқди. Унга кўра, “Номоддий маданий мерос” номи билан аталувчи тушунча остида ҳар бир халқни бошқа миллатлардан ажралиб турувчи энг ноёб қадриятларини асраш, тарғиб этиш ва авлоддан-авлодга етказиш бўйича ижобий жараёнлар бошланиб кетди.

Конвенцияга кўра, мамлакатимизда ҳам Номоддий маданий мероснинг намоён бўлиш шакллари қуйидагиларда кўринади:

а) ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари, шу

жумладан, айна пайтда тил-номоддий маданий меросни акс эттирувчи омил сифатида;

б) ижро санъатида;

с) жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари;

д) табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар йиғиндиси;

е) анъанавий хунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар³.

Шундан ҳам кўринадики, халқ оғзаки ижодига бўлган эътиборнинг юксак даражада эканлиги, унинг инсониятнинг келажагида маънавиятни озиклантирадиган манба бўлиб қолиши бутун жаҳон ҳамжамиятида тан олинган масаладир.

Бугунги давр аждодлар меросини чуқурроқ ўрганишни, тадқиқ этишни талаб этмоқда. Бу улкан меросни бизнинг оғзаки шаклланиб, оғзаки этиб келган, санъатнинг барча жанрларини ўзида мужассам этган халқ ижоди намуналари эгаллайди. Улар халқнинг шонли тарихини, анъаналарини, қадриятларини мужассам этган асарлардир.

Илмсевар, фидоий, жонкуяр инсонлар томонидан, халқ кўшиқларининг ранг-баранг жанрлари тўпланди, алоҳида тўпламлар ҳолида нашр этилди ва турли жиҳатдан тадқиқ этилди. Айна маънавий бойликларни бугунги авлод эҳтиёжлари ва талабларига мос ҳолда тарғиб этиш, ҳозирги замон олимлари ва ёш тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан биридир.

Фольклор шундай туганмас бир хазинаки, уни қанча ўрганмайлик, унинг янги жиҳатлари яққол намоён бўлиб бораверади. Биз эса, яна ва яна янги билимларга эга бўлиб бораверамиз.

Биз азалдан фольклорнинг оғушида туғилиб, унинг оғушида улғайган миллатмиз. Аммо, шундай пайтлар бўлдики, биз уни унутдик, ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Натижада ёт тарбия ўчоқларининг пайдо бўлишига замин яратиб бердик. Энди эса, курашиш керак, бунинг учун, миллий меросимизни кенгроқ тадқиқ этиш ва тарғиб этиш лозим. Шуларни ҳисобга

³ Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция. 2-модда. 2-банд. – Париж. 2003.

олган ҳолда, маданий меросимизнинг ҳар бирини асраш ва тарғиб қилиш мақсадида унинг уммонидан бир жилғанинг йўлини очишга бел боғладик. Халқ ижодининг энг гўзал намуналаридан бўлган кўшиқлар, ҳар давранинг, ҳар ёшнинг ҳис туйғуларини ўзига тортувчи нодир топилмадир.

Халқ кўшиқларихамма даврда, ўзбек фольклоршунослигининг мухлисларива тадқиқотчиларидиққат марказида бўлиб келган. Ўз даврининг машҳур олиму-фузалолари ҳам халқ оғзаки ижоди, жумладан, халқ кўшиқларидан илҳом олишган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаш, нашр этиш ва ўрганишда жиддий ютуқлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Бугунгача амалга оширилган илмий тадқиқотлар орасида ўзбек халқ кўшиқларига бағишланган тадқиқот ишларининг ҳаммасини ҳам талабга жавоб беради, деб айта олмаймиз.

Бу борада қилинган илмий тадқиқотлардан, ҳассос олима, Музайяна Алавиянинг (“Ўзбек халқ кўшиқлари”, “Ўзбек маросим кўшиқлари”, “Оқ олма, қизил олма”) илмий тадқиқотлари, мустақилликдан сўнг яратилган бир неча тадқиқотлар, жумладан, фольклоршунос олим Асқар Мусақуловнинг халқ лирикаси тарихий асослари ва бадииятига доир тадқиқотлари, Дармон Ўраеванинг мотам маросим айтимлари, йиғи-йўқловларининг тадқиқига бағишланган “Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти” мавзусига доир тадқиқоти, Мунаввар Якуббекованинг “Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари”га бағишланган тадқиқоти халқ кўшиқлари бадииятига доир самарали ишлар қилинганлигини кўрсатади.

Улар каби кўплаб фольклоршунос, мусиқашунос олимлар халқ кўшиқларининг турли жанрларини, уларнинг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятлари, бадиияти каби масалаларини тадқиқ этдилар. Аммо, бу борада қилиниши керак бўлган, тадқиқот ишлари, ҳали яна давом этиши керак бўлган масалалардан биридир.

Ўзбек халқ кўшиқларининг илк намуналарини, улар ҳақидагимаълумотни ва кўшиқ атамасига берилган илк изоҳни ҳам, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида учратамиз, аммо, кўшиқларнинг яралиши жуда қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Халқ оғзаки ижоди намуналарини Маҳмуд Қошғарийдан ташқари, Наршахий, Замахшарий, Беруний, Рабғузий, Алишер Навоий каби олим ва адибларнинг асарларида фольклор намуналарини ёзиб олганликлари ва бу намуналардан унумли фойдаланганликларидан билиб оламиз. Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг ҳам халқ кўшиқлари ҳақидаги фикрлари ғоят аҳамиятлидир.

Бизга маълумки, халқ кўшиқлари асосан, бармоқ вазнида яратилса ҳам, унинг айрим намуналари аруз системасидаги вазнларга ҳам мос келади. Навоий ўзининг “Мезонул-авзон” асарида халқ шеърисидаги аруз вазнлари ҳақида тўхталганда кўшиқ жанрига ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. У арузда битилган халқ кўшиғи ҳақида шундай ёзади: “Яна “кўшиқ” дурким, арғуштак⁴ усулида шойиёдур ва баъзи адвор кутубида ул усул зикр бўлибтур ва ул суруд аъробининг тева сурар ҳудудлари вазни била, мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур, анинг асли бу навъдурким, байт:

Ваҳки, ул ой ҳасрати, дард доғи фурқати,

Ҳам эрур жонимга ўт, ҳам ҳаётим офати.

Фоилотун фоилун, фоилотун фоилун⁵”.

Бундан ташқари, шоир асарларида XV аср ўзбек фольклорининг жанрлар тизимига доир афсона, қисса, ривоят, эртак, ҳикоят, достон, улуғ ир, аёлғу, кўшиқ, суруд, ўзмоғ, чанг, чинга сингари атамалар ҳам кўп қўлланилган. Бу эса, шоирнинг халқ оғзаки ижодиётидан яхши хабардорлиги, ўз асарларида улардан унумли фойдаланганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий халқ кўшиқларининг шеърий матни устида ҳам тадқиқотлар олиб борганликларини унинг илмий ва бадиий меросида

⁴ “арғуштак усули” рақсга тушиб ижро этиладиган халқ лирикасига мансуб асарлар.

⁵ А. Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20-томлик. 16-том. Мезон ул-авзон. – Тошкент, “Фан”, 1993. Б. 92.

учратамиз. Унинг асарларида халқ кўшиқлари, жумладан, “Ёр-ёр”лар ҳақида маълумотларни, “Алла” айтгувчиларни “Навоғў” тарзида келтирганини кўрамиз. Навоийнинг мавсум-маросим кўшиқларига доир илмий фикрлари мавжудлигини эса, О.Сафаров ва М.Алавия каби олимларнинг тадқиқотларидан, қизиқарли маълумотларни билиб оламиз.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб ўзбек фольклорига мурожаат қилиш, уни ўрганиш ва фольклор анъаналарини давом эттиришга уринишлар яққол кўзга ташланади. XIX асрда Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Муқимийнинг “Саёҳатнома” каби халқона асарларининг вужудга келиши бунинг ёрқин исботидир.

XX асрнинг бошларига келиб эса, фольклорга мурожаат қилиш Бехбудий, Авлоний, Айний, Ҳамза, Қодирий, Чўлпонларнинг ижодида намоён бўла бошлайди. Жадиdlар мактабларининг дарсликларини ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари билан бойитишади.

Бугунги кунгача йирик тадқиқот ишларини амалга ошириб келаётган ўзбек фольклоршунослиги фанининг шаклланиши тарихи, XX асрнинг 20-йилларидан бошланган. Айниқса, 1921-1922 йилларда амалга оширилган, фольклор асарларини ёзиб олиш, тўплаш ишлари бўйича уюштирилган фольклор экспедицияларининг ишлари самарали бўлган.

“Бу экспедицияларда қатнашган Ғози Олим Юнусов ва Ғулом Зафарий лапар, ўлан, болалар кўшиқлари, оғзаки драма, эртақ ва афсона маросим фольклорига оид материалларини ёзиб олишган⁶”. Ўзбек билим ҳайъати томонидан ташкил этилган, фольклор экспедицияларига бошчилик қилган Ғ.О.Юнусовнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплашдаги хизматлари беқиёсдир. У гарчи халқ оғзаки ижодини фольклор атамаси билан атамаган бўлса-да, “Эл адабиёти” номи билан халқ оғзаки ижоди намуналари ёритилган, бир неча мақолаларини нашр эттирган. Ҳамда

⁶ Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент, “Фан” 2009. Ўқув қўлланма. Жами: 192. Б.37.

“Фозил Йўлдош ўғли ва Эргаш Жуманбулбул ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаган⁷”.

Ўзбек халқ фольклоршунослиги тараққиёти босқичлари ва тарихий илдизларини ўрганишни, назарий жиҳатдан асослаган ҳолда, биринчи бўлиб, Ҳоди Зарифов бошлаб берди. Ҳоди Зарифов фольклоршунослик фанимизнинг асосчисидир. “1928 йилда унинг ташаббуси билан ташкил этилган “Этнография фольклор ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети” негизида кейинчалик Тил ва адабиёт институтининг Фольклорбўлими юзага келган⁸”. Бу бўлимнинг пайдо бўлиши ва хассос олим, аллома Ҳоди Зарифовнинг хизматлари сабаб фольклоршунослик соҳаси гуллаб яшнади. Халқ оғзаки ижоди бўйича амалга оширилган кўплаб илмий тадқиқотлар айнан шу даврдан бошлаб, тараққий этди.

Ҳоди Зарифов Маҳмуд Қошғарийнинг девонидаги фольклорга хос бўлган барча жанрларни бир-бир изоҳлаб, шарҳлаб берди. Сақланиб қолган мавжуд атамаларни девондаги сўзлар маъносига кўра таҳлил этди. У фольклоршуносликка оид илк ўқув қўлланмалар, кўплаб асарлар муаллифидир. Ўзбек халқ кўшиқларининг тўпланишида ҳам хизматлари беқиёс, атоқли олим 20-йилларда уюштирилган экспедицияларидан бирида “Ё рамазон” кўшиқларининг мукамал намунасини ёзиб олган. Ҳоди Зарифов умрининг охиригача, фольклорнинг энг мукамал намуналарини тўплаш ва нашр эттириш билан шуғулланди.

Ўзбек халқ кўшиқларининг ёзиб олинishi ва тўпланишида ҳам, кўплаб заҳматкаш инсонларнинг хизматлари диққатга сазовордир. М.Қобулниёзов (Хоразм халқ кўшиқларидан намуналар,1965), Ҳ.Раззоқов (Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари, 1967), М.Алавия (Оқ олма, қизил олма, 1972, Ўзбек халқ маросим кўшиқлари,1974), Б.Саримсоқов (Ўзбек маросим фольклори, 1986), М.Жўраев (Ой олдида бир юлдуз, 2000), А.Мусақулов

⁷ Жўраев М.Фольклоршунослик асослари. – Тошкент, “Фан” 2009. Ўқув қўлланма. Жами:192. Б.37.

⁸ Жўраев М.Фольклоршунослик асослари. – Тошкент, “Фан” 2009. Ўқув қўлланма. Жами:192.. Б.40.

(Ўзбек халқ лирикаси, 2010), Р. Носиров (Ўзбек халқ кўшиқлари композицияси, 2004), М. Ёқуббекова (Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари, 2005), Д. Ўраева (Ўзбек халқ кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари, 1993), Н. Турғунова (Фарғона водийси яллачилик санъати, 2016) каби фольклоршунослар халқ кўшиқларининг яратилиши, халқ ижодкорлик анъаналари, мавзуси, ғоявий йўналиши, поэтик хусусиятлари, келиб чиқиши, турли хусусиятлари ҳақида тадқиқотлар олиб борганлар. Улардаги бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши ҳақида ўз вақти учун долзарб ва қимматли бўлган талай маълумотларни берганлар. Натижада кўплаб, фольклористик йўналишдаги монография ва тўпламлар юзага келди.

Ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилишида илк ва кўп тилга олинадиган фидоий инсон, хассос олима, Музайяна Алвиянинг номи халқ кўшиқлари билан бирга тилга олинади. М. Алавия ўзбек халқ кўшиқларини тўплаш, ўрганиш, улар ҳақида монография ва мақолалар ёзиш, уларни нашр эттириш борасида энг кўп фаолият кўрсатган фидоий инсондир. Унинг 1959 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган, ўзбек халқ кўшиқлари ҳақидаги биринчи йирик монографияси “Ўзбек халқ кўшиқлари ҳақида” деб номланган бўлиб, унда кўшиқ жанрининг табиати, кўшиқларнинг жамият тараққиёти ва халқ тарихида тутган ўрни, халқнинг маданий ҳаётидаги ўрни ва бадиий хусусиятларини ёритиб берди.

Қизил гул гунча-ю гунча,

Юракда дарду ғам қанча.

Келиб ёнимга ўлтиргин,

Менинг баҳрим очилгунча⁹.

Олима мазкур тўртликни бир неча вариантларда тарқалган эканлиги, халқнинг ижодкорлигига кўра, кўшиқ вариантларини яна давом эттириш мумкинлигини мисоллар орқали исботлаб, кўшиқнинг мазмун-

⁹Алавия М. (Тўпловчи) Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент. “Адабиёт ва санъат”, 1972. Б. 5.

моҳиятини ҳам очиб беради. Бунда “бу қўшиқнинг учинчи мисраси кўпинча вазиятга, ҳолатга қараб ўзгариб, унинг ўрнини “*Кошки онам келса эди*”, “*Раҳми йўқ келса эди*”, “*Сўйган ёр келса эди*” каби мисралар эгаллайди”, дейди. Шунда қўшиқнинг ҳам мурожаат этувчиси, ҳамайтувчисининг ҳам вазифаси ўзгаради. Олима, ўзбек халқ қўшиқларини ўрганар экан, қўшиқлардаги импровизация (бадиҳа), ўзига хос тафсиллар, фикр ифодалаш кўлами ҳақида сўз юритиб, таҳлилга тортилган бир неча тўртликлар борасида фикр билдиради.

Дарду алам келибдир,

Менинг бечора бошимга.

Сойда ўрдак сузадир

Кўздан оққан ёшимга¹⁰.

Олима матнни таҳлил этар экан, матнда қўлланилган муболаға лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилаётганини таъкидлайди. У бу қўшиқни бадиий жиҳатдан юксак намунадир дея, эътироф этади.

Музайяна Алавиянинг “Ўзбек халқ маросим қўшиқлари” монографиясида қўшиқларнинг ўзбек халқи маиший ҳаётида ва маросимларида тутган ўрни, эстетик вазифаси ҳақида сўз боради. Бу турдаги қўшиқлар бадиияти халқнинг урф-одатлари, ишонч-эътиқодига боғлиқ равишда очиб берилишини баён қилади.

Халқ шеърятининг тарихий илдизи, қўшиқнинг қадимийлиги, ҳаётда тутган ўрни, жанр хусусияти ва унинг турлари, халқчиллиги ва бадиий хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар юритади. Халқ қўшиқларига ўзгача меҳр-муҳаббат кўйган олима халқ қўшиқларидаги образлар, тимсоллар характери ва моҳиятини ҳам очиб берди. “Инсон табиатининг ички моҳиятини ташкил этувчи образсиз, шаклсиз туйғуни образ ва картиналар орқали тасвирлаб

¹⁰Алавия М. (Тўпловчи) Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1972. Б. 7.

ифодалаган шеърятнинг бир тури бўлган кўшиқ содда, табиий ва олижаноб бўлади¹¹”.

Музайяна Алавия ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий тараққиёти хақида фикр юритар экан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг уччала томидаги тарқоқ кўшиқларни тўплаб текширилса, бундан минг йиллар илгари ҳам кўшиқлар ранг-баранг бўлганлигини пайқаш қийин эмас, дейди. “Маҳмуд Қошғарий томонидан чигил, қипчоқ каби қабилалар орасида тўпланган кўшиқлар ёрдами билан ўзбек ёзма адабиётининг юзага келиши ва тараққий этиши учун лозим бўлган адабий заминнинг бир қисмини кўшиқлар ташкил этганини ва девондаги тўртликларнинг бир нечаси халқ кўшиқлари асосида яратилган ёзма адабиёт намуналари бўлиши ҳам мумкин¹²”, дейди олима. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир ижод намунаси илҳомланиш, ҳисларга берилиш натижасида юзага келади. Демак, ёзма адабиётнинг кўплаб намуналарини вужудга келишида, халқ оғзаки ижоди асос вазифасини ўтаган деб айтишимиз мумкин.

Эшигингдан ўтсам ман,

Дуторингнинг овози.

Юрагимни куйдирган,

Сўйган ёримнинг нози¹³.

Мана бундай содда, самимий ва табиий яратилган кўшиқлар юксак санъат асари сифатида асрлар ошиб ҳам эскирмай қолаверади. Унда ўзбекнинг қадимий дуторининг овози сўйган ёрнинг нозига, унинг ишваси-ю, инжиқликларига ўхшатилади. Музайяна Алавия халқ кўшиқларининг асосий белгиси ҳаётга бўлган муҳаббатдир¹⁴, дейди. Олима ҳақ эди, ҳаётга бўлган муҳаббат сабаб, бугун ҳам кўшиқлар бир зум яратилишдан тўхтаган эмас. Тўғри, улар бугун яқка бир ижодкорнинг ижод маҳсули бўлиб дунёга

¹¹ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент, “Фан”, 1974. Б.49.

¹² Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б.58.

¹³ Алавия М. (Тўпловчи) Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент. “Адабиёт ва санъат”, 1972. Б. 9.

¹⁴ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б.80

келаётган бўлиши мумкин, аммо улар ҳамма томонидан эшитилади ва ижро этилаверади. Қўшиқ бу қалбларнинг тугёни, рухнинг исёни, инсон туйғуларининг юксак чўққисидир!

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида асосий жанрлардан ҳисобланган кўшиқлар халқ турмушини, ахлоқ нормаларини ўзига хос маҳорат билан акс эттиради. Одамнинг ички дунёсини, ўй-кечинмасини, умид, орзу, келажакка бўлган ишончини ҳам кўшиқларда ўзига хослик билан ифодалайди. Қўшиқ, шеър билан айтилган сўзнинг таъсири кучлибўлади. Халқ кўшиқлари бадииятини ўз илмий тадқиқотида кенг ёритган фольклоршунослардан яна бири О.Сафаровдир. У Ғ.Жаҳонгиров бошлаб берган йўналишни давом эттириб, болаларга аталган ва улар ижро этадиган поэтик меросимизни илмий асосда тўплади, ўрганди ва таҳлил қилди. “Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жанрлар таркиби ва поэтикаси” деб номланган диссертациясида болалар кўшиқларининг бадииятига доир қимматли фикрларини баён этди.

Фарзандни турли номлар билан алмашиб қўлланилиши, яъни кўзичоқ, тойчоқ, бўталоқ, булбул сўзларининг таъкидлаб кўрсатилиши тотемистик тасаввур илдизларининг кўшиқларда ҳали ҳамон сақланиб келинаётгани ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир. Болалар кўшиқлари ҳам халқ кўшиқларининг энг оммалашган турларидан ҳисобланади. Улар болалар томонидан севиб ижро этилиб, катталарга тақлид ҳам қилинади. Айнан болалар кўшиқлари соддалиги билан бир қаторда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларини ҳам ўзида намоён этади:

*Офтоб чиқди оламга,
Югуриб бордим дадамга,
Дадам урди чаккамга,
Чаккамнинг қони чиқди
Янгамнинг жони чиқди.*

Ёки

Офтоб чиқди оламга,

- Югуриб бордим дадамга,
- Дада, дада, қорним оч,
- Қорнинг очса, қоқи е¹⁵.*

Бу матнлар ўйин қўшиғи бўлиб, болалар аксар ҳолларда бирор ўйин сабаб қўшиқлар куйлашган.

Ш.Турдимовнинг “Ўзбек лирик қўшиқларида поэтик рамзлар” мавзусидаги номзодлик диссертациясида халқ қўшиқлари поэтикаси яхлит ҳолда тадқиқот объекти бўлгани билан ўзбек қўшиқлари тадқиқотида янги даврни – қўшиқлар поэтикасини ўрганиш даврини очиб берди, десак муболаға бўлмайди. Албатта, бу даврга келиб, рус ва ўзбек фольклоршунослигида бундай тадқиқот жараёнида таяниш учун етарли материал тўплангани ишнинг мукамал ва кенг қамровли чиқиши учун имконият берган бўлиши табиий. Фольклоршуноснинг тадқиқот учун чуқур назарий тайёргарлиги қўшиқ матнлари устида олиб борилган поэтик таҳлиллар жараёнида яққол кўзга ташланади. Халқ қўшиқларидаги рамзларнинг тарихий илдизлари, матнда англатган тағ маънолари, қўшиқ матнидаги бадииятни ҳосил қилишдаги иштироки маҳорат билан илмий асосда далилланган.

Д.Ўраева “Ўзбек халқ қўшиқларида параллелизмнинг характери ва бадиий композицион вазифалари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси билан халқ қўшиқларидаги энг қадимий ва самарали бадиий тасвир воситаларидан бирини тадқиқ этди. Халқ лирик қўшиқларининг вариантлашувида параллелизм санъати муҳим роль ўйнайдиган омиллардан бири эканлиги, қўшиқларнинг вариантлашишига туртки бўлиши, параллелизмлар халқ лирик қўшиқларида композицион асос даражасига кўтарилган, қўшиқнинг ритмик ўйноқчилиги ва сероҳанглигини таъминлайдиган, унинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини кучайтирадиган энг муҳим поэтик усуллиги ҳақида сўз юритади.

¹⁵ Галиев Шамиль. “Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси”. Диссертация. Тошкент. – 1998. Б. 27-28.

Д.Ўраеванинг халқ кўшиқлари борасидаги изланишлари натижасида, “Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти” мавзусида яна бир илмий тадқиқот яратилди. Бу диссертацияда ўзбек халқ мотам маросим кўшиқларининг генезиси, таснифи, ижро босқичлари, вазифаси, асосий мотивлар ва лингвопоэтик хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Ўзбек халқ кўшиқлари ўрганилишидаги энг ёрқин тадқиқот иши Аскар Мусақуловнинг “Ўзбек халқ лирикаси” монографиясидир. Олим мазкур докторлик диссертациясида халқ кўшиқларидаги образлар ва мотивларнинг тарихий, мифологик илдизларини тадқиқ этишга интилади. Фольклор кўшиқларидаги “севги магияси, эротик культлар асоратлари..., қадимий тушунчалар ва эътиқодлар билан боғлиқ маросимлар, урф-одатлар халқ лирикасининг тарихий асоси” сифатида талқин қилади. Кўшиқнинг тўла шаклланиши учун эса, “поэтик кўчимлар ривожини, мифлар, маиший турмушнинг идеаллаштирилиши, ўзига хос рамзлар тизими, лирик сюжетлар¹⁶” каби омиллар керак экан.

Бизга маълумки, мураккаб кўшиқ жанрларининг пайдо бўлиши, мақомнинг келиб чиқиши, катта ашула кабиларнинг яралишида, халқ кўшиқлари пойдевор вазифасини ўтагани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбек кўшиқларини олимлар икки улкан дарёга қиёслашади. Бири халқ яратган содда йўл, иккинчиси яқка ижодкорлар томонидан яратилган мақом йўлидир.

Халқ кўшиқларини назарий асослари, бадиий таҳлилларини тадқиқ этган олимларимиздан ташқари, амалий ижро орқали уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганган, уларга меҳр қўйган, кўшиқлардаги доно халқнинг ҳис-тўйғулари ва кечинмаларини ўзларида ифодалаб, сайқал бериб яна халққа етказувчи мусиқашунос ва санъаткорларнинг ҳам фикрлари қимматлидир. Чунки ҳар қандай профессионал хонанда ҳам аввало халқ кўшиқларини ўрганишдан, уларни куйлашдан бошлайди. Бусиз

¹⁶ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент. “Фан” 2010. Б.157

хақиқий иждокор бўла олмайди, албатта.

Ўзбек халқ кўшиқлари ҳақида ўз мулоҳаза ва фикрларига эга бўлган кўплаб санъат аҳли, академик ва бастакорлар юртимизда фаолият юритган ва юритиб келмоқда. Шулардан, устоз санъаткор Хайрулла Лутфуллаевнинг ҳам, ўзбек халқ кўшиқлари ҳақидаги фикрларини келтириб ўтамиз.

Жумладан, устоз Х.Лутфуллаев халқ кўшиқларининг сеҳри ва тароватини ҳис қилган ҳолда улғайганлари ва халқ кўшиқлари сабаб ижролари шаклланганлигини тан олиб, кўшиқларнинг хусусиятлари ҳақида кўйидаги хулосаларни билдиради: “**Биринчидан**, кўшиқ, мусиқа инсонни тарбиялайди, уни эзгуликка, кишиларга яхшилик қилишга ундайди. Ҳар бир кўшиқ мусиқа орқали инсонда яшириниб ётган қобилият ва иқтидорларни топиш имкониятини юзага келтиради; **Иккинчидан**, кўшиқ одамлардаги ёмон сифатларни бартараф этишга ёрдам беради. Миллий-маданий меросни ўрганиш ва ўзлаштириш орқали ўзбек миллатига мансублиги билан фахрланиш ҳиссини уйғотади; **Учинчидан**, халқ кўшиқларни инсонларни жамиятдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этишга сафарбар этади. Бундан ташқари халқ кўшиқлари орқали миллий бирликка, умуммиллий иноқликка эришиш мумкин; **Тўртинчидан**, халқ мусиқаси инсонда соғлом ҳаётий эҳтиёжни, яратувчанлик кайфиятини уйғотади¹⁷”. Дарҳақиқат, биз бугун жонли ижрода, хонандаларимиз куйлаб келаётган халқ кўшиқларининг бугунги ҳаёти билан ҳам ҳисоблашишимизга тўғри келади, чунки халқ кўшиқлари улар каби иқтидор эгалари орқали, янада бойиб, шаклланиб келган.

Жуда тезлик билан ривожланиб, глобаллашиб бораётган жамиятда халқ кўшиқларининг асл вариантларини сақлаб қолишда хонандаларимизнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам, бўлажак хонандаларимиз, халқ кўшиқларининг тарихий асослари ва уларнинг турли

¹⁷Лутфуллаев Х. Анъанавий кўшиқ ижрочилиги ва унинг маънавият ривожига аҳамияти. Номоддий маданий мерос ва этномаданий кадриятлар. Илмий семинар материаллари. – Тошкент, “Наврўз”, 2014. – Б.78.

жанрлари ҳақидаги назарий билимларни ҳам мукамал ўрганишлари керак.

Ўзбек халқ кўшиқларини ўрганган тадқиқотчи олимлар томонидан кўшиқнинг турли ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёт босқичлари, поэтикаси илмий жиҳатдан ўрганилди. Аммо, жанрий хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмаган. Ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятлари яхлитликда олиб ўрганилиши керак бўлган масалалардан биридир. Шунга кўра, ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилганлик даражасини тўлиқ таҳлил этиб, кўшиқларнинг жанрий хусусиятларидан келиб чиқиб, тадқиқ этилиши керак деган **хулоса**га келинди:

1. Халқ кўшиқларининг муҳим бир хусусияти шундаки, адабий лирик турга нисбатан унинг тарихий асосида халқнинг қадим тасаввурлари, маросимлари, иримлари муҳим ўрин тутди. Аммо кўшиқнинг генезиси қадим тасаввурлар билан қанчалик боғлиқ бўлмасин, у кўшиқ халқнинг бирон-бир маърифий, маиший, маънавий эҳтиёжига жавоб бермаса, бугунги кунларгача этиб келмасди. Буни ўрганиш эса, фольклоризмлар масаласи билан боғлиқдир.

2. Халқ кўшиқларини тўлалигича мифологик тафаккур таъсирида пайдо бўлган деб айтиш ҳам ўринсиз, аммо уларнинг халқ оғзаки ижодига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу сабаб халқ кўшиқлари ва мифологик тасаввурлар билан боғлиқ масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши керак бўлган масалалардан биридир.

3. Халқ кўшиқлари инсонда соғлом ҳаётий эҳтиёжни ва яратувчанлик кайфиятини уйғотади. Кўшиқнинг тўла шаклланиши учун эса, поэтик кўчимлар ривожини, маиший турмушнинг идеаллаштирилиши, ўзига хос рамзлар тизими, лирик сюжетлар каби омиллар керак бўлади.

4. Фольклоршуноснинг тадқиқот учун чуқур назарий тайёргарлиги кўшиқ матнлари устида олиб борилган поэтик таҳлиллар жараёнида яққол кўзга ташланади. У халқ кўшиқларидаги рамзларнинг тарихий илдизлари, матнда англатган таг маънолари, кўшиқ матнидаги бадииятни ҳосил

килишда кучли маҳоратга эга бўлиши лозим.

1.2. Ўзбек халқ кўшиқларининг таснифи масалалари

Фольклоршунос олимларимиз, халқ кўшиқларининг яратилиши, халқ ижодкорлик анъаналари, мавзуси, ғоявий йўналиши, поэтик хусусиятлари, келиб чиқиши, турли хусусиятлари ҳақида тадқиқотлар олиб борганлар. Улардаги бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши ҳақида ўз вақти учун долзарб ва қимматли бўлган талай маълумотларни берганлар.

Дунё халқларининг деярли барчасида маросим фольклори иккита катта туркумга ажратилганлиги каби, ўзбек маросим фольклори ҳам ўзининг ҳаётий йўналганлиги, мақсади жиҳатидан икки туркумга, мавсумий маросимлар фольклори ва оилавий-маиший маросимлар фольклорига бўлинади. Фольклорнинг бошқа жанрлари каби халқ кўшиқлари таснифи ҳам тадқиқ этилиши керак бўлган масалалардан биридир.

“Туркияликлар олимлар Абдурахмон Гўзал ва Али Туринлар туркуларни, мавзусига кўра, қурилишига кўра деб икки гуруҳга ажратади. Қардош қорақалпоқ мутахассислари кўшиқларни беш турга: 1. Мавсум кўшиқлари, 2. Тўй кўшиқлари, 3. Мотам кўшиқлари, 4. Чўпон кўшиқлари ва 5. Диний кўшиқларга бўлишган¹⁸. Сибир халқлари туркийларида кўшиқлар мусиқага муносабатига қараб тасниф этилган. Тувалиф фольклоршунос З.К.Кыргис кўшиқларни: 1. Узун ырлар. 2. Қисқа ырлар. 3. Нақорат(кожамыктар)ларга бўлади.

Кўшиқларнинг таснифи масаласида хорижлик олимларнинг ҳам фикрлари турлича. Айримлари кўшиқларнинг ижро этилиши ҳолати ва мусиқийлигига қараб тасниф этилиши керак деса, айримлари ижро ўрнига қараб таснифлаш лозим дейишади. Айрим олимлар кўшиқнинг маълум бир тури юзасидан фикр билдирса, бошқаси бошқа бир тур хусусиятидан келиб чиқиб, фикр юритадилар. Рус фольклоршуноси Д.М.Балашов халқ

¹⁸ Айимбетов Қ. Қорақалпоқ фольклори. Нукус. 1997.Б. 24-40.

кўшиқларини 1. Мавсум, 2. Тўй, 3. Мотам маросими фольклори намунаси сифатида ўрганса, В.Я.Пропп мавсум ва оилавий маросим деб икки гуруҳга ажратади.

Рус фольклоршуноси И.Н.Кравцовнинг ёзишича, фольклор жанрларини илмий тасниф этишнинг икки хил йўли мавжуд: **биринчиси**, мавжуд жанрларнинг ғоявий-бадиий жиҳатлари асосида, уларнинг ўзаро муносабатини назарда тутмаган ҳолда тасниф этиш. Бунда барча жанрларнинг ўзига хос табиати, унинг жанрлар гуруҳидаги тутган ўрни билан белгиланади. **Иккинчиси**, фольклор жанрларини жанрлараро муносабат нуқтаи назаридан тасниф этиш. Бунда умумфольклор жанрларининг тараққиёти жараёнида ҳар бир жанрнинг тутган ўрни, уларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлари жараёни ҳам ойдинлашади¹⁹”.

Ўзбек халқ кўшиқлари таснифига бугунга қадар, кўп олимларимиз мурожаат қилишган. Фольклоршунос олима Музайяна Алавия, ўзбек халқ кўшиқларини қуйидаги гуруҳларга ажратади:

1. Лирик; 2. Меҳр байтлари; 3. Терма; 4. Меҳнат кўшиқлари; 5; Мавсум-маросим кўшиқлари.

Файзулла Кароматов халқ кўшиқларини: 1. Маиший кўшиқлар; 2. Оилавий-маросим кўшиқлари; 3. Меҳнат кўшиқлари; 4. Тарихий ва социал норозилик кўшиқларига бўлиб таҳлил этади.

Асқар Мусақулов ўзбек халқ кўшиқларини уч гуруҳга: 1. Маросим: тўй ва мотам кўшиқлари; 2. Номаросим лирика: меҳнат кўшиқлари; аллалар; термалар; ишқий-маиший кўшиқлар; 3. Болалар фольклоридаги лирик кўшиқларга бўлади.

Фольклоршунос олим, Ж.Эшонқулов юқоридаги таснифлар ҳақида фикр юритар экан, хулоса қилиб шундай дейди: “Асқар Мусақулов таснифини бошқаларига қараганда нисбатан мукамал дейиш мумкин. Бироқ бу ўринда мавсум-маросим билан боғлиқ кўшиқлар эътибордан четда қолмоқда. Музайяна Алавия таснифига келсак, унда оилавий-маросим

¹⁹ Кравцов Н.И. Система жанров русского фольклора. М., 1972, С. 83-103.

кўшиқларига ўрин ажратилмаган. Меҳр байтлари эса, умуман халқ кўшиқлари доирасига кирмайди. Файзулла Кароматов таснифида кўпгина ноаниқликлар кўзга ташланади. Биринчидан, маиший ва маросим деб ажратилишида ноаниқлик мавжуд. Чунки оилавий маросимлар маиший хусусияти билан ажралиб туради. Иккинчидан, социал-норозилик кўшиқлардейиш ҳам таснифда чалкашликларга олиб келади²⁰. Бу таснифларнинг юзага келишига асосий омил, уларнинг кўшиққа бўлган муносабати ва ўрганганлик даражаси маҳсули бўлиши мумкин. Давр тақозоси билан вужудга келган норозилик кайфиятидаги кўшиқларнинг аҳамияти кучлироқ кўринган бўлиши эҳтимол.

Ўзбек халқ кўшиқлари кўп мартаба ўрганилганига карамай, афсуски, етарли даражада тасниф этилган эмас. Бу борадаги илк ишларни эса, олима Музайяна Алавия бошлаб берди, у ўзбек халқ кўшиқларини ўрганар экан, унинг одатлари, кечинмалари ва хис тўйғуларини тушунишга ҳаракат қилди. Халқ кўшиқларини таҳлил қилишда ҳам айна шу жиҳатларни эътибордан четда қолдирмади. Гарчи халқ кўшиқлари таснифига кейинчалик ҳам қайта-қайта мурожаат қилинган бўлсада, Музайяна Алавия ўзбек халқ кўшиқларининг таснифи масаласини биринчилардан бўлиб таҳлил этган олим.

Ҳассос олима, ўз ҳаётини халқ кўшиқларини ёзиб олиш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, кўшиқларнинг асл моҳияти ва мазмунини очиб беришга сарфлади. У “маросим кўшиқлари ҳақида илмий тадқиқот олиб бориш, маълум фикрга келиш учун ўша халқнинг ҳаётини, тарихини, этнографияси ва диний эътиқодини яхши билиш лозим²¹”, дея таъкидлайди. Албатта, мазкур хусусиятларни билмай туриб, халқнинг маънавий маданиятини англамай туриб, унинг тақдири ҳақида хулоса

²⁰Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз. 2017. – 214 б. – Б. 44-45 .

²¹ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974.

бериш қийин. Шунинг учун олима ўз изланишлари давомида халқ кўшиқларининг турли жиҳатлари ва хусусиятларини ўрганиб чиқди. Кўшиқларнинг таснифи масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Гарчи кўшиқларни воқеабанд ва воқеабанд бўлмаган халқ кўшиқлари деб, алоҳида таснифга киритмаган бўлса-да, монографиясида воқеабанд кўшиқларга ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтади. “Кўшиқлар борки, уларнинг бир нечаси мазмунан бирикади ва қандайдир яхлитлик юзага келади:

Мен ўтаверай, кўчаларинг

Лой бўла қолсин,

Қамиши кўкариб, чилимимга

Най бўла қолсин.

Ошиқларнинг турар жойи

Кўчанинг боши,

Кўлида рўмол, аримайди

Кўзининг ёши.

Кўз ёши билан рўмолини

Хўл қилармикин,

Бир сўз билан, ёри нодон

Эл бўлармикин?!

Мендан қочиб, йўллар солди

Жуда узоққа,

Сочини туйиб, солиб кетди

Мени тузоққа²².

Бу тўртликларнинг мазмуни бир-бири билан боғланган бўлганидан воқеабанддир. Сочини туйиб тузоққа солиб узоққа қочиб кетган маъшуқа йўлида – кўчанинг бошида турган ошиқнинг кўлида рўмол, кўзининг ёши аримайди. Ўтган кўчалар лой бўлиб, қамишлар кўкариб унинг чилимига най бўла қолишни истайди. Бу кўз ёшлар унинг ҳам рўмолчасини хўл

²² Алавия.М. Ўзбек халқ кўшиқлари. 1959. “Ўз.ССР Давлат ўқув-педагогика нашриёти”, Б. 216-217.

килишини, бир сўз билан нодон ёрнинг эл бўлишини истаганини тушунамиз. Бундан

ташқари олима “меҳр байтлари” номи остида, (турли палакка, рўмолчага, камдан-кам сўзанага, қийиқчага битилган шеър намуналари) кўшиқларни бирламчи тасниф сифатида ажратади. Бу таснифни халқ кўшиқлари таснифи доирасига кирита олмаймиз. Уни ҳатто иккиламчи тасниф деб ҳам бўлмайди. Чунки бундай узатилган кўшиқларнинг ҳаммаси ҳам халқ кўшиқлари эмас, иккинчидан, бу каби узатилган кўшиқлар бармоқ билан санарли даражада кам. Бу

каби халқ кўшиқлари узатилиш ҳолатига кўра, бошқа кўшиқлардан фарқ қилиб туради. Меҳр байтлари ўз эгасига, эшитувчиси, кўрувчисига таъсир этишнинг бошқа йўли билан узатилади. Албатта, олима айтганидек, халқ, кўшиқларни фақат куйлашнигина эмас, унинг узоқ сақланиши, абадий қолиши, одамларни айниқса келажак авлоднинг маънавий юксалишига ёрдам бериши, инсоннинг руҳий озикланиб баҳра олишига хизмат қилиши учун ва ниҳоят, ўзларидан ёдгорлик қолдириш мақсадида ибратли ишларни қилганлар. Кўпчиликка манзур

бўлган, кўнглидан жой олган, айрим тўртликлардан намуналарни мачит ва мадрасалар пештоқларига, уйларига, меҳмонхона деворларига, идиш-тавоқлар, рўмолча, кашта, палак ва сўзаналарга кашталаш одати бўлган. Олима таъкидлагандек, “шеърнинг сеҳрли таъсир кучига ишониб, турли йўл билан ҳукмдорларни, зўравонларни адл инсофга чақирганлар. Гафлатдагиларни бедор қилиш, уйқудагиларни уйғотиш, эгри йўлга кирганларни огоҳ қилиб, тўғри йўлга солиш учун шеърга мурожаат этганлар²³”. Олима меҳр байтлари ҳақида мулоҳаза қилар экан, уларнинг қай кўринишларда намоён бўлганлиги ҳақида мисоллар келтиради. “1948 йилда Қўқонлик Мукаррамхон Шарипованинг уйида шойи рўмолчага ёзилиб, гул қилиб тикилган мана бу кўшиқни кўрган эдим:

Келар деб боққаним, узун йўл бўлди,

²³ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б. 100.

Ёр деб саргайганим неча йил бўлди.

Куя-куя устихонлар кул бўлди,

Оқа-оқа кўзнинг ёши кўл бўлди²⁴.

“Мен, – деди табассум билан Мукаррамхон, – дадаси армияга кетиб, узок хат оломай, бирдан хат келиб қолганида, совға-салом билан шу рўмолчани юборган эдим. Йўқотмай олиб келибдилар. Ҳозир ҳам жон-дилларида сақлайдилар²⁵”. Мазкур ҳолатлар ҳақиқатда одамларга сўз ва тасвирнинг қанчалар кучли таъсир этиши, уларга хуш ёкиши, кадрли буюмлар сифатида қарши “меҳр байтлари” дейилишига сабаб бўлган. Аммо, бу ҳолат меҳр байтлари деб тадқиқ этилишига асос бўла олмайди.

Олима, халқ кўшиқларини донолик билан яратилганига тан берар экан, ўзбек халқ кўшиқларининг яратувчилари ва ижрочилари сифатида аёл шахсига нисбатан, ўз ижобий мулоҳазаларини, уларга бўлган эҳтиромини изҳор қилди. Аёлларнинг машаққатли ҳаётлари, руҳий тутқунликлари, орзу-армонлари кўшиқларда жо бўлганини, чуқурроқ ҳис этган ҳолда, кўшиқлардаги асосий образлар ҳам уларнинг ўзлари эканликларини эътироф этади.

Ўзбек халқ кўшиқларининг таснифи тўла ҳал бўлган деб, айта олмаймиз. Олимларимиз халқ кўшиқларини ўрганиш жараёнида, уларни турлича тасниф қилиб хулосалар беришган. Бу эса, уларнинг кўшиқларни қанчалик даражада ўрганганликлари, кўшиқлар бадииятини қанчалик тадқиқ этганликлари, халқ кўшиқларининг ижро ҳолатидан хабардорликлари, мусиқий саводи қай даражада эканлиги ва ҳоказолар билан боғлиқдир. Демак, кўшиқлар қанча кенгроқ ўрганилсагина, унинг мукамал таснифлари юзага келиши мумкин.

Қуйида, олимларимиз тўхталган таснифларни кўриб чиқамиз. Фольклоршунос олим Ж. Эшонкулов кўшиқларни тасниф этишда, энг аввало битта мезонга амал қилиш лозим дея таъкидлайди: “...тўғри

²⁴ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б. 100.

²⁵ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б. 107.

қўшиқ жанрининг ичдаги тур ва узвларнинг ҳар бири ўз специфик хусусиятларига эга эканлиги табиий. Бироқ бу хусусиятлар уларни тасниф этилишида яхлит бир мезондан келиб ёндошишга монелик қила олмайди. Шундай экан, қўшиқлар ижро ўрни, ҳолати, муסיқага муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб: 1) ижро ўрни; 2) поэтик структураси; 3) муסיқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилиши лозим.

Бунга кўра, ижро ўрнига қараб қўшиқлар “маросим ва номаросим қўшиқларига, ўз навбатида маросим қўшиқлари ҳам икки: мавсум-маросим, оилавий-маиший маросим қўшиқларига бўлинади. Улардан мавсум маросим қўшиқларини ҳам иккиламчи таснифга ажратиш, яъни тематик ва функционал хусусиятларига кўра, йилнинг тўрт фаслида қуйланувчи қўшиқларга ажратиш мумкин.

Оилавий-маиший маросим қўшиқлари сафига фарзанднинг туғилиши, хатна ва никоҳ тўйи, мотам маросими билан боғлиқ йиғи-йўқлов, мотам ёр-ёрлари ва шомон айтимлари билан боғлиқ кинна, бадикни киритиш мумкин.

Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг ўзи ҳам бир неча иккиламчи таснифларга ажралади. Масалан, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи қўшиқлари. Мотам маросими қўшиқлари эса, бўзлов ва йўқлов қўшиқларига ажратилади. Бундан ташқари, бола учун айтиладиган мотам аллалари, катталар учун тинчлантирувчи мотам аллалари ва мотам ёр-ёрлари деб, ажратиш мумкин.

Номаросим қўшиқлар эса, асосан лирик қўшиқлар бўлиб, бунга меҳнат қўшиқлари, тарихий қўшиқлар, термалар, болалар қўшиқлари ва лирик қўшиқларига бўлинади. Лирик қўшиқларнинг ўзини ҳам 1) Айтишув йўналишидаги (ўлан ва лапар), 2. Айтишув йўналишида бўлмаган, турли мавзудаги қўшиқларга ажралади.

Ж.Эшонқуловхалқ қўшиқларини оҳанг йўлига кўра ҳам фарқланишини ва уларни икки катта гуруҳга, яъни воқеабанд – тўртлик

кўшиқлар ва воқеабанд бўлмаган – тўртлик кўшиқлар²⁶га ажратади.

Воқеабанд бўлмаган кўшиқларнинг ўзини ҳам, композицион жиҳатдан бўлинишини таъкидлайди. Кўшиқнинг куйга муносабатига кўра, соз билан ва созсиз кўшиқлар, рақсли ва рақсиз кўшиқлар. Ҳамда кўшиқларни иккиламчи таснифларга, яъни эркак ва аёл, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таснифлаш мумкинлигини айтади.

Ж.Эшонқулов халқ кўшиқларининг энг мақбул таснифини тавсия этиш билан бир қаторда, кўшиқлар бадиияти ва улардаги тилсим, образлар ва рамзларни аниқ, равшан таҳлил этади. Дарҳақиқат, бу таснифни энг сўнгги, мукамал тасниф деб айта оламиз. Олимдан ўтказиб тасниф этиш эса, чуқурлашган иккиламчи таснифлар бўлиши мумкин, холос. Масалан, мазмунига кўра, мавзусига кўра, ва ҳоказолар.

Халқ кўшиғини ҳис қилиш, қандай тушуниш жуда кўп жиҳатдан тингловчининг идроки, мушоҳадаси, хаёлот, халқ дунёқараши билан қанчалик даражада танишлигига боғлиқдир. Шу сабаб, бу таснифни давом эттириш, унинг яхлит ва мукамал, умумий таснифини яратиш, тадқиқот ишини янада чуқурроқ ўрганиш ва йиллар талаб этадиган масаладир.

Халқ кўшиқлари таснифини мотам кўшиқларида ҳам намоён бўлишини Дармон Ўраева ўз тадқиқоти орқали таҳлил этиб берди. Унга кўра, аза кўшиқлари “бўзлов” ва “йўқлов” атамалари билан аталиб, “бўзлов” йиғига нисбатан, “йўқлов” атамаси эса дафн маросимидан кейинги хотира маросимларида ижро этилувчи айтимлар учун қўлланилиши айтилади. Мотам аллалари ҳам катталар ва болалар ўлимида айтиладиган аллаларга ажратилади.

Болаларга айтиладиган мотам аллалари, катталарга айтиладиган аллалардан фарқли ўлароқ мунгли ва қалбларни ларзага солувчи титроққа тўла. Катталарга атаб айтиладиган аллалар эса, унинг руҳига сокинлик

²⁶Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Наврўз. 2017. – 214 б. – Б. 44-45

тилаш мақсадида куйланиб, кўшиқнинг ўзи ҳам бир қадар сокин ва тинчлантирувчи хусусияти билан ажралиб туради.

Бундан ташқари мотам кўшиқларининг таснифи доирасига кирувчи яна бир кўшиқлар силсиласи борки, бу кўшиқлар ҳам ўзининг кенг таъсир доираси ва мунгли ноласи билан бошқа мотам кўшиқларидан фарқ қилиб туради. Бу мотам ёр-ёрларидир. Улар тўй ёр-ёрлари каби узок тарихга эга бўлмаса-да, ўз тарихига эга, демак, уларнинг илдизи тўй мотамларига бориб тақалади. Улар халқнинг қадим инончларига кўра, марҳум руҳини тинчйтишга, имкон қадар унинг армонини ушалтиришга қаратилган кўшиқлардир.

Халқ кўшиқлари таснифини мусиқашунослар, халқ ҳаётида тутаётган ўрни ва бажараётган вазифаларига мувофиқ ҳолда қуйидаги икки катта гуруҳга ажратади:

1. Ижро этилиши турли вазиятлар билан шартланган кўшиқлар;
2. “Эркин мавзули” кўшиқлар.

Мазкур тасниф юзаки тасниф бўлиб, у кўшиқнинг фақат номланиши, ижро ўрни ва турли вазиятларга кўра фарқланишини назарда тутаяди. Бунга кўра, биринчи гуруҳ кўшиқлар муайян вазиятлар билан бевосита боғланган, меҳнат жараёни, мавсум ва оилавий маросим билан боғлиқ кўшиқ ва айтимлар ташкил этади. Бу гуруҳ намуналари ҳар бири учун мувофиқ вазият ёки шарт-шароитлар юзага келганда ижро этилиши кўзда тутилади. Масалан, “алла” айтими болани ухлатиш ёки “бешикка белаш” маросимларида куйланса, “ёр-ёр” кўшиқлари никоҳ тўйида келинни “узатиб” бориш жараёнида куйланади ва ҳоказолар.

Эркин мавзули кўшиқлар гуруҳини кўшиқ, терма, лапар, ялла каби жанрлар ташкил этади. Бу каби кўшиқлар маълум бир вазият ва шароит куй-кўшиқларидан фарқли ўлароқ турли вазият ва давраларда куйланиши мумкин. Уларнинг оҳангларида куйчанлик хусусияти ортади, шеърини мазмуни эса ижро вазиятларига бевосита боғлиқ бўлмай, маълум мавзу эркинлигига эгадир. Масалан, фақат кўшиқ жанрининг ўзи мазмунан ишқий

темада, сатирик йўналишда, тарихий темада, социал мазмунида бўлиши мумкин. Эркин мавзули куй-қўшиқларда ижрочиликнинг яккахон ва жамоа турлари, шунингдек, жўрнавон чолғулар қаторида дойра, дўмбира, дотор, рубоб ва бошқа сўзлар қўлланилиши одатийдир.

Ўзбек фольклоршунослигининг яна бир фидоийси, халқ кўшиқларининг тарихий асослари ва бадииятига кўра тадқиқ этган олим, Аскар Мусақулов бўлиб, “Ўзбек халқ лирикаси – аслини олганда кўшиқларнинг барча турлари лирика жанрига мансуб. Бирок, биз лирик кўшиқлар деганда ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган кўшиқларни назарда тутамиз²⁷”, дейди. Бу олимнинг халқ кўшиқларини ўрганиш жараёнида келган хулосалари деб ўйлаймиз. Халқ кўшиқларида ишқ муҳаббат билан боғлиқ барча масалалар севиш, севилиш, оила қуриш, вафодорлик, соғинч, хижрон, изтироб, бевафолик, хиёнат кабилар турли шаклларда ифода этилади. Ўз навбатида улар ҳозирда ҳам яратилишда давом этмоқда.

Аскар Мусақулов ўзбек халқ кўшиқларини уч гуруҳга, яъни маросим, номаросим ва болалар фольклоридаги лирик кўшиқларга ажратиб ўрганади. Халқ кўшиқларини яна турлича тасниф этиш мумкин деган хулосани бериб, куйидаги кўринишларга ажратади:

- а) иштирокчиларига кўра: аёллар, эрлар, эрлар ва аёллар, болалар кўшиқлари;
- б) ижро формаси, композициясига кўра: якка, дуэт, хор кўшиқлари;
- в) рақс билан муносабатига кўра: ўйинли ва ўйинсиз кўшиқлар;
- г) этнографик жиҳатдан: маросим ва номаросим кўшиқлари;
- д) регионал жиҳатдан: Фарғона, Хоразм кўшиқлари ва ҳоказолар.

Аммо, маросим кўшиқларини таҳлил қила туриб, фақат тўй ва мотам маросимлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради. Мавсум-маросим кўшиқларини бу таснифга доирасига киритмайди. Зеро, мавсум-маросим кўшиқлари бу биринчи тасниф доирасида тадқиқ этилиши керак бўлган кўшиқлардир.

²⁷ Мусақулов. А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент. “Фан”, 2010. 28-бет.

Номаросим лирикага, меҳнат кўшиқлари, аллалар, термалар ва ишқий-маиший кўшиқларни киритади. Бу борада ҳам, тарихий кўшиқлар таснифдан четда қолиб кетган. Ишқий-маиший кўшиқлар деб тасниф этишлари эса, лирика деганда кўшиқларни умумий номланиши деб таъриф берганлиги сабаб, муҳаббат мавзусига доир кўшиқларни лирика деб эмас, ишқий-маиший деб атаганлар.

Ўзбек халқ кўшиқлари тарихий тараққиёти давомида, баъзан қайсидир кўшиқ умуман бошқа тасниф доирасига мансуб бўлган. Даврлар ўтиши билан маиший ёки бошқа хусусиятига кўра ўз характери ни ўзгартирган. “Фольклоршунос Т.Мирзаев ва К.Очиловлар меҳнат кўшиқларининг дастлаб мавсум-маросим характерига эга бўлганликларини, тарихий тараққиёт туфайли улар кейинчалик ижтимоий маъно, лирик характер касб этганликларини тасдиқлайдилар²⁸.

Болалар кўшиқларини улар алоҳида таснифга ажратиш керак, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун бу уч гуруҳнинг катта бир қисми сифатида, болалар кўшиқларини алоҳида ажратади. Бунга сабаб, болалар кўшиқларининг ҳам жуда кенг қамровли эканлигидир.

Халқ кўшиқларини асосий катта гуруҳларга ажратишдан ташқари, иккиламчи таснифларга ажратишимиз мумкин, деб юқорида айтиб ўтган эдик. Уларга асосланиб, иккиламчи таснифларга мисол келтирамиз. Масалан, мавзусига кўра, болалар кўшиқларини энг кўп таснифларга ажратиш мумкин. Аммо, уларнинг ўзи ҳам икки катта туркумга ажралади. Биринчиси, болаларнинг ўзлари яратган кўшиқлари бўлса, иккинчиси болалар учун катталар яратган кўшиқлардир. Болаларнинг ўзлари яратган кўшиқларни ҳам қуйидагича таснифларга ажратиш мумкин:

- *Санамалар;*
- *Читтигул;*
- *Тез айтишлар;*
- *Топишмоқлар;*

²⁸ Мусақулов.А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, “Фан”. Б. 37.

- *Гулдур-гуплар;*
- *Чорламалар;*
- *Алданмачоқлар.*

Болалар учун катталар яратган кўшиқлар ҳам талайгина:

- *Аллалар, ҳуялар;*
- *Айтим-олқишлар;*
- *Эркаламалар;*
- *Овутмачоқлар;*
- *Қизиқмачоқлар.*

Болалар кўшиқлари ҳам шунчалар ранг-барангки, мазкур таснифларни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг мухлислари, тингловчилари ва куйловчиларижуда кўп.

Халқ кўшиқлари таснифида термалар ҳамўз хусусиятларига кўра ажратиб ўрганилади. Унга кўра, бахши термалари ва одатий термалар мавжуд. Бахши термаларининг ўзи ҳам ички “бўғиқ овоз” ва ташқи “очик овоз”да куйлаш кабиларга ажратилади.

Жўрнавоз созлар ҳам бахшичилик мактаби йўналишига кўра, ўзгаради. Масалан, кўпгина маҳаллий дostonчилик мактабларида(Сурхондарё-Қашқадарё дostonчилик анъаналари) дўмбира сoзи жўрнавоз сифатида кўлланса, Хоразм дostonчилигида “панг овоз” услубига монанд ҳолда дутордан фойдаланилади. Шунингдек, сўнги йилларда бахши айтимига жўрнавоз сифатида ансамбл ҳам иштирок этмоқда. Бунда устоз – бахши дутор(ҳозирда эса, тор ёки рубоб)да, қолганлар эса ғижжак, буламон ва баъзан дойра чолғуларида жўрнавозлик қилиб туришади.

Ўзбек халқ кўшиқлари шу давргача, фольклоршунос, адабиётшунос, мусиқашунос олимлар томонидан турлича тасниф қилиб келинди. Бу таснифлар бир-бирини такрорлайди, тўлдиради, лекин халқ кўшиқлари яхлит ҳолда тасниф этилиши керак. Шунга кўра қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Халқ кўшиқларига энг яқин соҳалар халқ музика, рақс санъати ҳамда этнографиясидир. Куй ва кўшиқлар бамисли эгизаклардир, бизда кўшиқнинг вербал қисмини фольклоршунослар, куйини эса муסיқашунослар алоҳида-алоҳида ўрганиб келмоқда. Шунинг учун халқ кўшиқлари таснифида фарқлар мавжуд. Чунки кўшиқларнинг муסיқа билан муносабати ҳам унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Масалан, рус фольклоршунослари кўшиқларни куйланиш характериға кўра икки катта туркум: қиска ва чўзиқ кўшиқларға ажратадилар. Шу ўринда, айтиш мумкинки, фольклоршунос ва муסיқашунос олимларимиз биргаликда иш олиб борсалар, кўшиқларнинг мукамал таснифларини яратиш мумкин бўлади.

2. Ўзбек халқ кўшиқларини бошқа қардош халқларнинг кўшиқлари билан қиёсий таҳлил этишнинг тамойилларини ишлаб чиқиш учун, қардош халқлар кўшиқлари ва хорижий давлат кўшиқларини ўрганиб чиқиш лозим.

3. Ўзбек халқ кўшиқлари намуналари таснифида битта мезонга амал қилган ҳолда, ижро ўрни, ҳолати, муסיқаға муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб: 1) ижро ўрни; 2) поэтик структураси, 3) муסיқийлиги ва рақсға муносабатига қараб тасниф этилиши лозим.

4. Номаросим кўшиқлари эса, асосан лирик кўшиқлардан ташкил топган бўлиб, улар маросим кўшиқлари даражасида ўрганилмаган. Номаросим кўшиқлари тадқиқ этилиши керак бўлган энг кенг қамровли мавзулардан биридир. Бу йўналишдаги кўшиқлар: меҳнат кўшиқлари, тарихий кўшиқлар, термалар, болалар кўшиқлари, лирик кўшиқларға бўлинади. Унга кўра кўшиқларнинг мавзуси ҳам ранг-барангдир.

5. Терма кўшиқлари ҳам, 1. Халқ термалари; 2. Бахши термаларига ажратилади. Терма айтимларининг куй-оҳанг тузилмалари, кўшиқдан фарқли ўлароқ, ҳар гал маълум ўзгаришлар билан такрорланади. Халқ термалари маълум қадар ўзгача. Жумладан, бундай намуналар муқим вазн ўлчови, сўздош ва куйчан оҳанглар муштараклиги ҳамда дўмбира ўрнида

кўпроқ доира қўлланилиши билан бахши термаларидан фарқ қилади. Шунингдек, айтим бандларида гоҳо нақорат аломатлари ҳам юзага келади.

4. Яна шуни айтиш мумкинки, шундай қўшиқлар борки, уларни тасниф этишда биз бир тасниф доирасида тадқиқ эта олмаймиз. Масалан, аллалар аввало кундалик одатий қўшиқлар сирасидан маросим қўшиқларига киритилди, кейинчалик эса лирик қўшиқларга ҳам айланди. Жумладан, меҳнат қўшиқлари ҳам мавсум маросим қўшиқларидан лирик қўшиқларга айланганлигини кузатамиз. Шундай экан, баъзи қўшиқларнинг таснифида тарихий тараққиётнинг ҳам таъсири кузатилган ҳолда, уларни муқим бир тасниф доирасида қолдириб бўлмаслиги мумкин.

Шу давргача яратилган барча илмий тадқиқотларга асосланиб, халқ қўшиқлари таснифи умумлаштирилди ва тасниф этишда ўзгача ёндошувлардан фойдаланиш (хориж ва қардош халқлари услуби, ижро ва бадиий жиҳатдан таҳлил этиш орқали ва ҳоказолар) тавсия қилинди. Бу фойдаланувчиларга ҳар жиҳатдан қўл келади.

II. БОБ. МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

2.1. Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари

Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи маросим фольклори ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Маросим қўшиқлари ва урф-одатларда ижро этиладиган айтимлар она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган улуғ аجدодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, қадри абад анъаналари-ю, ўзбекона самимиятини акс эттирганлиги учун ҳам қадрлидир.

Инсон томонидан яратилган барча маросимлар, диний қарашлар ва тасаввурлар маҳсули бўлиб, улар илоҳий қудрат маҳсули бўлганлиги сабаб ҳам унутилмайди ва ўзгаришларга кам учрайди. Маросимларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан олдин, маросим тушунчасига тўхталиб ўтамиз.

Маросим халқ орасида қатъий анъанага айланган тадбир ҳисобланади. Инсон туғилганидан то ҳаётдан кўз юмгунига қадар ўнлаб маросимлар гувоҳига айланади. “Маросим араб тилидаги “marsum” ((مرسوم сўзидан олинган бўлиб, 1 – чизилган; 2 – расм қилинган; 3 – одат бўлган маъноларини англатади. Муайян қоидалар асосида чизилган, миллат томонидан расм қилинган ва одат тусига кирган тадбирларни эса шартли равишда уч турга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

1. Оилавий маросимлар. Улар, одатда, бирор шахс ёки оила аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеалар муносабати билан амалга оширилади. Оилавий маросимлар иштирокчилари қариндошлар, қуда-андалар, дўстлар, таниш-билишлар, қўшнилар ва маҳалладошлар иштирокида ўтади.

2. Табиатда рўй берган ўзгаришлар, муайян одат, расм-русум билан алоқадор ва маълум даражада зарурат оқибатида ташкил қилинадиган

маросимлар. Бунда маросимлар баҳор, ёз, куз, киш фаслларида уюштирилади. Уларда бирор кишлоқ, маҳалла, туман аҳолиси қатнашади. “Шох мойлар”, “Суст хотин”, “Чой момо”, “Дарвишона” кабиларни шулар жумласига киритиш мумкин.

3. Умумхалқ байрамлари муносабати билан тантанали равишда ўтказиладиган маросимлар. Бундай маросимлар деганда, Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Ййди Рамазон, Ййди Қурбон, Ҳосил байрамларига нисбат берилади. Умумхалқ байрамлари бутун мамлакат миқёсида нишонланади. Ҳар бир оила бундай маросимларга ўзининг ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади²⁹”. Мазкур маросимлар таснифини ажратишда, оилавий-маросимлар ва мавсумий-маросимларнинг умумий жиҳатлари уларнинг омма орасида қай даражада, ва кимлар билан ўтказилиши керак деган, масалаларни ечиб беришга қаратилган.

“Маросим— диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин: диний маросимлар, тўй маросимлари, дафн маросими ва бошқалар³⁰”.

Фольклоршунос олимларимиз эса, маросимни содда ва аниқ кўринишини шундай таърифлайди: “Инсонга сиҳат саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган ҳатти-ҳаракатлар маросим дейилади. Маросимни ўтказиш пайтида ижро этиладиган кўшиқ ва айтимлар, ўқиладиган афсун ва дуолар маросимфольклорини ташкил этади³¹”. Дарҳақиқат, мазкур таъриф маросим мазмунига мос энг мақбул таъриф дейишимиз мумкин.

Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғатида, маросимдан ташқари маросим кўшиқларига ҳам таъриф берилади: “Маросим

²⁹ Эшонқулов. Ж. Ўзбек фольклоршунослиги асослари. Тошкент – 2018. Ўқув қўлланма.

³⁰ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент. М – ҳарфи. Б. 248.

³¹ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент. “Ўқитувчи”, 1990. Б. 116.

қўшиқларининг матни, асосан, халқ тўртликлари ва байтларидан иборат бўлиб, шакли банд ёки банд-нақорат хусусиятларига эга бўлади. Маросим қўшиқлари ҳар бир маросимнинг ички ғояси ва мазмунини шеър ва куй оҳанглариининг муштараклигида бадий ифодалаб, тадбир катнашчиларининг руҳий ҳолатига таъсир ўтказди³²”. Ҳақиқатда ҳам, маросим қўшиқларининг таъсир хусусияти орқали иштирокчиларнинг руҳий ҳолатини маросим билан боғлаш яхши самара беради. Инсонларда ишонч туйғуларини уйғотади.

Маросим қўшиқлари ижрочи танламасдан, ҳамма томонидан куйланаверади. Айниқса, мотам маросимларидаги йиғи-йўқловлари қатъий анъанага айланган ҳолда, оилага яқин бўлган барча маросим иштирокчилари томонидан айтилаверади. Аммо, тўйларда, бу жараёнда барибир, кўп қўшиқ биладиган, хушовозва бирор чолғу чала оладиганлар тўйларни қизита оладилар.

Энг қадимги маросим қўшиқлари вазн, қофия ва бошқа поэтик шакллари эътибори жиҳатидан мукамал уюшмаган, сўзлар ҳам онгли тарзда куйлаб қўлланилмаган бир шаклда бўлиб, улар кўпроқ маросим жараёнида муайян ҳаракат ритмига мос келувчи ундовдир. Хитоб ва нидолар характеридаги поэтик парчалардан иборат тузилишга эга бўлган. Шунга қарамай, бундай парчалар маросим жараёнида уюштирилган ҳаракатни бир меёрда ушлаб туриш учун хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, улар маросим пайтида келишувларга маълум даражада руҳий кўтаринкилик ҳам бағишлаган. Бинобарин, маросим қўшиқларининг энг қадимий намуналари гарчи бизга қадар етиб келмаган бўлса-да, бироқ инсоннинг тил ва онгга эга бўлган энг шарафли зот сифатида шаклланишида маросимларнинг етакчи ролни бажарганликларига қараб айтиш мумкинки, маросим қўшиқлари ҳам ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичларидаёқ вужудга келиб, инсондаги онг ва тил тараққиёти билан

³² Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент. 2015. – “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. Б. 96.

боғлиқ ҳолда бевосита маросимлар жараёнида секин-аста ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан тараққий этиб келган.

Узоқ ўтмишда синкретик санъат намунаси бўлган халқ кўшиқлари, яратувчилар ва уни ижро этувчиларнинг меҳнат фаолияти – овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ишларида, халқ амалий санъати – кулолчилик, ўймакорлик ва бошқа санъатлар билан бевосита алоқада бўлиб, айтиш чоғда меҳнаткаш омманинг қадимий урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизида яшаб келган.

Замонлар ўтиши, даврлар алмашиши натижасида халқларнинг чегараланиши, яъни маълум ҳудудларга бўлиниб яшаш кўпроқ ва катъийроқ тус олиши билан ҳар бир уруғ, қабиланинг, халқнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ўзига хос санъатларини ҳам вужудга келтирган.

Бу борада яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, нафақат халқ, балки ҳар бир шаҳар, туман, воҳанинг ўзига хослиги бўлиб, бу нарса халқ кўшиқларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Жумладан, Тошкент-Фарғона, Бухоро-Самарқанд, Қашқадарё-Сурхондарё, Хоразм ижрочилик услубларининг ўзига хос хусусиятлари, оммавий жанрлари бунга мисолдир.

Барча халқларда маросим фольклори пайдо бўлиши жиҳатидан энг қадимий ҳисобланади. Шунинг учун маросимларда ўша халқнинг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи акс этади. Ўзбек маросим фольклори тараққиёт босқичларини Б.Саримсоқов, М.Жўраев, Л. Худойқулова ва бошқа олимларимиз ўрганиб чиқиб, бу борадаги қарашларини ўз монографияларида ёритиб беришди. Маросим фольклори бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борган олим Б.Саримсоқов, маросимларнинг дунёга келиши ҳақида шундай дейди: “маросим бевосита кишиларнинг табиат ҳодисаларига, ижтимоий воқеликка бўлган муайян муносабати асосида ётувчи турли-туман қараш ва тасаввурлари туфайли туғилади³³” (масалан, анимизм, тотемизм, фетишизм ва ҳоказолар).

Кўч-кўч, кўчасан!

³³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент. 1986. “Фан”, Б. 10.

*Кўчар еринг мен айтсам,
Момо бўлсанг, кўлга кўч,
Зиён бўлсанг, чўлга кўч,
Арвоҳ бўлсанг, гўрга кўч³⁴.*

Мазкур бадик киши баданига турли тошмалар тошганда ўқиладиган афсун бўлиб, аввалига у бемор одамга ўтказиладиган маросимнинг асосий узвларидан бўлган, аммо бу айтим бугунги кунда турли тошмалар тошган бемор учун маросим сифатида ўтказилмасда, айтимлари кенг қўлланилади. Бу каби маросимлар айтимлари инсонлар орасида кўп тарқалган бўлиб, уларда ҳам диний қарашларнинг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Сехр-жоду, магик тасаввурлар акс этган кўплаб маросим ва урф-одатлар халқ орасида кенг тарқалган. Улар бугунги кунда ҳам, ўз аҳамиятини сақлаб келаётган маросимлар сирасига киради.

Маросим таркибига кирган у ёки бу узвлар, анъаналар, одатлар узок вақт ўз хусусиятини ўзгартирмай сақлаб қолади. Бунга сабаб, авлодларнинг аждодлар анъанасига содиқлиги, инонч тўйғуларининг кучлилиги дейишимиз мумкин.

Фольклоршунос олимларимизнинг хулосаларига кўра маросим фольклори инсон ҳаётидаги туб бурилишлар пайтида юзага келади. Булар, инсоннинг туғилиши, балоғатга етиши, меҳнат фаолиятини бошлаши, никоҳ, ўлиши ва ҳоказолар. Албатта, бунда маросимнинг яшовчанлиги инсон ҳаётидаги эҳтиёжларга боғлиқдир. Баъзан маросимлар турли сабабларга кўра қисқарган, баъзида бутунлай унутилган. Баъзида эса тузум, жамиятдаги қаршиликлар сабаб мажбуран йўқ қилинган.

Маросимлар турли хусусиятларга кўра бир-биридан фарқланади. Улар кишиларга эстетик завқ бағишлайди. Авлодларни миллий руҳда улғайтириш, жамоанинг бирлиги ва тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маросимларнинг яна бир хусусияти, кишиларни уюштирувчи ва йўналтирувчи хусусиятга эга эканлигидир. Кишилар бир-бирларлари

³⁴ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент. “Ўқитувчи”, 1990. Б. 140

билан турли маросимлар сабаб яқинлашган, бир-бирларини яхшироқ билишга, бир-бирларини дардларини тинглаш ва ёрдам беришга ҳаракат қилишган. Инсонлар турли сайиллар, байрам ва томошаларда ҳам уюшиш ва йиғилиши мумкин бўлган. Уюштириш хусусияти сабаб ҳам инсонлар байрам ва тантаналарни доимий равишда ўтказилишини таъминлашга ҳаракат қилишади.

Мутахассислар урф-одат ва маросимларимизнинг ҳам фарқли жиҳатларини таҳлил қилишган. Ҳар қандай урф-одат ҳам маросим бўла олмаслиги аммо, ҳар қандай маросим ичида бир неча урф-одатлар яшашини таъкидлаб ўтишган. Маросим урф-одат тушунчасига нисбатан кенгрок тушунча. Аммо иккисининг ҳам ўз яшаш принциплари мавжуд.

Маросим фольклорини тадқиқ этган фольклоршунос олим Б.Саримсоқов “маросим – синкретик ҳодиса” эканлигини таъкидлайди. Унинг таркибида ҳаракат, (ўйин, драматик намойиш элементлари) ва сўз бир-бирлари билан шу даражада бирикиб, уйғунлашиб кетганки, кўп ҳолларда улардан қай бири маросимнинг вужудга келишида бирламчи, қайси бири иккиламчи роль ўйнашини аниқлаш мумкин бўлмай қолади³⁵. Маросим фольклори – сўз ва ҳаракатдан ташкил топиб, уларни бир-биридан айро ўрганиш асло мумкин эмас, дейди олим. Дарҳақиқат, маросимларда кўйланадиган халқ кўшиқлари ҳаракат ва сўзлар асосига қурилган.

Магик характерга эга бўлган маросимлар, яъни сеҳр-жоду билан боғлиқ барча айтимлар ҳам ҳаракат билан боғлиқ. Бундан ташқари, алла, ёр-ёр, келин салом ва ҳаттоки, йиғи-йўқловлар ҳам, ҳаракатлар билан уйғунлигини кузатамиз.

Маросимларни сўзсиз, айтимлар ва кўшиқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маросимлардаги вербал қисм, яъни сўз билан боғлиқ қисм бажарилмасдан туриб мақсадга эришиб бўлмайди, деб ҳисобланган. Масалан, кинна солиш маросимидаги кинна солиш айтимини айтмасдан, фақат силаб, сийпаб кинна солиш мумкин эмас, бу билан у мукамал бўла

³⁵ Саримсоқов.Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, “Фан”, 1986. Б.18

олмайди. Кинна айтимини айтмасдан удумларини бажариш, гуёки унинг таъсири ва ҳаётйилигини таъминлай олмайди. Демак, бу маросимдаги ҳаракат сўздан кейинги ўринга тушиб қолади, аммо биз унда ҳаракатни ҳам муҳим қисмларидан четга чиқариб қўя олмаймиз.

Бугунги ўтказилиб келинаётган кинна маросимларининг айтимлари ҳам ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган ҳолда сақланиб келинмоқда. Бунга сабаб, унинг магик хусусиятининг устунлиги унинг сўз ва ҳаракат билан боғлиқ ҳолда ўзгаришсиз сақланиб келинган, деган хулосани беради.

Оилавий-маиший маросим қўшиқлари деганда, фақат тўй ёки аза эмас, балки ҳар бир оилада дуч келинадиган, турли кичик маросимларда ҳам ижро этиладиган айтимлар назарда тутилади. Масалан, кинна, бадик каби маросимлар оила катталари билан гоҳида маросим ўтказувчи махсус кинначи ё қушноч билан ўтказиб келинади.

Маросимлар ўз-ўзидан юзага келмайди. Уларнинг яралишида, албатта бир ҳаётй зарурат ётади. Маросимлардаги қўшиқларнинг ижро этилиши эса, унинг таъсир кучини янада оширади ва ундаги истаклар руёбини таъминлайди.

Б.Саримсоқов маросим фольклорини ўрганар экан, бизнинг тадқиқотимизнинг асоси бўлган халқ қўшиқларини бажарган функциясига қараб турли гуруҳларга ажратади. Шунга кўра, оилавий-маиший маросим фольклорини ҳам тематик-функционал хусусиятига кўра тўрт гуруҳга ажратиш кераклигини айтади. Биринчи гуруҳга, сўзнинг магик қудратига асосланган маросим фольклорини киритади. Булар, кинна, бадик (гулафшо), берей-бурей, авраш, қарғиш ва олқишларни киритиш мумкин:

Кўч-кўч, кўчасан,

Кўчар еринг мен айтсам,

Тов бошига – арчага кўч,

Тил тушунмас галчага кўч.

Ҳарров десанг, туяга кўч,

Сутли десанг, бияга кўч³⁶.

Бадиклардан ташқари сўзнинг магик қудратига инонч излари сифатида олқиш ва қарғишлар ҳам яратилган. Инсонлар олқишлар ва қарғишларнинг ижобатигақаттиқ ишонишган. Шунинг учун ҳам халқ орасида “Олтин олма дуо ол”, “Ота қарғиши ўқ, она қарғиши дўқ” каби мақоллар кенг тарқалган. Бу ҳикматли сўзлар, сўзнинг қудрати нақадар ўткирлиги, одамзод эса, ҳар бир айтган сўзи ва амали учун жавоб бериши кераклигини уқдириб келади.

Бошинг тошдан бўлсин,

Борган жойингда қумтош бўл³⁷!

Мазкур олқишни халқ орасида кўпинча узоқ сафарга отланган яқин кишисига, баъзида эса, бир мўминнинг бошқа бир ёш кишига айтган тилаги сифатида қабул қилиш мумкин. Бошинг омон бўлсин, ҳеч қандай балолар йўламасин, аммо бир нима бўлганда ҳам, бошинг тош каби дардларга чидам берсин, дейилмоқда.

“Тўштингни қашиқирлар есин”!

“Тилингни қарга чўқисин³⁸”!

Халқ қарғишларини эшитар экансиз, уларнинг баъзиларини ҳатто тилга олгани ҳам кўрқасиз. Худди шу сабаб ҳам, бу каби қарғишлар баъзида ёмон йўлдан одамларни қайтариш вазифасини ўтаса, баъзида душманларини юрак-юракдан қарғаган қарғишларига дуч келасиз.

³⁶ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т. Мирзаев, О. Сафаров, Д. Ўраева. – Тошкент, “Алоқачи”, 2008. Б.30.

³⁷ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т. Мирзаев, О. Сафаров, Д. Ўраева. – Тошкент, “Алоқачи”, 2008. Б.35.

³⁸ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. Т. Мирзаев, О. Сафаров, Д. Ўраева. Тошкент, “Алоқачи”, 2008. Б.38.

Олим иккинчи гуруҳга болани бешикдаги даври маросимини киритади. Бу маросимларга, болани бешикка солиш, чилла чиқариш билан боғлиқ турли урф-одатларни қамраб олишини назарда тутаяди. Албатта, бу даврда болани катта қилиш билан боғлиқ турли айтимлар ҳам катта роль ўйнайди. Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг дебочасини ҳам айнан болалик даври фольклори ташкил этади.

Учинчи гуруҳга, тўй маросим билан боғлиқ маросим қўшиқлари киради. Уларнинг жанр қамрови кенг бўлиб, жар, ёр-ёр, келин салом, ўлан, лапар, куёв салом, тўй олқишлари, қуллуғ бўлсин, хуш келдингиз ва ҳоказо қўшиқларни киритишимиз мумкин. Улардан тўй қўшиқлари жарчининг “жар” чақириши билан бошланиб, “ёр-ёр”лар ва “келин саломлар”га уланиб кетади.

Ҳар бир жараённинг бошланиши бўлганидек, келин салом қўшиқларининг ҳам муқаддимаси мавжуд. Уларнинг ҳам вариантлари турлича бўлиб, муқаддимасиз саломларни тўқис деб бўлмайди. Қўшиқ айтгучи кайвони онахонлар томонидан барча келин саломлар худони, пайғамбарларни, ўтган улуғ авлиёларни ёд этиш билан бошланади.

*Бисмиллодан бошладик,
Ошига райҳон ташладик,
Салом, салом, ёр-ёр,
Аввал худога салом³⁹.*

Яна бошқаси қуйидагича бошланади:

*Ассалому алайкум, келинсалом,
Салом, салом, ассалом!
Икки ёшни бир қилган,*

³⁹ Жўраев.М. Қошу кўзи пиликдай. Келин саломлар. – Тошкент. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2016. Б. 106.

Аввало худойимга салом,

Салом, салом ассалом⁴⁰!

Маросимлар кишиларга нима беради, деган табиий савол туғилади. Бунга жавоб топиш учун маросимларнинг ҳаётимиздаги вазифаси ва асосий хусусиятлари нималардан иборат эканлиги ва жамиятга бевосита таъсири қай даражада эканлигини кўриб чиқамиз. Ҳамда, тадқиқот ишимиз халқ кўшиқлари эканлигини ҳисобга олиб, кўпроқ уларнинг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Инсон яхши кунларида ҳам тушкун ва ёмон кунларида ҳам кўшиққа ошно бўлади, гуёки, кўшиқ дардларига малҳам бўлади. Шунинг учун халқ яратган кўшиқларни тасниф қилганда дардли ва қувноқ кўшиқлар деб ҳам ажратиш жоиз бўларди.

Киши ҳаётидаги биринчи кўшиқ, бу, меҳрибон она алласи, албатта. Она алласида улғайган ҳар бир гўдакда халқ кўшиқларига муҳаббат уйғонмай қолмайди. Аллаларкундалик кўшиқлардан маросим фольклори кўшиқларига, кейинчалик эса лирик кўшиқлар сирасига киритилган бўлса-да, у ҳар доим ижро этиладиган, кундалик, одатий кўшиқ ҳисобланади.

Демак, аллаларни номаросим кўшиқлари таснифига киритсақда, уни биз бешик тўйи маросимининг ҳам асосий узвларидан бири деб, айта оламиз. Чунки, айнан “Бешик тўйи” маросим алла кўшиқлари билан бошланиб, алла кўшиқлари билан якунланади.

Мавсум-маросим кўшиқлари “Бойчечак” кўшиғи билан бошланса, оилавий-маиший маросим кўшиқлари “Алла” кўшиқларидан бошланади. “Алла” кўшиқлари нафақат кундалик аллалар, балки, маросим аллаларига ҳам ажралади. Бунда бешикка белаш маросимининг асосий узвларидан бири алла айтиш одати ҳисобланади. Бунда аввало, кўпни кўрган момоларнинг аллалари тингланади, ҳамда аллалар бир-бирига уланиб, хола

⁴⁰ Жўраев.М. Қошу кўзи пиликдай. Келин саломлар. – Тошкент. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2016. Б. 170.

алласи, амма алласи тингланади ва ёш онага гуё алла айтиш сабоқлари уқтирилади.

*Ухла қўзим, юлдузим, алла,
Қора қўзим-қундузим, алла,
Оппоғимсан, жонимсан, алла,
Дилимда оромимсан, алла⁴¹.*

Болани катта қилиш билан боғлиқ айтим ва қўшиқлар талайгина. Бола улғайиши жараёни турли катта, кичик маросимларни ўз ичига қамраб олади.

Маросимлар бир-бирига узвий боғланган ҳолда, баъзи урф-одатлар кетма-кетлиги ҳосил бўлади. Мусулмон халқларида бешик тўйи маросимидан сўнг хатна тўйи(суннат тўйи) ўтказилади. Хатна тўйи билан боғлиқ халқ қўшиқлари болани олқишлаш, унга ёрқин келажак тилаш, тўй жараёни каби ҳолатларни акс эттиради.

Тўй маросим қўшиқлари дунёнинг барча халқларига хосдир. Тўй маросимлари ҳам моддий, ҳам маънавий озиқланиш маросимидир. Айниқса, ўзбек тўйлари фақатгина никоҳ тўйлари билан чегараланиб қолмай, бешик тўйи, хатна тўйи, мучал тўйи ва ҳоказолардан ташкил топган. Тўйлар турли муносабатлар билан ўтказилганлиги учун, уларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳам хилма-хиллик касб этади.

Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг энг кўп ва хилма-хиллик касб этадиган маросим бу, никоҳ тўй маросими билан боғлиқ. Никоҳ тўйи маросими инсоннинг энг гўзал даври, ёшлик ва жўшқинлик жўш урган вақтида ўтказилганлиги сабабли ҳам энг унутилмас, энг такрорланмас маросим ҳисобланади. Никоҳ тўйи маросими бошқа маросимлар ичида энг узоқ муддат давом этадиган оилавий маросим саналади. Чунки бу маросим киз танлашдан тортиб, куёв чақириққача бўлган маросимларни ташкил қилади.

⁴¹Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ. Раззоқов. – Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 1967. – Б.142.

Фольклоршунос олимларимиз никоҳ тўйларининг биринчи босқичига ўлан ва лапар кўшиқлари мансублигини таъкидлайди. Ўлан жанри ўтмишда асосан кўчманчилик ярим кўчманчилик тарзида ҳаёт кечирадиган ўзбек уруғлари орасида кенг тарқалган бўлиб, қиз узатар оқшомидан бир ёки бир неча кун олдин қизнинг уйида ўтказиладиган “қиз оқшоми”, “қиз базми” деб номланадиган тантаналарда ижро этилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги “қумрилар базми” қизларнинг мажлиси лапар ва ўланларга бой бўлган деб айта оламиз. Аммо, “қизлар базми” охириги 15-20 йил ичида ўзининг асосий функциясини унутган.

Ўлан жанри шаҳар ва ўтроқ яшовчи аҳоли ўртасида учрамайди. Музайяна Алавиянинг таъкидлашича, тўйда лирик кўшиқлар ижро этиладиган, умуман, лирик кўшиқлар ривожланган жойларда ўлан кам айтилади⁴². Музайяна Алавия, қадимда ўлан жанри ёр-ёр, лапар жанри билан бир бўлган кейинчалик, улар алоҳида жанр сифатида шаклланган, деган фикрни илгари суради. Аммо, Ж.Эшонқулов ва Ш.Турдимовлар лапар ва ўлан жанрларининг генетик алоқадорлигини инкор этмасаларда, ёр-ёр жанри билан ўлан жанрининг келиб чиқишини бир ҳодиса сифатида қараш нотўғри бўлади⁴³, деб ҳисоблашади.

Ўланларнинг аввал боши – таман тоши,

Тўй олдидан тортганим сўқим оши.

Ҳаддинг бўлса, қани, келиб ўлан бошла,

Бу элатнинг манман деган кекса-ёши!

Оқ олма, қизил олма пишмайдиган,

Икки яхши бир ерга тушмайди-кан,

Икки яхши бир ерга тушиб қолса,

Бу дунёдан ўтганин, билмайди-кан

⁴² Алавия. М Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент, “Фан”, 1974. Б.162.

⁴³ ТурдимовШ., Эшонқулов Ж. “Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари”. – Тошкент. 2017. Б. 52.

*Уял-уял деганда, уялса-чи,
Айтолмаган оғизни тиёлса-чи!
Ўлан айтган вақтида ким айниса,
Юзларига қозонкуя суркалса-чи⁴⁴!*

Ўз навбатида оилавий маросим кўшиқлари ҳам икки гуруҳга: тўй маросим кўшиқлари ва мотам маросим кўшиқларига ажралади. Шу сабаб, тўртинчи гуруҳга, мотам маросим кўшиқларини киритамиз. Улар мотам аллалари, мотам ёр-ёрлари ва йиғи-йўқловлар бўлиб, бу жанрларнинг ҳар бири ўз функционал хусусиятларига эга. Бизга маълумки, мотам кўшиқлари ҳеч қандай чолғуларсиз ижро этилса-да, биз уларни кўшиқлар деб атаймиз. Чунки мотам йўқловларини тинглар экансиз, унда ижро жараёнида шеър билан бирга оҳанг ҳам устуворлик қилади:

*Қалдирғочнинг қанотиға,
Қил боғлаган, вой отам.
Борса келмас жойларга,
Бел боғлаган вой отам⁴⁵!*

Мустақиллик сабаб кўпгина маросимларимиз қайта тикланди. Аммо минг афеуслар бўлсинки, кейинги авлод маросимлардаги кўплаб узвларнинг асосий моҳиятини тушунмасдан уларни йўқолишига замин яратиб бермоқда. Маросимларда куйланадиган халқ кўшиқлари ҳам ўз аҳамиятини йўқотгандек гуё. Бизнинг вазифамиз ҳам айнан мана шу ҳолатларга қарши курашишдир.

Бу каби маросимларни номоддий маданий меросимиз таркибига киритиш, уларни ўзбекфильмда кинолар суратга олиб, театрларда сахна асарлари яратиб, уни бор гўзаллигича, Худди “Чимилдиқ”, “Ёр-ёр”, каби

⁴⁴ Гулёр . Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи Ҳ.Раззоқов. – Тошкент. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 1967. Б. 171-173.

⁴⁵ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи Ҳ.Раззоқов. –Тошкент. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 1967. Б. 219.

сахна асарларини яратиб, яна халқнинг ўзига қайтаришимиз лозим. Шунда ёш авлоднинг калбида миллийлигимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш мумкин. Бунда таъсир кучини ошириш учун халқ кўшиқларидан унумли фойдаланиш лозим бўлади:

Муборақлар булғай этган тўйингиз

Жуфт ўрала кушки айвон уйингиз

Мудома иззатда ўтгай умрингиз

Эрка болам, тўйинг муборақ бўлғай⁴⁶.

Ўзбек халқ кўшиқлари орасида энг кўп ижро этиладиган маросим кўшиқлари оилавий-маиший маросим кўшиқларидир. Бунга сабаб, халқ, бошқа кўшиқларга нисбатан уларга кўпроқ ҳаётий эҳтиёж сезади. Оилавий-маиший кўшиқларнинг алоҳида ўзига хос хусусиятларини қуйидаги **хулосаларда** умумлаштирамиз:

1. Оилавий-маиший маросимларда ўзбек халқ кўшиқларига алоҳида эътибор қаратилади ва улар сўзнинг магик қудратига асосланган маросимлар, тўй ва мотам маросимлари тизимидаги анъанавий жанрлардан биридир. Бошқа қардош халқлар тўй маросимлари ва мотам маросимларидан фарқли ўлароқ “сўз” ўзбек фольклор тизимида маросимларнинг асосий узвларидан бири сифатида эътироф этилади. Маросимлардаги кўшиқларнинг ижро этилиши эса, унинг таъсир кучини янада оширади ва ундаги истаклар руёбинини таъминлайди.

2. Халқ кўшиқларининг шеърий тузилиш шакли, анъанавий чорлов, бошланма, воқеабандлик, метафора, ўхшатиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқ кўшиқлари уч мисрадан тортиб, етти мисрали банд тузилишигача бўлиши мумкин. Аммо уларнинг барчаси учун хос бўлган композиция икки тезис, бир ёки бир неча нақорат синтезидан иборат

⁴⁶Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 2000. – Б.21.

бўлади.

3. Халқ қўшиқлари оғзакилик, анъанавийлик, жамоавийлик хусусияти билан бир қаторда, оммавийлик, даврага кўтаринки кайфият бағишлаши ва психологик, бадий-эстетик ҳамда уюштирувчилик, вазифасини бажаради.

4. Жанр хусусиятига кўра, алоҳида бирор қўшиқларни оладиган бўлсак, аллаларни номаросим қўшиқлари таснифига киритсакда, уни биз бешик тўйи маросимининг ҳам асосий узвларидан бири деб, айта оламиз. Чунки, айнан “Бешик тўйи” маросими алла қўшиқлари билан бошланиб, алла қўшиқлари билан якунланади.

Оилавий-маиший маросим қўшиқларининг бошқа маросим ва номаросим қўшиқлари билан боғлиқ умумий жиҳатлари таҳлил этилиши керак ва уларнинг ижро услуби ва бадиияти масалалари тадқиқ қилиниши лозим.

2.2. Мавсум–маросим қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари

Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечириш тарзи, йилнинг тўрт фасли, меҳнат ойлари, байрамлар, урф-одатлар, маросимлар, мавсумий иш-ҳаракатлар билан боғлиқ равишда жуда кўп қўшиқлар яратилган. Маросимлар, одатлар, турли-туман бўлганидек, уларга бағишланган қўшиқлар ҳам хилма-хилдир.

Абу Райҳон Берунийнинг “Осор-ул боқия ан ал қарун ул ҳолия” яъни “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида келтирилишича, аجدодларимиз фарвардин ойининг биринчи куни Наврўз байрамини нишонлаган эканлар. Қадимги хоразмликларнинг эрта баҳорда ўтказадиган бу маросими қишнинг қировли кунларининг якунланиши ва кўкламнинг

бошланишини тантанаси бўлган⁴⁷.

Баҳор фасли ҳақиқатда ҳам, янги бир йилнинг муқаддимаси ҳисобланади. Табиат учун ҳам янги мавсумнинг бошланиши, қайта туғилиш демакдир. Шунинг учун, бу мавсумда ўқазиладиган маросимлар кўп манбаларда қайд этилган. Бугун ҳам баҳор фасли билан боғлиқ маросимлардан йилбоши, сумалак сайли, гул сайиллари яхши сақланиб қолган.

Йил фасллари билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ҳамда уларнинг ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзидаги кўринишларига оид мавжуд илмий тадқиқотлар, адабиётларни таҳлил қилишдан олдин бу масалага бағишланган, инсониятнинг минг-минг йиллар олдинги қарашлари акс этган “Авесто”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билиг”, “Наврўзнома” каби бир қатор манбаларга ҳам эътибор қаратишимиз лозим. Уларни чуқур тадқиқ этиш натижасида, бир қанча тадқиқотлар юзага келиши ва кўплаб мавҳум масалаларга ойдинлик киритилиши мумкин.

Мавсум маросим фольклори фаслларнинг алмашинуви натижасида кишиларда ўзгача ҳисларнинг вужудга келиши ва бу ўзгаришларни муносиб қаршилаш, унга ўз таъсирини ўтказиш, табиат билан бирликка, уйғунликка эришиш истагида маросимлар ўтказиб келишган.

Мавсум маросимлари мавсумларнинг аввали ва охири, бирор хўжалик ишларининг бошланиши ва яқунланиши, об-ҳаво билан боғлиқ маросимларини ўз ичига олади. Барча мавсумий маросимлар бевосита йил фасллари билан эмас, балки ана шу фасллар билан боғлиқ инсон фаолияти, меҳнат турлари билан боғлиқ бўлади. Айниқса, баҳор фасли билан боғлиқ маросимлар ўзининг қадимийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Инсонлар ҳар бир фаслнинг ўзгариши ва ҳаётларидаги турли-туман ўзгаришларни, фасллардек ўзгарувчанлигига қиёслаб, ўз ҳис-тўйғуларини

⁴⁷ Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 80. Ўқув кўлланма.

қўшиқларда баён қилишган. Табиат билан боғлиқ бўлган, бойчечакнинг очилиши, Наврўзнинг келиши, дарахтларнинг гулларга бурканиши, баҳор ёмғири, лайлак келиши, хирмон қувончи ва ҳатто донларни қушлардан асраш сингари воқеаларга бағишлаб ҳам қўшиқлар куйлашган.

Қўшиқлар халқнинг оила байрамларини, маросимларини безаб келган. Бу каби тантаналарда қўшиқлар куйлаб дам олишган, ўзларини хурсанд қилиб кайфиятларини кўтаришган, янги меҳнат фаолиятига илҳомланишган. Ҳаётларини мазмунли ўтказиш учун, турли айтимлар, айтишувлар ўйлаб топишган.

Йил фасллари, тўғрироғи йил тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар бўйича этнографик тадқиқотлар олиб борган олимларимиз А.Аширов, А.Нарзиқулов, А.Саримсоқов, З.Исоқов(А.Аширов., 2006; А.Нарзиқулов., 1991; А. Саримсоқов., 2006; З.Исоқов., 2004)нинг қимматли мулоҳазалари орқали кўп маълумотларга эга бўламиз. Улар йил тақвими билан боғлиқ урф-одатлар, ва маросимлар, халқнинг табиат билан боғлиқ билим ва кўникмаларини таҳлил этиб, этник ва локал хусусиятларини тадқиқ қилишган. Улар шомонлик билан боғлиқ қарашлар, чорвачилик, деҳқончилик билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар, маросимлар ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Бу маълумотлар жуда қизиқарли ва қимматли бўлиб, халқимизнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб беради.

Фольклоршунос олимлар Ж.Эшонқулов, Ш.Турдимов “мавсум-маросим” тушунчасини ҳам ўз таърифига эга эканлигини таъкидлайди. Унга кўра, “мавсум” деганда асосан, йил фасллари назарда тутилади. Бинобарин, мавсум қўшиқлари қиш, баҳор, ёз, куз фасллари билан боғлиқ бўлади. “Маросим” эса диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган йиғин демакдир⁴⁸”.Маросим қўшиқлари энг қадимий тушунчалардан тортиб, турли даврларнинг ҳар хил қатламларини ҳам ўзида

⁴⁸ Ш.Турдимов., Ж.Эшонқулов. Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамайиллари. Тошкент, 2016. – Б.44. Ўқув-услубий мажмуа.

жо қилиб келаверган. Яъни уларда қадимий эътиқод инончлари, тотемистик, анемистик қарашлардан тортиб, ислом дини ғояларини, маънавиятини ўзида мужассам этиб келган.

Халқ шеъриятини ўрганган олимларимизнинг турли тадқиқотлари орқали, инсониятнинг тарихига оид кўпгина маданиятларга тегишли бўлган маълумотларга эга бўламиз. Қўшиқларда табиатга, борлиққа муҳаббат, фарзандига, ёрига муҳаббат, яратганга муҳаббат ва илтижолар акс этади.

Ўзбек халқининг мавсумий ва оилавий маросимларида унинг оламини англаш, унда инсоннинг ўрни ва вазифасини белгилаш билан боғлиқ дунёқарашлари акс этган. Халқнинг барча ҳаётий тажрибалари, билим ва хулосалари аввало ана шу мавсумий ва оилавий маросимлар тизими ва унда куйланувчи халқ қўшиқлари намуналарида мужассам бўлган.

Маросимлар тизими изидан бориб, куйланган қўшиқлар, айтимлардаги рамзлар, образларни тадқиқ этиб, халқнинг руҳига, тафаккурига чуқурроқ кирамиз. Бу эса, ўша халқнинг дунё тамаддунида қандай ўринга эга бўлганини белгилаш имконини беради. Бизнинг халқимиз эса, ўзининг ахлоқий ва илмий қарашлари билан бошқа мамлакатлар ривожига ўз таъсирини кўрсата олган буюк миллатдир.

Инсон табиат билан бир бутунликда яшаган ва ўзини ундан айро тасаввур қила олмайди. Табиатнинг барча сир-синоатларини ўрганишга, баъзида кўникишга, баъзида эса, уни ўзига бўйсундиришга у билан уйғун бўлишга ҳаракат қилган. Шунинг учун табиат билан боғлиқ маросимлар токи техника ва технологиялар ривожланиб кетгунга қадар ўз аҳамиятини тўлалигича сақлаб турди. Аммо, баъзида техниканинг ҳам, табиат кучлари олдида ожизлик қилиб қолганига гувоҳ бўламиз.

Мавсум маросимларининг бошланишини ҳам, ўрганилишини ҳам негадир Наврўз байрами бошлаб беради гуё. Ўрта асрлардан бошлаб ислом дини таъсирида мазкур байрам исломий қарашлар билан ўзаро уйғунлашди. Янги меҳнат мавсумини бошлаб берувчи Наврўз исломий қарашларга буткул зид бўлмаса-да, таркибида қадимий эътиқод изларининг мавжудлиги

унинг бирмунча сиқувларга олинишига сабаб бўлган. Замонамиз тарихчилари турли археологик материаллар ва тарихий манбаларга асосланиб “унинг илдизи неолит... даврига бориб тақалади”⁴⁹, деган хулосани билдирадilar.

Шарқ мамлакатлари ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳамда тадқиқотчилар томонидан турли тарихий даврларда кенг кўламда ўрганилган ва турлича талқин қилинган “Наврўз” байрамида ўзбекларнинг асрлар давомида шаклланиб келган фалсафий, тарихий ва миллий қарашлари намоён бўлади.

Мавсум маросимларининг оилавий маросимлардан фарқли жиҳати, у бирор бир оилага тегишли эмас, у оммага, халққа тегишли маросимдир. Мавсум маросимлари ҳар доим омма билан жамоа бўлиб бажарилган.

Баҳорда ариқларни тозалаш ишлари “лой тутиш” маросими сифатида тилга олиниб, бутун қишлоқ мазкур меҳнат учун жалб қилинган. Улар турли кўшиқлар, ҳазил-мутойибалар қилишиб меҳнат унумдорлигини оширишган, маданий ҳордиқ олишган, руҳиятларини кўтаришган. Бугунги кунда ҳам маҳаллалардаги ҳашар ишлари бу оммавий маросимнинг баъзи функцияларини ўзида сақлаб қолган дейишимиз мумкин.

Бинобарин, биз мавсум деганда, қиш, баҳор, ёз ва куз фаслларини тушунамиз. Шунингдек, мавсумий маросим кўшиқларида ҳам айнан қайсидир фаслларнинг қиёфаси акс этган кўшиқлар яратилган ва ижро этиб келинган. Мавсумий маросимларида ҳам оилавий маросимлардагидек, халқ уни ўтказишга тайёргарлик кўрган, маросим учун турли таомлар пиширилган. Табиийки, ҳар бир мавсумнинг ўзига яраша шоҳ таомлари бўлган ва бу таомларга бағишланган халқ кўшиқлари ҳам дунёга келган.

Қиз боланинг рўмоли,

Қизил гулли шойи.

Билсангиз, сумалакжон,

⁴⁹ Ртвеладзе Э. Навруз праздник счастья и благоденствия // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 1. – Б. 14–17.

*Барча овқатнинг бойи,
Сумалакжон сумалак,
Сумалакжон сумалак,
Наврўз келай деганда,
Бугдой ундириб қўйдик,
Меҳмон бўлиб келингиз,
Сумалак қилиб қўйдик⁵⁰.*

Кўклам кунлари дала ишлари билан банд кишиларнинг гапларига кулоқ тутсангиз “Ҳамалда амал”, “Ҳутда томмасин, ҳамалда тинмасин” каби мақолларни кўп эшитасиз. Аммо баъзида, ёғингарчилик ҳаддан зиёд кўп бўлиб, бу ҳол ҳам экин ишлари учун зарар бўлган. Дехқон вақтида уруғ қадай олмаса, ҳосил йиғими икки баробар кечикиб кетиши мумкин. Шунинг учун, дехқонлар қулай об-ҳаво бўлишини хоҳлашган. Улар табиатнинг ҳамма инжиқликларини унинг белгилари орқали олдиндан аниқлашга уринишган. Ҳамал ойида ёққан ёмғирлардан қувват олган ўт-ўланлар гуркираб ўсиб, табиатга кўркамлик бахш этган. Улардан таъсирланган ҳолда, баъзида табиатга ҳамроҳ сифатида, баъзида унга йўл бошловчи бўлиб кўшиқлар яратишган:

*Ердан гиёни кўкартирар,
Ҳамалнинг ёмғир жаласи.
Бутун йўлларни яшнатар,
Саврнинг гулу лоласи⁵¹.*

Ҳамал ойи охирларида тоғ олди ҳудудларида яшовчи дехқонлар “терма кўчди” иборасини кўп ишлатишар экан. Ер бағрини қуёш иситгач, тоғдаги қорлар, иссиқ тафтида эриб, пастга шунғий бошлайди. Шу ҳолатни халқ “терма кучди” деб аташаркан. Бу ҳодиса ўзбек фольклорида ҳам ўз ифодасини топган:

⁵⁰ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент, “Алоқачи”. 2008. Б.41.

⁵¹ Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 20. Ўқув кўлланма.

*Ҳамалда тоғ бағридан кўчар терма,
Одам бўлсанг номардга сиринг берма⁵².*

Инсонлар ҳар бир фаслдан ўзгача куч олишган, улар табиат кучларига унинг чексиз қудратига ишонишган. Баҳор фасли инсонлар учун янгилиниш, яшариш фасли сифатида қалбларига чуқур ўрнашган бўлсада, пишиқчилик ойларини кўпроқ яхши кўрадилар. Асад ойидан бошлаб боғ-роғларда пишиқчилик бошланади. Бу даврда миришкорлар, деҳқонлар ёғоч кўриқчи, ёки палахмон отиш орқали ўз боғларидаги узумзорларни, бўғдойзорларни чумчук, зарғалдоқ, майна, чуғурчиқ ва бошқа қушлардан кўриқлаганлар. Албатта бу жараён билан боғлиқ турли хил кўшиқлар келиб чиққан:

*Сарғалдоқ сариг-о,
Еганинг ботмон тариг-о,
Кетингда югура-югура,
Бўлдим ариг-о!
Гала ўлсин-о,
Омбор-галадонларга,
Донлар тўлсин-о,
Гала чумчук, чумчуг-о,
Бурнинг пучуқ-пучуг-о,
Узумларни чўқилаб,
Қилдинг учуқ-учуг-о⁵³!*

Бу каби кўшиқлар халқ орасида кўплаб яратилган, аммо афсуски табиат билан боғлиқ кўшиқлар, бошқа маросим кўшиқларига нисбатан кам сақланиб қолган ёки унутилган.

Байрам, сайиллар ва маросимларни яратувчи халқ, ҳар фаслнинг

⁵² Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 19. Ўқув қўлланма.

⁵³ Алавия. М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент. “Фан”, 1974. Б.121.

Ўзига мос либослар кийиб, табиатга уйғун ҳолда байрамларни нишонлашган. Баҳорда ранг-баранг, очиқ ранглардаги либосларни кийиб, лола сайли, қизил гул сайли каби гуллар маросимида гулларга монанд либослар кийишган ва шу кайфиятга мос кўшиқлар ижро қилишган.

Лола лола лолажон,

Лола сайли шўх бўлсин.

Лола лола лолажон,

Биздан кўнглинг тўқ бўлсин⁵⁴.

Халқ шунчалар ижодкорки, албатта, ҳар бир мавсумга оид ўйинлар ҳам ўйлаб топишган. Айниқса, болаларнинг мавсум билан боғлиқ кўплаб кўшиқлари ва айтимлари, ўйинлари мавжуд. Баҳорда қизлар ҳалинчак учиб кўшиқлар куйлашган. Бу ҳам бежиз бўлмай, ҳосилдорликни оширишда хислатибор деган қарашлар сабаб, қизлар мевали дарахтларга ҳалинчак ясаб, баланд-баланд учишган. Улар қанчалик баландга учса, ҳосил шунчалик мўл-кўл бўлади, деган тасаввур ва инончлар мавжуд бўлган.

Ҳалинчак, ё, ҳалинчак,

Ҳалинчакда келинчак,

Салтлигини соғинган,

Келинчаклар куйинчак,

Ҳалинчак, ё, ҳалинчак,

Учавергин келинчак,

Кўзга сурма ярашар,

Кўш чеккага қўш чечак⁵⁵.

Фасллар ўзгарар экан уларнинг инжиқликлари ҳам инсонларни ўйга солиб қўйган. Кучли шамол кўзғалиб, ҳали пишиб етилмаган меваларни тўкиб, экинларни пайҳон қилар, табиатнинг бу инжиқликлари инсонларни кўрқитарди. Бу каби кучли шамоллар ўзи билан чанг тўзонларни бошлаб

⁵⁴ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент. 2008. “Алоқачи” Б.46

⁵⁵ Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. . – Тошкент. 2008. “Алоқачи” Б.45

келар, инсонларни ҳаттоки кўз очиргани қўймасди. Мана шундай пайтларда момоларимиз томонидан “Шамол тўхтатиш маросими” ўтказилган. Албатта бу каби маросимлар асосан аёллар томонидан ўтказилиб, улар турли айтишувлар, қўшиқлар айтиб кучли шамолни пасайтиришган.

Баъзан маросимларнинг ўтказилиш тартиби ҳақида, унда ижро этилган куй-қўшиқлар хабар берувчи восита саналади. Чунки, мавсум билан боғлиқ бўлган маросимлар охириги 50-60 йиллардан бери урфдан чиққан бўлиб, улардаги қўшиқларгина сақланиб келмоқда.

Суст хотин, султон хотин,

Кўланкаси майдон хотин.

Ҳаво ёғмас бўлама, суст хотин,

Томчи томмас бўлама, суст хотин.

Етмишдаги кампирни, суст хотин,

*Сел опкетмас бўлама, суст хотин*⁵⁶

Ҳар бир мавсум-маросим айтимлари ва қўшиқларининг ўзига хос жилваси ва дилтортар таровати мавжуд. Чунки мавсум қўшиқлари, оилавий маиший маросим қўшиқларидан фарқли ўлароқ, инсонларга фақат хурсандчилик ва хотиржамлик бахш этган. Улардан бири мамлакатимиз худудида ўтказиб келинган гул сайилларининг энг қадимийси “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари маросими” ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида маросим фольклори ва халқ ўйинларига доир материалларни тўплаш мақсадида Тошкент вилояти бўйлаб, фольклор экспедициясида бўлган Е.М. Пешерова Бурчмуллада болалар томонидан “Бойчечак сайли”да айтиладиган қуйидаги қўшиқни ёзиб олган:

Олатой, булатой,

Мен сени йўргалатай.

Йўрга отим ўлибди,

⁵⁶Халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент, “Алоқачи”. 2008. 49-бет.

Гўштини кимга сотай.

Фольклоршунос олим, Асқар Мусақуловнинг кузатишларича, бойчечак қадимги туркий тилда “бой” муқаддас, давлат (бойлик), тақиқланган, яъни руҳлар учун аталган ва чечак гул маъносини англаувчи сўздир. Тарихан магик характердаги “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари маросими” қадимдан Наврўз олди шодиёналаридан бири сифатида ўтказиб келинган. Унга кўра, баъзи жойларда болалар бир даста бойчечакни узун ходанинг учига бойлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Болалар бир гуруҳ бўлиб, уйма-уй юришиб, бойчечак қўшиғини айтиб, суюнчи олганлар:

Бойчечаким бойланди, қозон тўла айронди,

Айронингдан бермасанг, қозонларинг вайронди.

Қаттиқ ердан қазилаб чиққан бойчечак,

Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак⁵⁷.

Мазкур тўртликда, болаларнинг қувончи, ҳаяжони, интиқишлари қўшиқ орқали юзага чиққан. Катталар эса бу қўшиқ жарангидан, бойчечак чиққанлиги қиш қировли кунлар ортида қолиб, кўклам келгани, инсонларнинг ёруғ кунларга эсон омон етиб келганларининг белгиси сифатида хурсандчилик билан қабул қилганлар. Шунинг учун болалар олиб келган бойчечакни кўзларига суртиб, ундан баҳор ҳидини тўйганлар ва шу кунларга етиб келганларига шукроналар айтиб, “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга”, – деб, ота-она, бува-момоларидан оғзаки ўзлаштириб олган, мерос бўлиб қолган айтимларни айтганлар.

Бойчечак қўшиғининг ижро усули ва матндаги айрим мисралар рўза кунлари болалар томонидан айтиладиган анъанавий “ё рамазон” қўшиқларига ўхшаб кетади. Бу эса, “ё рамазон” қўшиқларининг ижро шакли аслида Ўрта Осиё халқларининг аграр культлар ва ўлиб тирилувчи табиатни ўзида мужассамлаштирган мифологик персонажлар билан алоқадор

⁵⁷Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. Б.293.

календарь маросимларидан бири бойчечак чикқанида уйма-уй юриб кўклам даракчиси хабарини етказиш анъанасининг ислом дини таъсирида қайта поэтик мушоҳада этилиши натижаси эканлигини кўрсатади:

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчқордай ўғил берсин бешигингизга.
Кўчқордай ўғил берса бешигингизга,
Ким келиб, кимлар кетмас эшигингизга*⁵⁸.

Бинобарин, “Бойчечак хабари маросими” кўшиғида ҳам хонадон соҳибига эзгу истакларни баён қилиш устунлик қилади.

Бизга “Авесто”дан маълумки, қадимдан деҳқончилик маданияти юксак даражада тараққий этган мамлакатимизда, табиатнинг боқийлигини улуғлаш ва ўсимликлар култи билан алоқадор кўпгина анъаналар вужудга келган. Ҳаёт дарахти ҳақидаги мифологик қарашлар замирида ҳам табиатнинг боқийлиги тўғрисидаги ибтидоий инончлар ётади.

Аждодларимиз кузда ўз япроқларидан жудо бўлган дов-дарахтларнинг эрта кўкламда яна барг ёзиши, шунингдек, баҳор келиши билан ўт-ўланлар, гул-чечаклар ила қопланишида табиатнинг рамзий маънодаги ўлиб-тирилиши тимсолини кўрганлар. Табиатнинг кўкламда уйғониши ҳақидаги мифологик қарашлар ўсимликларни тимсоллаштиришга асосланган аграр культлар ва магик характердаги рамзий ҳаракатлар тизимидан иборат ритуалларнингюзгага келишига замин ҳозирлаган.

Халқимизнинг наврўз байрами билан алоқадор маросимлари сирасига кирадиган анъанавий “Қизил гул” сайли ҳам ана шундай аграр культлар ва ҳосилдорлик ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадимий умумхалқ тантаналардан биридир. Гул сайли ёки гул байрами жаҳоннинг жуда кўплаб мамлакатларида оммавий тарзда ўтказиб келинади. Хусусан, Францияда ҳар йили 1-майда “Ландиш (кўнғирокгул) байрами” нишонланади. Шунингдек, Женевада “Атиргул байрами”, Лютерда “Нарсис (нилуфаргул) байрами”

⁵⁸Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент, “Алоқачи”, 2008. – Б.48.

Лозанияда “Камелия байрами⁵⁹” ўтказилади.

С.Красиковнинг ёзишича, қадимги Юнонистонда ҳам гиацинт ва лилия гулларининг очилиши шарафига сайиллар ўтказилиши урф бўлган экан. Шунингдек, лезгин, авар, татар, ва тожик халқларида ҳам гул сайиллари ўтказилган. Ҳозиргача тўпланган фольклор ва этнографик материаллар, илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида ҳар йили кўкламда анъанавий гул сайиллари ўтказиб келинган.

Табиатнинг кўкламлиги, уйғониши билан боғлиқ бу анъанавий халқ сайли хоразмликлар орасида ҳам қадимдан урф бўлиб келган. “Қизил гул” сайли ҳар йил баҳорда Хива шаҳри яқинидаги Боворисбобо қабристонида бўлиб ўтган. Хоразмликларнинг “Қизил гул” сайли ғоят қадимий асосларга эга эканлигини Абу Райҳон Берунийнинг кўйидаги қайдномаси ҳам тасдиқлайди: “Айяр... Бу ойнинг тўртинчи куни Хоразмда эски одат бўйича қизил гул байрами ўтказилади. Шу куни ибодатхонага қизил гул келтирилади⁶⁰. Бу байрамда аҳолининг барча табақаси – ёшлар ҳам, болалар ҳам, қариялар ҳам қатнашган.

Ислом ақидаларининг таъсири кучли бўлган даврларда ҳам халқ ўзи севган, аждодлари асраб, авайлаган, бу каби сайилларни нишонлаб келаверишган. Бу сайилга мос турли одатларни ўйлаб топишган ва қари-ю, ёш ўйин кулгу қилишган. Ўзлари кўнгил қўйган қизларга ширинлик, майиз ва ҳолва тухфа этганлар. Одатда бундай совғалар ёш болалар орқали етказилган.

Сайилларда нафақат кўшиқлар куйлашган, балки дорбозлар дор ўйнашган, кўғирчоқбозлар ўз томошаларини намойиш этишган, турли беллашувлар, кўпқари ўйинлари ва ҳоказо кўнгилочар тантаналар орқали сайилларни мароқли тарзда нишонлашган. Гул сайилларининг ўзгача

⁵⁹ Календарные обычаи и обряды. 1977. – С.144-185, Токарев С. А., Филимонова Т.Д, 1983. С. 159.

⁶⁰ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Тошкент, 1968. Б.339.

кўринишдаги излари, яқин-яқин кунларгача, ўзбек никоҳ тўйларида, йигит ва қизлар томонидан “гул базми” деб номланган мушоирага ҳам кўчган дейишимиз мумкин.

Халқ оғзаки ижодида қизил гул севги ва оила тимсоли сифатида талқин қилинади. Хоразм халқ кўшиқларида баҳорда очиладиган қизил гулга бўлган эҳтиром, яъни бу рамзий деталнинг сайилда магияк ритуал аҳамият касб этганлиги ўзининг бадий ифодасини топган:

*Қизил гул устина сарсалар мани,
Ўзим севган ёра берсалар мани,
Ўзим севган ёра насиб бўлганда,
Солланиб юрганим кўрсалар мани⁶¹.*

Халқ кўшиқларидаги қизил гул детали лирик қаҳрамоннинг поэтик тимсолларидан бири бўлиб, кўпинча балоғатга етган қиз образининг бадий аниқловчиси бўлиб келади.

*Қизил гул бўлмагай эдим,
Очилиб, сўлмагай эдим,
Очилиб сўларим билсам,
Онадан бўлмагай эдим⁶².*

Мазкур тўртликда орзулари сароб бўлган қизнинг кўнглидаги изтироблари, орзулари ушалмагани, бунда унинг изтиробини шунчалар кучлики, дунёга келмаганим афзалроқдир, дея оҳ урмоқда.

Хоразмда йигитлар баҳорда очилган илк қизил гуллардан чиройли гулдаста тайёрлаб, унга турли-туман ширинликлар ҳамда рўмол кўшиб ўзларига унашилган қизга тухфа қилиб юборганлар. Бу удум “қизил гул янгилиги” деб номланаркан. Қадимдан гул совға қилиш удуми севги магияси билан боғлиқдир.

Халқ балоғатга етган йигит-қизларни гулга тенглаштиради. Қадимда

⁶¹ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти”, 2000. Б.179.

⁶² Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти”, 2000. Б.178.

гуллар ҳам аёл ва эрлардан иборат деб тушунилгани учун, жаҳоннинг деярли барча халқларида гуллар билан боғлиқ сайиллар, удумлар маълум даражада сақланиб қолган.

Яна бир қадимий гул сайилларидан бири “Лола сайли”дир. Кўклам хуснига хусн қушиб, атрофни гўзалликка буркаган лоланинг рангини “ернинг қони”га ўхшатилади ва бу кўшиқларда ҳам акс этади.

*Ернинг қони лолажон,
Ернинг жони лолажон,
Лола сайлига келиб,
Кўрдик сени лолажон⁶³.*

Сиртдан қараганда, бу поэтик талқиннинг юзага келишига лола рангининг қон туси асос қилиб олинганга ўхшаб туюлади. Халқимиз орасида сақланиб келаётган афсоналар эса, бу ташбеҳ қадимги мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Афсоналардан бирида айтилишича, Нух алайҳиссалом кемасини сичқон тешганда, илон сув кираётган тешик устига кулча бўлиб ётганча, жонзотларни ғарқ бўлишдан сақлаб қолибди. Шунда Нух алайҳиссалом илонга дунёдаги гўшти энг лаззатли жонзотни ризқ қилиб беришга ваъда берган экан. Қуруқликка чиқишиб, одамзот ва жониворлар кўпайгандан сўнг, илон Нух алайҳиссаломга ваъдасини эслатибди. Нух алайҳиссалом бир пашшани учуриб юборибди. Пашша ҳамма жонзотларни чақиб кўрибди. Қарасаки, ҳамма нарсадан кўра, бешикда ётган чақалоқнинг қони ширин эмиш. У ана шу бола қонидан озгина сўриб олиб учиб кетаётган экан, олдидан қалдирғоч чиқиб қолибди. “Ниманинг қони ширин экан?” – деб сўрабди, қалдирғоч. “Ҳаммасидан одам қони мазали экан”, – деб жавоб берибди пашша. Шунда қалдирғоч: “Қани шу гапни айтган тилингдан бир ўпай” – деб, пашшанинг тилини чўқиб, узиб олибди. Пашша тилининг учида олиб кетаётган бир томчи қон эса, ерга томиб, лола бўлиб униб

⁶³ Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 20. Ўқув қўлланма.Б.82.

чиқибди. Ер юзидаги лолалар ана шу бегуноҳ гўдак қонидан пайдо бўлган эмиш⁶⁴.

Ўзбек фольклорида “Лола сайли” билан боғлиқ халқ кўшиқлари кўп учрайди. Бунга сабаб киш қировли кунлардан зериккан кишилар, болалар, йигит-қизларнинг яйраб ўйин-кулгу, шодиёна қиладиган тантана бўлганлиги дейишимиз мумкин. Айниқса бу кўшиқлар бир-бирига кўнгил кўйган йигит-қизларнинг учрашув майдони бўлганлиги ҳам кўшиқларнинг янада оммалашishi, кўнгилларда чуқурроқ қолишига сабаб бўлган. Кўшиқларда лола “элнинг чиройи” эканлиги, бу гулнинг очилиши одамлар дилига фарахбахш нур ато этиши, чакмоқдан, селлардан кўркмай инсонларга ҳам жасорат, ғайрат бағишлаши тараннум этилади.

Лола, лола, лолажон,

Ўсар жойинг далада.

Лола, лола, лолажон,

Чидаш бердинг жалага⁶⁵.

Кузда меҳржон байрами ўтказилган ва унда ҳам тўкин-сочинлик, шукроналик ҳислари акс этган кўшиқлар ижро этилган. Меҳржон байрами мамлакатимизда бугунги кунда ҳам катта тантана билан, бутун республика миқёсида ўтказиб келинади. Тантана иштирокчилари кузга мос либослар кийишади, кузги маҳсулотлардан турли таомлар пиширилади ва бу маросим кўтаринки кайфиятда нишонланади.

Мавсумий маросим кўшиқлари яхлит ҳолда олиб ўрганилиши керак бўлган мавзулардан биридир. Унинг жанрий хусусиятлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Биз ҳам мавсум маросим кўшиқларининг баъзиларини жанр жиҳатидан тадқиқ этишга уриндик ва унга кўра қуйидаги **хулоса** ва **тавсияларни** бериш мумкин:

⁶⁴Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори – Тошкент, “Фан”, 1986. Б.49.

⁶⁵ Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 20. Ўқув кўлланма.Б.81.

1. Ўзбек халқи мавсумий маросимларга бой халқлардан ҳисобланади. Бунга сабаб, юртимизда тўрт фаслнинг мукамал тарзда кечиши ва меҳнат жараёнлари билан боғлиқлигидадир. Ҳар бир маросим ўзига хос айтимларга қўшиқ ва афсунларга эга бўлганлиги сабабли фольклоршуносликда маросим ва унда иштирок этувчи сўз компоненти биргаликда мавсумий маросим фольклорини ташкил этади.

2. Асосий тақвимий маросимларнинг таркибий таҳлили асрлар давомида халқ байрам ва анъаналарида ўзига хос асосланган функционал конунлар ривожига имкон берди. Улар инсоннинг меҳнати билан боғлиқ: ернинг ҳосилдорлиги, чорванинг баракаси ва оиланинг фаровонлигини оширишга қаратилган маросимлар. Бошқа томондан байрамлар турли вақтларга мансублигига қарамасдан, уларнинг маросимийлиги ўз таркибига ишонч, сеҳр-жоду, маросимий олов, ўсимлик, инъом ва қурбонлик сингари бир қатор элементларни олади.

3. Замонавий технологиянинг ривожланиши билан келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун қилинадиган ирим-сиримлар ҳозирда деярли йўқ бўлиб кетган. Аммо, фасллар билан боғлиқ бошқа урф-одатлар, тантаналар ва қўшиқлар яхши сақланиб қолган.

Ўзбек халқининг йил тақвими билан боғлиқ урф-одат ва маросимларини тарихий-этнографик аспектда ўрганиш ўзининг муҳим илмий-амалий аҳамиятини йўқотмаган мавзулар сирасига киради. Мазкур маросим қўшиқлар анъанавий услубда ижро этилишига кўра аҳамияти жуда катта бўлиб, ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва этномаданий меросини бойитишда, ҳамда давом этишида муҳим амалий аҳамият касб этади.

III. БОБ. НОМАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

3.1. Номаросим қўшиқларининг таснифи масалалари

Биз умумфольклор деганда, халқ оғзаки сўз санъатинигина тушунмаймиз, балки мусиқа фольклори, рақс фольклори, халқ драмаси, халқ амалий санъати соҳалари ҳам шу тушунча доирасига киради. Қадимда бу соҳаларнинг барчаси маросимларнинг ҳаракат, буюмлар ва сўз таркиблари бирлигида мужассам бўлган. Шу боис фольклоршунос олимларимиз, фольклорни маиший йўналишига кўра, маросим ва номаросим турларига тасниф қилиб, уларни алоҳида-алоҳида ўрганадилар. Маросим фольклорининг номаросим фольклоридан фарқи шундаки, маросим фольклорида амалий мақсад, номаросим фольклорида эстетик мақсад устувордир.

Фольклоршунос олимларимизнинг хулосаларига кўра, тарихан номаросим фольклори маросим фольклоридан ўсиб чиққан, дейилади. Хўш, савол туғилади, барча номаросим фольклорига нисбатан шундай дея оламизми? Ана энди бу, баҳсли мунозара, шу сабаб, бу борада биз тадқиқотчилар олдида турган масала ва қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Туркий халқларнинг бизгача етиб келган қўшиқларининг энг қадимий намуналарини XI асрда яшаб, ижод этган олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган мисоллар орқали биламиз. Қадимий қўшиқлар бизгача етиб келмаган, аммо, биз мавжуд анъанавий қўшиқлар ёрдамида улар ҳақида маълум бир фикр-мулоҳазалар билдиришимиз мумкин.

Қўшиқлардаги архаик дин формаларини қайсидир ҳолатларда

сақланиб келинаётганининг ўзи қадимий кўшиқлар ҳақида хулосаларга келишга ёрдам беради. Ўзбек халқ кўшиқларининг матни таҳлили мисолида улардаги шомонлик, тотемистик ва магия билан боғлиқ тарихий асослари ёритиб берилади. Ўзбек халқ лирикаси намуналари маросимлар таркибида ва мустақил ижро этиладиган кўшиқлардан иборат бўлиб, жанрий жиҳатдан: меҳнат кўшиқлари, аллалар, термалар, ишқий-маиший –лирик кўшиқлар, болалар фольклорига ажралади. Халқ

лирикаси спецификаси, поэтикаси ва уларнинг халқ маросимлари, урф-одатлар ва алоҳида ижро жараёнларидаги ўрни, ҳар бир кўшиқ таркибидаги бадиий ифода воситалари: рамз ҳамда образлар тизими хусусида тўхталиб ўтамиз. Ўзбек

фольклоршунослигида номаросим фольклори ўтган асрнинг 90 – йилларигача махсус тадқиқ этилмади. Аммо, мустақилликдан олдинги йиллар ва ҳозиргача маросим фольклори тадқиқи шу даражада тез ривожландики, натижада этнофольклористик йўналиш тадқиқотларнинг муҳим методларидан бири бўлиб қолди.

Маросим ва лирика муносабатлари жуда кенг ва мураккаб муаммо. Айтиш мумкинки, халқ лирикаси сўз санъати сифатида шаклланиб бўлгандан кейин ҳам, маросим таркибидаги лирик кўшиқларнинг маросимдан ташқарида ҳам қуйланиши ёки аксинча, лирик кўшиқларнинг маросим таркибига сўз қисми сифатида киритилиши жараёни жуда ривожланган. Бугунга келиб эса, кўпгина маросимлар унутилган бўлса-да, улар таркибидаги лирик кўшиқлар у ёки,бу шаклда мустақиллашмоқда.

Маълумки, маросим, аввало, амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маросимлар таркибидаги фақат амалий мақсадларга қаратилган айтимлар, кўшиқлар, маросимлар йўқолиши билан табиий равишда унутилади. Кинна, бадик, сует хотин каби маросимлар ва уларнинг вербал – сўз компонентлари бунинг ёрқин мисолидир. Бироқ маросим таркибидаги айтимлар, кўшиқлардаёқ халқ лирикасининг илк шаклий ва мазмуний асослари – ритм, мусиқа, вазн, поэтик такрорлар, жонлантириш, сифатлаш,

ритмик – синтактик параллелизмлар ва бошқалар мавжуд бўлади. Халқ лирикаси эса, тарихий асосларига кўра, маросимлар ва урф-одатлар билан боғлиқдир.

Биз ушбу ўринда халқ лирикасининг тарихий асосларига кўра, маросимлар, урф-одатлар билан боғлиқлигини кўрсатиш учун айрим мисоллар билан чекланамиз: Фольклоршунос Ю.И.Юдин рус халқ лирик кўшиқларидаги ота-она уйини соғинган ёш жувон образининг тарихий асосларини ўрганиб, унда жуда қадимий бир одат ўз бадиий ифодасини топганлигини кўрсатиб берган. Бу қадимий одатга кўра, ёш жувон бир ёки икки йил турмуш қургач, узоқ муддатга ота-она уйига қайтган. Бу муддатда у эри билан деярли кўришмаган. Жувоннинг анча муддатга ота-она уйига қайтишини матриархатдан патриархатга, жуфт никоҳдан моногам никоҳга ўтиш, матриолкал жойлашувдан, патриолкал жойлашувга ўтиш даври билан боғлиқ, деган хулосага келган. Изоҳ бериб ўтиш керакки, матриолкал жойлашув никоҳда куёвнинг қиз уйига, патриолкал жойлашув қизнинг йигит уйига бориши демакдир. Яна бир муҳим факт: Т.В.Зуева маълумотларига қараганда, феодал жамиятгача бўлган даврларда никоҳ одатларида аёллар ташаббускор бўлган. Қизларнинг ўзларига қайлик танлашлари, совчилик қилишлари, ҳатто куёвларни қалин каби шартларни тўлаб, сотиб олишлари ҳам нормал ҳолат ҳисобланган⁶⁶. Мазкур одатнинг ўзбек халқи тарихида ҳам бўлганлигини халқ эртаклари, дostonлари жуда яхши кўрсатиб берган. Масалан, кўпгина дoston, эртакларимизда маликалар ўзлари шарт кўйиб, ўзлари эр танлайдилар.

Номаросим кўшиқлари эса, асосан лирик кўшиқлардан ташкил топган бўлиб, фольклоршунос олим Асқар Мусақулов “Ўзбек халқ лирикаси” монографиясида халқ лирикасининг тарихий асослари ва магик инончлар билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритар экан, бу борадаги ўз фикрларини илмий асослар билан исботлаб беради.

Халқ ижоди мифдан яралмасада, мифсиз яшай олмаслиги бир қанча

⁶⁶ Эшонқулов. Ж. Ўзбек фольклоршунослиги асослари. 2018. Ўқув кўлланма.

олимлар фикрлари ва тадқиқотлари орқали асосланган. Халқ лирикаси жанрлари учун ҳам фольклорга хос етакчи хусусиятлар: оғзакилик, оммавийлик, анъанавийлик, вариантлик, анонимлик бирдек тегишлидир.

Халқ лирикасида севги мавзуи, хотин-қизлар образи етакчилик қилади. Албатта, бунга сабаб, хотин-қизларнинг ҳиссиётга берилувчанлиги ва оилада уларнинг бажарадиган вазифаларининг эрларникидан фарқли равишда, зерикарли ва маънан оғирлиги сабаб бўлган дейишимиз мумкин. Аёлларнинг жамиятдаги ўрнининг пасайиб кетиши, уларнинг қалбларида оғир жароҳатларга олиб келишига сабаб бўлиб, улар қўшиқларда ўз натижасини кўрсатган. Масалан, кундошлиқдан азият чеккан аёллар, ўз ихтиёри ўзида бўлмаган қизларнинг оҳу-зорлари, ушалмаган орзулари акс этган қўшиқлар талайгина.

Ҳар бир лирик қўшиқларнинг ўз етакчи қаҳрамонлари мавжуд: аллаларда она ва фарзанд, ёр-ёрларда келин ва куёв, болалар қўшиқларида болалар, меҳнат қўшиқларида меҳнаткаш инсон, лирик қўшиқдаги ошиқлар, эру-хотин, тарихий қўшиқлардаги қаҳрамон ёки зулмкор. Улардан ташқари яна бир неча етакчи қаҳрамонлар қўшиқларнинг асосий иштирокчиси саналади ва қўшиқларнинг мазмун, моҳиятини ўз мақсади томон йўналтириб туради.

Халқ қўшиқлари ижро ўрнига қараб тасниф этилганда, маросим ва номаросим қўшиқларга ажралади. Гарчи маросим қўшиқларидан кейин, уларнинг таъсирида, гоҳида унутилган маросимларнинг узвлари сифатида номаросим қўшиқлари юзага келган бўлса-да, унинг маросим қўшиқларига нисбатан аудиторияси кенг ва тез оммалашган.

Номаросим қўшиқлари асосан лирик қўшиқлардан ташкил топган бўлиб, маросим қўшиқларидан асосий фарқли жиҳати уларнинг бирор бир маросим билан махсус боғланмаганлиги, исталган пайтда, исталган жойда, исталган киши томонидан ижро этилишидир. Бу йўналишдаги қўшиқларга фольклоршунос олимларимиз қуйидаги халқ қўшиқларини киритади:

1. Меҳнат кўшиқлари;
2. Тарихий кўшиқлар;
3. Термалар;
4. Болалар кўшиқлари: аллалар, хуялар, болаларнинг ўзи томонидан куйланадиган кўшиқлар;
5. Лирик кўшиқлар⁶⁷. [4.Б.47.]

Меҳнат кўшиқларини мутахассислар халқ лирикасини энг қадимий жанрларидан бири сифатида тадқиқ қилишган. Гарчи, меҳнат кўшиқлари юқорида таъкидлаганмиздек, маросим кўшиқларининг асосий узвларидан бири бўлган. Яъни, меҳнат кўшиқлари мавсумий маросим кўшиқлари таркибидаги кўшиқлар саналган. Кейинчалик, меҳнат маросимлари ўтказилмай кўйилгандан сўнг, унинг излари халқ яратган кўшиқлардагина сақланиб қола бошлади.

Оғир, баъзида зерикарли ва бир хилликдан зериккан деҳқон ёки ҳунарманд ўз руҳиятини кўтариш ва иш унумдорлигини ошириш мақсадида кўшиқлар яратган. Кўшиқлар кишилар меҳнатини енгиллаштирган, ҳамда бир-бирларини яхши меҳнат учун чорлов, кўшиқнинг сўзлари ҳам шунга монанд тарзда бир-бирларини ишга ундаш ва уларнинг нидолари акс этган тўртликлар кўринишида пайдо бўлган. Меҳнат кўшиқларида кўпроқ ишга ундаш мақсади устувор бўлганлиги сабаб, баъзи сўзлар қайта-қайта такрорланиб турган.

Меҳнат кўшиқларида албатта деҳқон ёки ҳунарманднинг ўз ҳамроҳи бўлган. Улар деҳқоннинг кетмони ёки чорваси, ҳунарманднинг дастгоҳи ёки тўқиётган маҳсулоти бўлиши мумкин. Кўшиқларда уларга ҳам мурожаатни, иш кўнгилдагидек чиққанда улардан мамнунликни, алқашни кузатишимиз мумкин. Халқ бу каби кўшиқларни давр тақозоси билан жамиятда

⁶⁷ Эшонқулов Ж. // Мақола. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. – Тошкент, “Наврўз”, Лойиха раҳбари: профессор С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. 2017. – Б. 47.

тенгсизлик, оғир ва рағбатсиз, эрксизлик ва шафқатсизлик ҳукмрон даврларда ҳисларини кўшиқларда намоён этишган.

Меҳнат кўшиқлари иш жараёнида ижро этилади. Шу сабабли меҳнат турининг ўзгариши ёки йўқолиши туфайли ўша жараёнда ижро этиладиган кўшиқлар ҳам йўқолади. Масалан, чарх ва ёрғичоқ ишлатилмай қолгандан буён чарх ва ёрғичоқ кўшиқлари ҳам қуйланмай қолди. Меҳнат кўшиқларини ҳам мазмунига кўра тасниф этиш мумкин: боғдорчилик, чорвачилик, овчилик, ҳунармадчилик ва ҳоказолар.

Мутахассис олимлар меҳнат кўшиқлари таснифини қуйидаги турларга ажратишимиз мумкинлигини айтиб ўтади: а) деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқлар (кўш кўшиқлари, ўрим кўшиқлари, янчиқ кўшиқлари, ёрғичоқ кўшиқлари, обло барака). Деҳқончилик билан боғлиқ кўшиқларда “Хўп майда” кўшиғи жамоалар репертуарида энг оммалашган кўшиқлардан биридир.

Деҳқонлар хирмон янчиш вақтида айтиладиган мазкур кўшиқлар баланд овоз билан чўзиб айтилади. Кўшиқ мазмунга кўра, деҳқон ҳосилни йиғиштириш, рўзғорини таъминлашга интилиши, ишчи ҳайвоннинг деҳқон ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутиши, унга бўлган муҳаббатини тасвирлаш билан кўрсатилади:

Майда қилсанг туздай қил,

Сочини ювган қиздай қил.

Майда жонивор майда,

*Сомони сенга фойда*⁶⁸.

Халқимиз азал-азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб, шунинг орқасидан тирикчилик ўтказиб келган. Деҳқон меҳнати эрта баҳорда ер ҳайдашдан бошланади. Бироқ эрта баҳорда, илик узилди вақтида камқувват бўлиб қолган инсон учун ер ҳайдашдек оғир жисмоний меҳнатни бажариш осон кечмайди. Деҳқончилик кўшиқларидан кўшчи кўшиқларида қадимий

⁶⁸Алавия М. (Тўпловчи) Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1972. – Б.194-196.

меҳнат излари мавжуд бўлиб, қўшиқларни тинглаш орқали, ўтмишдаги деҳқончиликнинг тарихий манзараси замонамиз ёшларининг кўз олдига келади.

б) чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар (чорвани яйловга хайдов қўшиқлари, соғим қўшиқлари: турей-турей, чуриялар, хўш-хўшлар). Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқларда эса, соғим қўшиқлари кенг тарқалган. Бунда, сигир, эчки, бия, туяларни соғишда эркалаш оҳангида айтиладиган қўшиқларни соғим қўшиқлари дейилган. Сигир билан боғлиқ қўшиқларда “хўш-хўш” ёки “хўшим” дейилади. Улар ҳам бошдан оёқ сигирга бағишланган бўлиб, унга мурожаат қилиш, уни алқаш, каби мазмунда айтилади. Сутли сигир оиланинг тўкин яшашидаги ардоқли хазина ҳисобланган. Шунинг учун, у ўзгача ардоқланади ва соғиш пайтида уни силаб, сийпаб секин-аста хиргойи қилиб, соғиб олинади.

*хўш,
хўш.*

*Емишинг кўп бўлгин,
Говмиш молим, хўш,
Сенинг сутинг эл хайр,
Эганг сен билан*

*бойир*⁶⁹.

Сигирдан бошқа жониворларга айтиладиган қўшиқларнинг нақорат сўзларида фарқ бўлган холос, уни эркалаш, алқаш каби мазмун, уларда ҳам устунлик қилган. Бунда қўйларни соғиш ва қўзиларни эмдириш вақтида, “турей-турей” қўшиқлари ёки “фурр-хайпўй” дейилади. Уларда ҳам жониворга мурожаат қилиш асосий ўрин тутаяди:

Болалилар бозорда, турай-турай,

Боласизлар мазорда, турай-турай.

Ол болангни, жонивор турай-турай,

*Сол меҳрингни, жонивор турай-турай*⁷⁰.

в) касб-ҳунар билан боғлиқ қўшиқлар (чарх, бўзчи, гилам, ўрмак,

⁶⁹Алавия М. (Тўпловчи) Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1972. – Б.194-196.

⁷⁰ Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. Б.81.

кашта тўқувчилар ва ҳоказо) кўшиқлардан таркиб топган. Ўзбек халқ кўшиқлари орасида ҳунармандчилик билан боғлиқ кўшиқлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу каби кўшиқларда ҳунарманд ёки касибнинг узоқ тарихий шароитлардаги моддий ва маънавий ҳаёти, ички руҳий кайфияти, машаққати бирга кўшилиб тасвирланади. Ҳунармандчилик билан боғлиқ кўшиқлар ҳам мазмунан, кўплаб кўшиқларга ажралади. Уларнинг ижрочилари кўпинча хотин-қизлар бўлиб, бошқа меҳнат кўшиқларига нисбатан кўпроқ яратилган.

*Ўрмагимни тўқийман,
Кеча-кундуз тўқийман.
Қачон тамом бўлади,
Деб ашула тўқийман⁷¹.*

Ҳунармандчилик касби ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш даврида, ов ҳамда бошқа меҳнат қуролларини ясашга нисбатан эҳтиёжнинг туғилиши туфайли пайдо бўлган. Ҳунармандчилик ишларини бажариш жараёнида куйланган кўшиқларнинг бизгача етиб келган турлари чарх йиғириш, урчуқ йиғириш, ўрмак ўриш, кашта, гилам, бўз тўқиш, дўппи, тўн тикиш билан боғлиқ кўшиқлар ҳисобланади. Шулар орасида ип йиғириш, кашта, дўппи, тўн тикиш, гилам тўқиш каби меҳнат турларини, асосан аёллар бажарган. Шу боис бу борада яратилган кўшиқларнинг салмоқли қисмини аёллар яратиб, ижро этишган.

Тўқиш билан боғлиқ кўшиқларда, мазкур меҳнатнинг унумсизлиги, меҳнатнинг машаққатлилиги, оғирлиги куйланади. Юқорида айтилган тўртликда ҳам бу акс этиб, бўзчи кеча-кундуз тўқисада иши унмаётгани, у зерикиш ва машаққатли майда меҳнатдан нолиб, кўшиқ куйлаётгани акс этади. Халқимизда “бўзчи белбоққа ёлчимас” мақоли ҳам бежиз айтилмаган, бўзчи бор меҳнатини бозорга олиб чиқиб, арзимаган чақага пуллаган. Меҳнатининг юки оғир аммо, маҳсулининг қиймати паст бўлган.

⁷¹Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. – Б.154.

Шунинг учун иш натижасидан қувонсада, кўшиқларда ҳазинлик кўпроқ тасвирланади.

*Дўкон уйга кирсам танам қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам яхшийди,
Қариси тилладан кетса яхшийди,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми⁷².*

Улар яратган кўшиқларни тўқувчилик ва тикувчилик билан боғлиқ тарзда ажратиш мумкин: тўқувчилик кўшиқларида, асосан, хомашёни тайёрлаш ва шу жараёни амалга оширувчи меҳнат қуролилари таърифи етакчи мотивга айланган. Тикувчилик кўшиқларида меҳнат жараёни, машаққатли унумсиз иш тасвири устунлик қилади.

Чарх кўшиқлари тўқувчилик кўшиқлари силсиласида кенг тарқалган бўлиб, уларда ип йигириш қуроли бўлган чархнинг тавсифи, чарх йигиришининг машаққати, чарх йигирмаса тирикчиликнинг ўтмай қолиши, чарх йигирувчи аёлнинг ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш орзуси куйланади. Гарчи, бу касбни баъзилари ўзлари хоҳлаб эмас, азбаройи тирикчилик ўтмаганидан, ўзи орзу қилган орзулар армон бўлиб қолганини кўшиқларида баён қилган. Бу меҳнат кеча-ю кундуз давом этган юмуш бўлганлиги учун бўзчилар қийинчиликни енгиш учун кўплаб кўшиқлар яратганлар. Улар яратган кўшиқлар эса, бўз билан боғланиши табиий ҳолдир. Бўзчи кўшиқларда унумсиз ва машаққатли меҳнатининг қийинлиги, бўзчи бозорининг касодлиги, тўқувчиларнинг оилаларидаги муҳтожлик ва қашшоқлик хусусида ҳам кўшиқларда куйланади:

*Гўшт ололмай гурда олган бўзчи,
Қиз ололмай бева олган бўзчи.
Мунчалар шилдираб ўтар ночаси,
Қип-қизил шолғомга ўхшар почаси.*

Ҳозирги пайтда мато тўқиш ишларининг техник жиҳатдан автоматлаштирилиши оддий тўқиш дастгоҳларини сиқиб чиқармоқда.

⁷²Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. Б.82.

Фақат Фарғона водийсининг айрим жойларида (айниқса, атлас ўлкаси ҳисобланмиш – Марғилонда) атлас тўқиш дастгоҳлари кам миқдорда сақланиб қолган, холос. Шу сабаб, бўзчилар қўшиқлари ҳам унутилиб бормоқда. Тикувчилик қўшиқлари халқимизнинг узок асрлар давомида шаклланган бичиш-тикишга алоқадор анъаналарини ифодалайди. Улар, аксар ҳолларда, тикиладиган кийимларнинг турлари ва уларга дахлдор эътиқодларга қараб ички хилма-хиллик ҳосил қилган. Шу сабабли бир кийимга аталган намунаси бошқа кийимни тикаётганда айтилмайди. Шу зайлда бир-биридан фарқ қилувчи каштачилик, дўппидўзлик, тўндўзлик, зардўзлик ва бошқа туркумларга мансуб қўшиқлар пайдо бўлган. Айтиқса, ўзбек каштачилиги дунёга машҳур. Халқимиз бу ҳунар билан жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келади ва уни санъат даражасига кўтаришга эришган.

Каштачиликнинг бир неча турлари мавжуд. Булар, босма, жималай, санама, илма деб юритилади. Уларнинг ҳар бири ўзига яраша маҳорат талаб қилган. Кашта тикиш билан аёллар шуғулланади ва ўтмишда ҳар бир қиздан кашта тикиш талаб этилган. Чунки, улар ўз сепини ўзи тиккан кашталари билан тўлдириши лозим саналган. Каштанинг турига қараб, қизнинг қандайлигига, феъл-атворига, қобилиятига баҳо беришган ва бу ҳол каштачилик қўшиқларида ўз ифодасин топган:

Босма тиккан ботир қиз,

Жималай тиккан чевар қиз.

Санама тиккан сардор қиз,

Илма тиккан илгир қиз.

Ўтмишда маҳаллий бойлар уй бекаларини, қиз-жувонларни, чўриларини кашта тикишга ёллаб ишлатганлар ва уларга оғир меҳнати эвазига арзимас ҳақ тўлаганлар. Шу сабабли баъзи каштачилик қўшиқларида, каштадўз аёлларнинг раҳмсиз бойлардан шикоятлари янграйди:

Кашта тиктиради бой,

Кашта гулига гадоёй.

Кеча-кундуз тик дейди,

Нега юрибди ўлмай?

Тикувчилик ишлари орасида кашта тикиш тўн, кўрпа, кўйлак каби нарсаларни тикишга қараганда бир мунча қийин ва масъулиятлидир. Бу каштачилик қўшиқларида алоҳида тилга олинади:

Жамовди жонли тикади,

Тўрмагин эгри тикади.

Тўн тикиш, кўрпа тикиш-

*Уни кўр ҳам тикади*⁷³.

Ҳозирги пайтда каштачилик санъати миллий қадриятларимиздан бири сифатида ниҳоятда қадрланади. Уни янада ривожлантириш, каштадўзликни рағбатлантириш учун қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳар йили каштачиларнинг анъанавий кўрик-танловлари ўтказилиб турилибди. Энг яхши каштадўзлар учун махсус совринлар ташкил этилмоқда. Номоддий маданий меросимизнинг асосий объектларидан бири сифатида ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Дўппидўзлик қўшиқларида бош кийимни эъзозлаш, ватан ва ёрга садоқат мотивлари куйланади:

Дўппи тикдим чилдирма,

Чўпу-хасга илдирма.

Юртингни чиндан севсанг,

Душманингга билдирма.

Тўндўзлик қўшиқларида лирик қаҳрамоннинг ўз касбига муҳаббати, ёрга муҳаббат туйғусига сингишиб, ўзгача жозиба касб этиб келади:

Банорасдан тўн тикай,

Олдига пўпак тутай.

Ёқасига гул солай,

Арабийнинг хатидай.

⁷³Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. – Б.154-155.

Номаросим қўшиқлари таснифи ва жанрий хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ўзбек фольклоршунослигида номаросим фольклори ўтган асрнинг 90 – йилларигача махсус тадқиқ этилмади. Мазкур қўшиқларнинг ҳар бир жанри устида алоҳида тадқиқот ишларини амалга ошириш мумкин. Шунга кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маросим таркибидаги халқ қўшиқлари, маросимдагина магик аҳамият касб этади. Маросимдан ташқарида эса, бадиий-эстетик аҳамиятгагина эга бўлади, холос.

2. Ҳозирги кунда кўплаб хонандаларимиз, аслида тарихан маросим таркибида бўлган халқ қўшиқларини ижро этишмоқда. Натижада, кўплаб тўй маросим қўшиқлари номаросим қўшиқларига айланиб бормоқда. Бу каби фактлар тарихий тараққиёт давомида, доимий тарзда, маросим қўшиқлари, номаросим қўшиқлари таркибини бойитиб келган деган хулосани беради.

3. Ҳар бир номаросим қўшиқлари ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Уларнинг таснифида ҳам ушбу хусусиятларига кўра ажратиб тадқиқ этиш лозим.

3.2. Номаросим қўшиқларининг жанрий хусусиятлари

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган қўшиқлар оғиздан-оғизга кўчиб, авлоддан-авлодга узатилар экан, ворис бўлган ҳар бир авлод томонидан сайқалланиши билан ўзига хослик касб этади. Халқ қўшиқларининг шеърий матни, жанрга хос хусусиятлари борасида олиб борилган тадқиқотлар унинг ўрганилиш ишларининг янги поғонага кўтарилиши учун замин ҳозирлаб берди.

Номаросим қўшиқлари орасида меҳнат жараёнини акс эттирадиган анъанавий қўшиқларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бажариладиган меҳнат ритми қўшиқ оҳанги билан ички боғлиқликка эга,

меҳнат ритми кўшиқ оҳангини белгилайди. Бунга сабаб, меҳнат қилиш жараёнида бўзчи ёки тўқувчи иш унумдорлиги пасаймаслиги учун кўшиқ унга халақит бермайдиган восита бўлишини таъминлаган. Натижада ритм ҳам иш самарадорлигига таъсир кўрсатмасдан, балки, унинг унумига хизмат қилган. Меҳнат кўшиқларининг аксарияти ўн бир бўғинли кўшиқлар ҳисобланади. Баъзи энгил ижро этилувчи кўшиқларнинг бўғинлари 2+2+3 шаклида группалашган.

Чархим гув-гув этади,

Марғилонга этади,

Марғилоннинг қизлари

*Аччиқ олма экади*⁷⁴.

Мазкур тўртликда ип йигирувчининг чеварлиги, ўз иқтидори билан ҳақли равишда фахрланиши тасвирланади. Меҳнат кўшиқлари оддий кашта тикиш, анвойи палакдан тортиб гўзал гиламларгача, ҳаммаси меҳнат кишисининг оғир шароитларда, қадоқли кўллари билан кечани кундузга улаб яратган санъат намуналари билан қадрлидир. Улар яратган кўшиқлар эса, қайсидир маънода кўшиқларда яшайверади.

Ўзбек халқининг меҳнат кўшиқлари жуда бой ва жанр эътибори билан ранг-баранг бўлиб, улар орасида қандолатчилик ва пазандачиликни ифода этувчи намуналар ҳам бор. Чунончи таомларимиз султони палов таърифидаги мана бу кўшиқ ҳамон эл оғзидан тушмай куйлаб келинмоқда:

Нимча гуручдан ош бўлур,

Қозонга солсам чош бўлур.

Меҳмонни кўнгли хуш бўлур,

Вақосиз кўрса туш бўлур.

Шунингдек, мошова, чучвара, атала, угра, шўрва, пиёва, чалпак ва бошқа қатор миллий таомларимиз билан боғлиқ кечинмаларни ифодалаган кўшиқлар ҳали-ҳануз учраб туради. Лекин бу каби кўшиқлар кам миқдорда бизгача етиб келган. Кейинги йилларда меҳнат жараёнининг механизация ва

⁷⁴ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. Б.83.

автоматизациялаштирилиши натижасида меҳнат турларининг табиатида турли ўзгаришлар юз бермоқда ёки муайян меҳнат тури батамом йўқолиб бормоқда. Натижада ўтмишда улар билан боғлиқ тарзда яратилган айрим меҳнат кўшиқлари ҳам унутилиб, йўқолиб бормоқда.

Лирик кўшиқларнинг яна бир турига тарихий кўшиқлар киради. Тарихий кўшиқлар тарихда бўлиб ўтган бирор бир воқеа ёки бирор шахс ҳақида яратилган кўшиқлардир. Бу каби кўшиқлар ўша даврдаги ижтимоий тузум ҳақида хабар беради.

Тарихий кўшиқлар ҳам жуда қадим замонлардан мавжуд. Бу борада, фольклоршунос олим Ж. Эшонқуловнинг фикрлари қимматлидир: “Тарихий кўшиқларнинг энг гўзал намунаси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида келтирилган. Бу китобдаги тўртта марсияни йиғи-йўқлов намунаси эмас, тарихий-қаҳрамонлик кўшиғи намунаси сифатида ўрганмоқ лозим⁷⁵”.

Тарихий кўшиқларнинг жанр хусусиятларидан энг муҳими асарнинг тарихий аниқ бир шахс ёки тарихий воқеаларга асосланиши, уларнинг тарихан аниқликда шеърий шаклда акс эттириши ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида, турли маҳаллий воқеалар ёки шахслар фаолиятига доир халқ кўшиқлари юзага келган. Мазкур халқ кўшиқларнинг салмоқли қисми зулмкор ҳукмдор, ёки аксинча одил подшоҳни мадҳ этувчи, ёки халқ орасидан шу зулм қурбонларига, ёки қаҳрамонларига бағишлаб яратилган.

Термалар ўзбек халқ кўшиқларининг мустақил жанри бўлиб, унинг яратилишида дoston куйловчи бахшиларнинг хизматлари беқиёс. Бахшилар дoston куйлашдан олдин турли давраларга мос тарзда бадихагўйлик ижод маҳсули натижасида яратган термалари мустақил жанр сифатида яшаб келади. Термаларнинг аҳамиятли томони шундаки, улар ижодкор бахшилар

⁷⁵ Эшонқулов Ж. // Мақола. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. – Тошкент, “Наврўз”, Лойиха раҳбари: профессор С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. 2017. – Б. 47.

томонидан замонга мослаб яратилаверган.

Мустақилликдан кейин ҳам озодлик ва ҳурликни ширин турмушни мадҳ этувчи кўплаб термалар яратилди. “Терма сўзининг маъноси териб, танлаб тузиш демакдир, яъни нисбий мустақилликка эга бўлган, форма ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бандларни композицион жиҳатдан яхлитлаштиришдир. Бахшиларнинг ўзлари ҳам “Терма шу, териб айтиб борасан” дейдилар⁷⁶”. Термаларнинг энг кўп тарқалгани “Нима айтай?” шеъри ҳисобланади. Бу терманинг қандай бошланиши, узун қисқалиги айтувчининг дostonчилик репертуари ва бадиҳагўйлиги билан боғлиқдир.

Шоир дoston бошламасдан олдин тингловчиларни диққатини ўзига тортиш мақсадида, уларда муайян бир кайфият уйғотиш учун терма куйлайди. Бу термалар сўзининг ўткирлиги, ҳажвга бойлиги, дoston қаҳрамони ҳақида бошланғич маълумот берувчи хабарчи вазифасини ўтайди. Термалар ҳам вақтлар ўтиши билан хилма хил асарларга ажралган, фольклоршуносларимиз уларни автобиографик ва биографик асарлар ташкил этишини айтади. Автобиографик термаларда бахшилар ўз дўмбирасига, дуторига, кўбизига мурожаат қилади. Гуёки уларни ўз суҳбатдошидай жонлантириб, ўзи билан бирга ўтган кунларини, ҳаётининг айрим лаҳзаларини, репертуарларининг баъзи бир хусусиятларини баён этадилар. Масалан, Пўлкан шоир дуторига шундай мурожаат қилади:

*Уч-тўрт оғиз мақтаб қўяй ман сани,
Қовурғангдан қириб солган рандани,
Хониш қилсам ёлғиз қўймайсан мани,
Хонишимга ёрдам берган дуторим⁷⁷.*

Автобиографик термалар юмористик ҳолатларга олиб келиши, ҳазил-мутойибага бойлиги билан ажралиб туради. Ўзбек фольклорида халқ дostonлари қаҳрамонлари тилидан ёки уларга бағишланган термалар биографик термалар ҳисобланади. Халқ термаларини тинглар экансиз,

⁷⁶Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. – Б.169.

⁷⁷ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. – Б. 170.

айтгуччи сизни ўз оламига олиб кириб қўйганини сезмай қоласиз. Одамларнинг ҳаёт ҳақидаги олижаноб карашларига, дoston қаҳрамонларининг бетакрор кечинмаларига сизни ошно қилганидан, ўша оламга тааллуқли эканингизни ҳис этасиз.

Кейинги номаросим қўшиқлари болалар қўшиқлари бўлиб, уларнинг орасидаги маросим қўшиқлари бу ҳолатдан ҳолидир. ... “катталар болаларга мўлжаллаб махсус бадиий адабиёт яратдилар. Бу ҳодиса болалар адабиёти деб юритилади. Бинобарин, катталарнинг болаларга атаб тўқиган аллалари, айтим-олқишлари, овутмачоқлари ва қизикмачоқларини болалар қўшиқлари таркибига киритилиши ва таҳлил қилиниши илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.⁷⁸” Дарҳақиқат, болалар репертуаридаги халқ қўшиқларини ҳам катталар, ҳам болалар ижод қилган бўлса-да, катталар яратган қўшиқларни болалар ўзларига мослаб олган жараёнлар ҳам учрагани аниқ. Аммо ижодкор, топқир, сўзга туғма устомон болаларнинг ҳам ўз репертуарлари болалар фольклорида салмоқли ўрин эгаллайди.

Ўзбек болалари ҳам ўзларининг хилма-хил ўйинлари ва ранг-баранг жанрдаги қўшиқ репертуарларини яратганлар. Болалар ижодига бағишланган қўшиқларни фольклоршунос олимларимиз лирик ва ҳажвий моҳиятга молик бўлган қўшиқларга ажратади. Албатта, болалар она алласини тинглаб улғаяди, қизалоқлар онасига тақлид қилиб, икки-уч ёшидан бошлаб қўғирчоғига алла айтиб ухлатади. Бунинг натижасида болаларнинг ўз уйинчоқлари, ўйинларига бағишланган қўшиқлар дунёга келади. Кичкинтойларда 2-5 яшарликларидаёқ ўз ҳатти-ҳаракатлари ва ўйинларини баҳолаш ва бошқариш майли туғилади.

Турли ёшдаги болаларнинг воқеликка поэтик муносабатлари чуқурлашгани сайин улар ижод ва ижро этган қўшиқлар ҳам, шакл, ҳам мазмун жиҳатидан теранлашиб, такомиллашиб боради. Шу зайлда учлик, тўртлик, бешлик, олтилик ва саккизлик шаклидаги қўшиқлар юзага келган.

⁷⁸ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990. Б. 287.

Айниқса, тўртлик шакли болалар репертуарида кенг тарқалган. Шунингдек, композицион жиҳатдан диалог негизда қурилган кўшиқлар ҳам анчагина. Одатда, улар айтишувлар (айтишмалар) ҳам дейилади. Ҳажман анчайин катта воқеабанд кўшиқлар ҳам бор. Хуллас, лирик кўшиқлар қандай ҳажм ва шаклга эга бўлишидан қатъий назар болалар ёши ва савияси даражасида ижтимоий воқеликка поэтик муносабат ифодаси сифатида яратилганлиги билан характерланади.

Болалар репертуарида ҳазил-мутойибага қурилган кўшиқлар ҳам жуда кўп. Болалар катталардан фарқли ўлароқ, бир-бирларидаги табиий ёки маънавий қусур ва камчиликларни пайқашган заҳотиёқ тап тортмасдан, аяшмай, аввалига исмига қофиядош лақаб топиб, кейинроқ эса, шу лақабнинг оҳангдошлигига мос ритмга уйғунлашган ҳазилни чуқурлаштириб мазах қилишади. Улар ҳаттоки, буви-буваси, ота-оналари, опа-укаларидаги ножўя ҳатти-ҳаракатларни ҳам бошлаб юзларига солишади.

Болаларнинг ақл-идроклари тўлишиб, теранлашиб боргани сайин, ижтимоий воқеликка муносабатларини билдира бошлайди. Шу жараёнда пайқаган ижтимоий иллатларни, масхаралаш даражасида ўзларида журъат сеза бошлайдилар. Ана шундай таасуротлар замирида уларнинг ҳам фольклор бисотида ҳажвий ёки сатирик ва юмористик кўшиқлар силсиласи юзага келган.

Болалар кўшиқларининг яралишида турли ўйинларнинг ҳам аҳамияти катта бўлиб, ўйинларнинг асосий узвларидан бўлган айтимлар ҳам шулар жумласидандир. Булар, санамалар, читтигул, оқ теракми, кўк терак кабилар бўлиб, болалар кўшиқлари силсиласига киради. Улар ҳам ўз айтилиш услуби, ўз ритмик хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Қадимий диний эътиқодлар(тотемистик, анимистик, шомонлик)нинг халқ кўшиқларида сақланиб қолганлиги, халқ кўшиқларининг ҳам илдизлари неча минг йилликларга бориб тақалишини исботлайди.

*Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётгонинг қани?
Мен ёмондин айрилиб,
Яхшини топгонинг қани?*

Бу тўртликка асосланиб, оқ илонни эр жинсининг тотеми дейиш мумкин. Ёки яна бир бошқа тўртликда:

*Шохма-шоҳ излаб юриб,
Топдим илон ўрдошини.
Юртма-юрт излаб юриб,
Топдим йигит мирзосини.*

Музайяна Алавия халқ кўшиқларидаги чўлу-биёбон рамзи айрилик эканлигини таъкидлаб ўтади. Чўлда илон кўриш эса, айриликдаги хосиятли бир хабардан дарак берар экан. Илон образининг ҳосилдорлик, севги, фарзанд тушунчалари билан боғлиқлиги кўшиқларда кўп куйланган. Унинг аниқловчилари-дарё, булок, қудук, ҳовуз билан уйғунлашиб кетади.

Айниқса, халқ кўшиқлари орасида алла кўшиқларида қадимий диний эътиқод излари яққол сезилади. Болани турли иккиламчи номлар билан аталиши, унга ўхшатиш ва баъзида унинг номи билан улғайтириш мотиви, етакчилик қилади. Масалан, аллаларда куйланувчи бўри тотеми қадимги туркийларда алоҳида ўрин тутган. Халқ мақолларидан бирида ҳам, “Бўри йўқ дема бўрк устида, ёв йўқ дема, жар остида” дейилади. Бу ердаги бўри сўзи ҳайвонни эмас, инсонни англатади. Бўри тотеми халқ оғзаки ижодининг кўплаб жанрларида сақланиб қолган.

*Чопинганинг бўридай,
Бўриларнинг зўридай.
Йигит бўлар чирогим,
Ўз ерининг эридай.*

*Алла болам, алла,
Жоним болам, алла.*

Мазкур алла намунасида бўри тотеми ижобий талқин қилиниб, фарзандининг бўридай зўр, жасур, оилапарвар, аجدодларидек содиқ бўлиши исталади.

Алланинг яна бир тури мавжудки, у “бешик вазияти” дан холи бўлиб, “саҳнавий” тарзда ижро этилади. Бинобарин, бундай алла шароитига муофиқ кенг нафасли куй – оҳанглари бўлиши ҳамда жўрнавот созларнинг қўлланилиши билан ажралиб туради.

Халқ кўшиқларининг энг оппабоп, севимли кўшиқларидан бўлган лирик кўшиқлар таснифимиздаги кўшиқларнинг сўнггисидир. Лирик кўшиқларнинг аксариятини муҳаббат, ёр висоли ҳақидаги кўшиқлар ташкил этади. Лирика бадиий адабиётнинг ҳар иккала формаси – оғзаки ва ёзма ижодга хос адабий турдир, ҳар иккаласининг ҳам ўхшаш жиҳатлари билан биргаликда фарқли жиҳатлари ҳам бор.

Номаросим кўшиқларининг ҳеч бирини кейинги планга қўя олмаймиз, аммо, улар орасида лирик кўшиқлар энг оммабоп кўшиқлар дейишдан ўзимизни тия олмаймиз. Лирик кўшиқларга кўплаб олимларимиз мурожаат қилган. Бугунги ижро жараёнида, анъанавий кўшиқчиликда, эстрада ижрочилигида ҳам улардан фойдаланиш устунлик қилиб келмоқда. Албатта халқ кўшиқларининг мазкур жанри ҳамма учун бирдек ёқимли бўлганлиги, унинг мухлислари сонини ошириб боради.

Оилавий муносабатлар, ишқ-муҳаббат мавзуси, ошиқнинг маъшуқага дил изҳори ёки севиб севилмаган ошиқ ёки маъшуқанинг дил ўртанишлари, муҳаббатини бахтсизлик томон олиб борадиган феодал муносабатлардан норозилик, турмушдан нолиш, хотинларнинг қийин аҳволи, адолатсизликдан шикоят, вафодорликни талаб этиш, висол онларига интиқлик, ҳижрон кулфатлари, ёрни соғиниш, унинг йўлига интизорлик кайфиятлари, бевафоликни қоралаш, саодатли севги ва турмушга интилиш

ғоялари лирик кўшиқларда тараннум этилади.

Лирик кўшиқлар профессионал ижрога мосланмаган. Уларни истаган шахс исталган жойда ижро қилиб кетавериши мумкин. Лирик кўшиқларни, одатда, матнни яхши билувчи, хофизаси кучли, ёқимли овозга эга бўлган кишилар халқ ўртасида куйлаши одат тусига кирган. Бундай шахслар халқ орасида кўшиқчи, ашулани, хофиз ёки ғазалхон деб юритилади. Бироқ, бундан лирик кўшиқларнинг ижроси профессионал ижрочилар билан боғлиқ деган қатъий фикрга келиб бўлмайди.

Фольклор асарлари ўз таркибига кўра, уч турдан иборат кўринишда намоён бўлади. Уларни умумий шаклда эпик, лирик, драматик турларга ажратиб тасниф этиш қабул қилинган. Ўз навбатида бу турлар ички жанрлардан ташкил топган. Эпик тур намуналарида воқелик кенг кўламли, объектив сюжетли-ҳикоявий шаклларда тасвирланса, лирик турда субъектив ҳолда инсоннинг воқеликдан олган таассуротлари, ички ҳис-ҳаяжонлари акс этади. Драмада эса персонажларнинг нутқи ва ҳаракатлари орқали воқелик тасвирлари берилади. Эпик тур – достон, эртак, афсона, ривоят, нақл, латифа ва бошқа жанрлардан, лирик тур – маросим лирикаси, меҳнат кўшиқлари, тарихий кўшиқлар, лирик кўшиқлар, алла, болалар кўшиқлари, драматик тур эса, оғзаки драма, кўғирчоқ, ўйин, аския каби намуналарни ўзида қамрайди. Биз ушбу ўринда халқ лирикасининг тарихий асосларига кўра, маросимлар, урф-одатлар билан боғлиқлигини кўрсатиш учун айрим мисоллар билан чекланамиз.

Ўзбек халқ лирикасида ҳам аёлларнинг ота-она уйини соғиниш мотиви жуда ривожланган. Бизнингча, бунга юқорида М.О.Косвен айтган мулоҳазалар тарихий сабаб бўлган. Негаки, ўзбекларда тарихан уруғ доирасидаги никоҳлар етакчилик қилган. Уруғ доирасидаги никоҳларда қиз бола узатилганда ҳам, ўз ота-онасидан унча йироққа тушмаган, аксинча яқин қариндошларига келин бўлган. Кўшиқларда эса бунинг аксини кўрамыз:

Дарёга тош отманлар,

Ботар-кетар, ёр-ёр.
Узоққа қиз берманглар,
Олар-кетар, ёр-ёр.
Узоққа берган қизнинг,
Ранги сариқ, ёр-ёр.
Кўзидан оққан ёши,
Мисли ариқ, ёр-ёр.
Мисли ариқ мис бўлсин,
Сомон бўлсин, ёр-ёр.
Узоққа тушган синглим,
*Омон бўлсин, ёр-ёр*⁷⁹.

Қизиғи шундаки, биз келин бўлмиш нафақат кўшни қишлоққа, балки ўз қишлоғида бошқа бир хонадонга тушганида ҳам ушбу ёр-ёр куйланганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, кўшиқдаги “узоқ” сўзининг поэтик маъноси луғавий маъносидан фарқ қилиб, бу қадимий одат билан боғлиқ.

Биз бутун тадқиқотимиз аввалидан, халқ лирикасининг тарихий асослари, маросимлар, урф-одатларга имкон қадар тўхталдик. Ибтидоий динлар, қадимги тушунча ва эътиқодлар нафақат халқ лирикаси, балки умумжаҳон фольклорининг ҳам тарихий асослари бўлган, деган хулосага келдик. Агар миф, ибтидоий –архаик динлар билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларни, жумладан, халқ лирикасининг тарихий асосларини содда ҳолда, гуллар, дарахтларнинг илдизларига ўхшатсак, уларни ифодалаган маросимларни новдалар, баргларга, ғунчаларга қиёслашимиз мумкин.

А.Н.Веселовский халқ лирикасининг поэтик қурилишини “услужбий Домострой” деб изоҳлаган эди. Бу атама ҳозирги рус тили учун ҳам анча бегоналашган бўлиб, қадимги рус ёзма ёдгорликлари, тирикчилик

⁷⁹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: Жўраев. М., Худойкулова. Л. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2016.Б. 118.

коидалари, хулқ-атвор тўғрисида битилган насихат тўпламларини англатади. Ибтидоий динлар шаклланиб, халқ оғзаки ижоди учун ҳам, “Домострой”, пойдевор, дастлабки тарихий асос, содда қилиб айтганда, хомашё вазифасини ўтаган. Шунга кўра, маросим кўшиқлари, номаросим кўшиқларининг пойдевори вазифасини ўтаган дейишимиз мумкин. Бугунги кунда, фақатгина фольклор этнографик жамоалар репертуарларидагина ижро этилиб келинаётган кўшиқлар ҳам кўпайиб бораётгани сир эмас. Булар меҳнат кўшиқлари кабилар бўлиб, тарихий кўшиқлар ижроси эса бутунлай урфдан чиққан. Ҳозирги кунда болалар кўшиқлари, термалар ва лирик кўшиқлар барча санъаткорларнинг репертуарларида энг оммабоп бўлган халқ кўшиқлари сифатида қайд этилган. Санъаткор аҳллари уларнинг куй ва матнларидан самарали фойдаланиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу жараёни тўлиқ таҳлил этиш, ансамбллар репертуарининг бадиияти, номаросим фольклорининг ўзига хос хусусиятларининг жанр жиҳатидан ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда, изланишлар олиб бориш, халқ кўшиқларининг бузиб тарғиб қилинишини олдини олиш ва тўғри фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

1. Номаросим кўшиқлари орасида меҳнат жараёнини акс эттирадиган анъанавий кўшиқларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бажариладиган меҳнат ритми кўшиқ оҳанги билан ички боғлиқликка эга, меҳнат ритми кўшиқ оҳангини белгилайди.

2. Тарихий кўшиқларнинг жанр хусусиятларидан энг муҳими асарнинг тарихий конкрет шахс ёки тарихий воқеаларга асосланиши ҳисобланади. Тарихий кўшиқларнинг энг гўзал намунаси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида келтирилган. Бу китобдаги тўртта марсияни йиғи-йўқлов намунаси эмас, тарихий-қаҳрамонлик кўшиғи намунаси сифатида ўрганмоқ лозим.

3. Болаларнинг ақл-идроклари тўлишиб, теранлашиб боргани сайин, ижтимоий воқеликка муносабатларини билдира бошлайди. Ана шундай таасуротлар замирида уларнинг ҳам фольклор бисотида ҳажвий ёки сатирик

ва юмористик кўшиқлар силсиласи юзага келган. Болалар кўшиқларининг яралишида турли ўйинларнинг ҳам аҳамияти катта бўлиб, ўйинларнинг асосий узвларидан бўлган айтимлар ҳам шулар жумласидандир. Улар ҳам ўз айтилиш услуби, ўз ритмик хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради.

4. Агар миф, ибтидоий –архаик динлар билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларни, жумладан, халқ лирикасининг тарихий асосларини содда ҳолда, гуллар, дарахтларнинг илдизларига ўхшатсак, уларни ифодалаган маросимларни новдалар, баргларга, ғунчаларга қиёслашимиз мумкин. Ҳозирда куйланиб келинаётган лапар каби лирик кўшиқларнинг аксарияти маросимлар билан бевосита боғлиқ бўлмай, улар турли давраларда ва сахнавий кўринишларда, дойра ва бошқа чолғулари жўрсозлигида айтилиб келинмоқда.

5. Термалар сўзининг ўткирлиги, ҳажвга бойлиги, дoston қаҳрамони ҳақида бошланғич маълумот берувчи хабарчи вазифасини ўтайди. Термалар ҳам вақтлар ўтиши билан хилма хил асарларга ажралган, фольклоршуносларимиз уларни автобиографик ва биографик асарлар ташкил этишини айтади. Бу жиҳат эса, уларни янада чуқурроқ ўрганиш имконини яратади.

IV. БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

4.1. Ўзбек халқ кўшиқларининг бадиияти масалалари ва образлар таҳлили

Кўшиқ атамаси кенг маънода сўз билан куйнинг ўзаро бирлашиши, кўшилиши(бошқача айтганда – умуман овоз билан куйлаш)ни англатса, тор маънода – кўш қофия билан бошланувчи(яъни, дастлабки мисралари қофиядош бўлган) муайян айтим жанрини ифодалайди. Кўшиқларнинг генезиси, тарихий асосларини Асқар Мусақулов ўз монографиясида асосли далиллар келтириб, тарихий тараққиёт босқичларига кўра асослаб берди.

Ўзбек халқ кўшиқларининг кўш қофия шаклида келиши энг аввало дастлабки шеър тўртлиги ва унинг мисраларига таалуқлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шунга кўра, шеърий мисралар тўртлиги а-а-б-а, а-а-б-б ёки а-а-а-а бўлиб келиши кузатилади:

Эшик олди ҳар толлар, (I)

Ҳар шохда маржонлар, (II)

Бизга ошиқ бўлганлар, (III)

Кўчаларда сарсонлар⁸⁰.(IV)

Мазкур тўртлик “а-а-а-а” шаклида бўлиб, тол образи етакчи мотивлардан бўлиб хизмат қилган. Халқ кўшиқларида тол образи қандай шахс ҳаётини акс эттираётганини назарда тутиб, толнинг туб поэтик маъносини белгилаш мақсадида мавжуд манбалардан тол поэтик рамз сифатида қўлланган тўртликларни ажратиб тасниф этилган. Тасниф натижаларига кўра, ажратиб олинган 43 тўртликнинг 31 тасида маъшуқа, 3 тасида ошиқ, 9 тасида эса

⁸⁰ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Т.; Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б. 131.

лирик қахрамон анонимбўлиб келган.

Қўшиқлардаги тол ифодалаб келаётган образ ким, деган мезон билан ёндашилса, барча тўртликда ошиқ образи мавжуд бўлиб (уларнинг 27 тасида ошиқ ижобий, 16 тасида салбий характерга эга), маъшуқа ва рақиб образлари учрамаслиги аниқланган. Демак, тасниф тол рамзининг қўшиқлардаги туб поэтик маъносини “ошиқ –йигит, эркак киши” эканлигини маълум этмоқда. Келтирилган қўшиқнинг ҳар бир мисраси маълум тугал фикрни баён этмоқда. I. Барча эшик олдида толларнинг борлиги. II. Ҳар шохида маржонлар, уларнинг тўкис, ўктам, бекаму-кўстлиги. III. Улар орасида унга ошиқлар кўплиги, у ҳар қачон улар орасидан кимнидир танлаши мумкинлиги. IV. Унинг йўлида ошиқлари барча қийинчиликка тайёрлиги, кўчаларда сарсонлиги билан ифодаланади.

Бошқа бир тўртликларда эса юқорида келтирилган, бу тартиб сақланмай (масалан, а-б-а-б, а-а-б-а, а-а-б-б, а-б-а-а, а-б-б-б ва ҳоказо тарзда), ўзгариб туриши мумкин:

Турлик ичик ёқаси,

Турлик бегим, хуш келдингиз,

Чиннининг тиёласи,

Толма бегим, хуш келдингиз.

Акам девор олдилар наст-настгина, (I)

Ичига гуллар экур ҳавасгина, (II)

У гулни узай десам, гунчаси бор, (III)

Акамни чорлай десам жўраси бор⁸¹.(IV)

Келтирилган тўртликларнинг ҳар бири мустақил тўртликлар бўлиб, улар “а-б-а-б, а-а-б-б” шаклида келган. Ҳар бир тўртликнинг ўз етакчи образ ва рамзлари мавжуд. Иккинчи тўртликни таҳлил этадиган бўлсак, I. II. акам деб аталаётган образ ўз туғишган акаси бўлмай, балки у ошиқ бўлган йигит,

⁸¹ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Т.; Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б. 132.

унинг деворининг паст эканлиги, унинг ҳам бефарқ эмаслиги. III. IV. Гулнинг ғунчаси борлиги унинг фарзандли эканлиги, гаплашай деса, йигитнинг жўраси, яъни, бу ерда йигитнинг жуфти, ўз ёри борлиги баён қилинган.

*Хуш келдингиз, хуш кетдингиз,
Кўнглимни хушвақт этдингиз,
На келдингиз, на кетдингиз,
Кўнглим паришон этдингиз*⁸².

Мазкур, кўшиққа – тўрт мисраси ҳам қофиядош бўлган ҳамда бармоқ вазнли (аксарият 7 ёки 8 хижоли) шеърлар асосида куйланадиган банд шаклли айтимдир, дея таъриф берамиз.

Кўшиқ бандли, одатда, тўрт шеърий мисра ва уларни куйлашга асос бўлган нисбий тугал куй-оҳанглари бирикмасидан иборат бўлади. Бунда кўшиқнинг қофиядош мисралар билан бошланиш хусусияти куй-оҳанглирида ҳам ўзига хос акс этади. Чунончи, куй-оҳанглирининг дастлабки икки тузилмаси ҳар жиҳатидан ўзаро яқин ёки ўхшаш бўлгани ҳолда, учинчи тузилма нисбий нотурғунлиги, таянч пардадан “узоқлашиб”, кўтарилма ҳаракатларни намоён этиши билан ажралиб туради. Сўнги (тўртинчи) тузилма эса таянч пардага интилиши ҳамда уни мустаҳкамлаши, тасдиқлаши билан тугаллов ҳиссини туғдиради. Шу тарзда тузилган аксарият халқ кўшиқлари “а-а-б-а” шаклида қофияланган шеър тўртлигига айнан уйғундир:

*Далага экдим тариқ,
Ёнидан олай ариқ,*

⁸² Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Т.; Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б. 132.

*Сен билмайсан ошиқ ёр,
Ишқингда рангим сариқ*⁸³.

Кўшиқнинг кейинги шеърий бандларида қофиялар турлича ўзгариб туриши мумкин бўлсада, бироқ уларнинг барчаси дастлабки бандда келган куй-оҳангларга барқарор тарзда боғланаверади. Бинобарин, кўшиқнинг шеър ва куй асослари ўзаро “беқарор-барқарор”, “номуқим-муқим” ҳолда пайваста бўлади.

Куйчанлик, оҳангдошлик каби хусусиятлар кўшиқнинг асосан лирик мавзудаги кўринишларига кўпроқ таалуқлидир. Инсоний руҳий кечинмалар шу жумладан, она табиат, эл-юрт ёки севиқли ёрга муҳаббат туйғулари ифода этилган бу айтимлар фольклоршуносликда “лирик кўшиқ” сифатида таърифланади.

*Мен сени ёрим десам,
Орқанда ёринг бор экан.
Икки бетинг қип-қизил,
Юзингда холинг бор экан*⁸⁴.

Маълумки, табиий хол ҳусн кўрки, гўзаллик белгиси сифатида фольклор ва мумтоз адабиётда ижобий сифатлар билан таъриф тафсифланади, тасвирланади. Нотабиий хол эса аксинча, табиий холга зид маъно ташиди. Нотабиий хол образининг туб моҳиятига назар солинса, бевосита табиий қиёс – тушунча ва нарса ўртасидаги уйғунлик асосида пайдо бўлганлигини кўрамиз. Чунки, ҳусн белгиси бўлмиш табиий холдан фарқли ҳар қандай ясама холда муқимлик йўқ. У вақтинчалик кўрк бўлиши мумкин, аммо ўткинчи эканлиги тезда ошқор бўлади. Ясама холнинг ана шу сифатлари муҳаббатни ўйин, деб билиб, уни паймол қилганлар ҳаёти,

⁸³ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Тошкент. “Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”. 2000. Б. 132.

⁸⁴ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 2000. Б. 57.

ўй-кечинмаларини рамзий образга айлантирган. Қуйидаги кўшиқларда “нотабий хол” ифодаланаётган поэтик маънолар хулосаларимизни тасдиқлайди:

*Қоракўлнинг йўлида,
Арраланган толи бор.
Бизнинг ёрнинг лабида,
Ўрмалаган холи бор⁸⁵.*

Ушбу тўртликда ҳам нотабий хол алдамчи муҳаббат, хиёнаткор ёрни ифодаламоқда. “Арраланган тол” тасвирланмоқда, демакки, бу тол ўсмайди, яшнамайди, илдизидан узилган. Толни арралаган куч ёрнинг нотабий холи севгига, оилага хиёнати, бевафолигидир.

Туғма холни аجدодларимиз ҳосилдорлик ва гўдаклар ҳомийси – илоҳа Умайнинг изи деб билганлар. “Анъанавий дунёқарашда холнинг из билан боғлиқлиги ва илоҳий характерини Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги афсоналар ҳам тасдиқлайди: Афсонага кўра, пайғамбар уч ёшга тўлганда, фаришта Жаброил келиб, унинг икки елкаси ўртасига урган. Пайдо бўлган хол пайғамбарлик белгиси бўлиб, қуш тухумидай келган ва уни баъзи пайғамбар замондошлари ўз кўзлари билан кўрган эканлар. Шунингдек, ўзбек халқ эпоси қаҳрамони Алпомишнинг ўнг елкасида Шоҳимардон пир, чап елкасида тарихан аجدодлар ва от култи ҳомийси бўлган Қултой панжаларининг изи, яъни холлар қолган⁸⁶”.

Ҳар қандай образли ифода: ўхшатиш, рамз, тимсол, нарсанинг ўзини ўз тасдиғи ёки инкори тушунтиришга хизмат қилади. Умуман, фольклорда, хусусан, халқ кўшиқларида қайси бир сўз образга айланиб, қандай бадий санъат шаклини олмасин, шу хил вазифа бажариб, лирик қаҳрамон ҳаёти,

⁸⁵ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти”, 2000. Б. 62.

⁸⁶Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, “Фан”. 2010. Б. 117.

ўй-кечинмалари, орзу-истаклари, инжа туйғуларининг ифодачисига айланади.

*Рўмолим бор, рўмолим бор,
Рўмолимда туморим бор.
Бир кўришга хуморим бор,
Дода, қўлдан кетди рўмол⁸⁷.*

Тўртликда келтирилган рўмол рамзи ҳам оила, маъшуқа, ор-номус рамзи бўлиб, халқ кўшиқларида кўп қўлланилган тимсол ҳисобланади. Рўмол ўзбек ва тожик халқларида хаё-ибо рамзи, яширин туйғулар рамзи бўлиб хизмат қилиб келган. Қуйида келтирилган тўртликдан ҳам шуни англаш мумкин:

*Рўмолимни сотарман,
Харидори бормикан?
Мен ёримдан чиқаман,
Талабгорим бормикан⁸⁸?*

Рўмол рамзидан ташқари,бу ерда сотиш ҳам рамзий маънода келмоқда. Бу каби поэтик кўчимга бой бўлган кўшиқлар халқ ижодида, ўзига хос тарзда намоён бўлади.Сотиш бу ерда ўз ўрнида эмас, балки, кўчма маънода келади. Жувоннинг ўз ёридан норози бўлиб, ундан ажралишни, аммо унга кўнглидагидек харидор чиқармикин, деб, ўйлаб паришонлигидан уни кўшиқда баён қилмоқда.

Инсон

табиатдан ўз туйғуларининг ифодачисини, бир жиҳатдан авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган, илдизи ибтидоий одамнинг турли тасаввурлари орқали ажратиб олади. Бу тасаввурлар турли нарса ва предметларни нималарнингдир рамзи сифатида ассоциация(бирлашма) уйғотади. Иккинчи

⁸⁷ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 2000. Б. 82.

⁸⁸ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 2000. Б. 68.

жихатдан табиат ва қалб ҳодисалар ўртасидаги ички уйғунлик асосида янги тимсоллар образлар вужудга келади. Фольклоршунос

олим Ж.Эшонқуловнинг халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайдиган бир неча рамз, образ ва тимсоллар ҳақидаги мулоҳазалари асослидир. “Ўзбек халқ лирик кўшиқларида кўлланилувчи поэтик рамзларининг пайдо бўлиш йўллари ҳам фольклоршунослигимизда кўл урилмаган масалалардан биридир. Мавжуд фактлар уларнинг асосан икки йўл билан пайдо бўлишини кўрсатмоқда.

1. Қадим миф ва турли инончлар асосида пайдо бўлган рамзлар.
2. Табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзлар⁸⁹”.

“Нафақат халқ поэзиясининг ибтидоси, балки умуман лириканинг ҳам туб негизи мифда ўз аксини топади⁹⁰”, деб фольклоршунос В.И.Еремина ҳақли ёзганидек, лирик кўшиқлардаги аксарият ўзак рамзлар бевосита мифологик асосга боғланади. Чунки “Тирик мавжудод сифатидаги умумий ғояни ифодалагани учун ҳам рамз ҳисобланади. Тирик мавжудот эса ўз имкониятлари доирасида доимо чексиздир. Лекин ҳар қандай рамз ҳам миф бўлавермайди. Бадиий образлар моҳият эътиборига кўра рамзийдир. Лекин улар ҳам камдан-кам ҳолатларда мифга айланади⁹¹”.

Қадим мифларнинг турли шаклдаги кўринишлари, излари фольклор асарлари таркибида ҳар бир жанрда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, дoston ва эртақда мифологик образлар етакчи образлар, персонажлар сифатида иштирок этса, кўшиқда лирик қахрамон туйғуларининг ифодачиси поэтик образ сифатида намоён бўлади.

Халқ тасаввурларида бўлгани каби кўшиқларда ҳам магик инонч реликт(қадимдан сақланиб қолган ҳайвон)ларнинг бадиий ифодаси бошқа тасаввурлар – тотемизм, анимизм, ҳосилдорлик культларига инончлар

⁸⁹ Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклоршунослиги асослари. – Тошкент. 2018.

⁹⁰ Еремина В.И. Поэтической строй русской лирики. – Л.:1978. – С.174.

⁹¹ Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистического искусство. – Москва.1976. – С.174.

билан уйғунлашиб кетган. Халқ кўшиқларида ҳам сўз магиясига инонч излари кўшиқ билан ифодаланган дуо-тилаклар, қарғишларда ҳам кўриниб туради. Кейинги номаросим кўшиқлар ўзбек халқ кўшиқларининг тарихий илдизи, қадим тасаввурлар, хусусан, шомонлик дунёқараши билан боғлиқ ҳолда юзага келган, профессеонал ижрочилар, бахши-шоирларнинг, халфаларнинг репертуарларида учрайдиган термалардир.

Терма – айтимнинг бир тури бўлиб, луғавий жиҳатдан “йиғмоқ”, “танламоқ”, “саралаб олмоқ” маъноларини англатади. Термаларни ўрганган олимларимиз қуйидаги икки асосий кўринишда ҳозир бўлишини айтади:

- 1) Бахши термалари;
- 2) Халқ термалари.

Бахшилар термаси, одатда, бирон-бир дoston ижросидан олдин айтилади. Бунда бахши шеърий тўртликлар асосида ўз “бисотида” (репертуарида) бор дostonларни қисқача таърифлаб куйлайди ва шу тариқа тингловчига “Нима айтай?” деб мурожаат этган бўлади. Шу мақсадда айтилган термалар “Қай дostonдин айтайин?” номи билан юритилади.

Бахши термаларида “Дўмбирам”, “Кунларим” номли айтимлар ҳам бўлиб, уларда дўмбира чолғуси, дostonларнинг қаҳрамонлари (Алпомиш, Авазхон ва бошқалар) ва уларнинг мардонавор отлари, шунингдек, бахшиларнинг ҳаёт йўли мавзу сифатида тилга олинади.

Терма айтимларининг куй-оҳанг тузилмалари, кўшиқдан фарқли ўлароқ, ҳар гал маълум ўзгаришлар билан такрорланади. Халқ термалари маълум қадар ўзгача. Жумладан, бундай намуналар муқим вазн ўлчови, сўздош ва куйчан оҳанглар муштараклиги ҳамда дўмбира ўрнида кўпроқ доира қўлланилиши билан бахши термаларидан фарқ қилади. Шунингдек, айтим бандларида гоҳо нақорат аломатлари ҳам юзага келади. Шунга оид мисолни “Ёр, мунча зор этдинг мени” термасида кўриш мумкин. Ишқ-муҳаббат мавзулари пайваста этилган бу терма ҳар бир бандининг сўнгги икки мисраси мунтазам такрорланиб туриши натижасида ўзгача нақорат

аҳамиятини юзага келтиради.

Халқ лирикаси спецификаси, поэтикасини тотемизм, шомонлик, магия, ҳосилдорлик культлари билан боғлиқ жиҳатларини фольклоршунос олим А.Мусақулов тўлақонли ёритиб берган. Аммо, халқ кўшиқлари шунчалик ранг-барангки уларнинг ҳар биридаги рамз, образ, тимсолларни ўрганмай туриб, уларга аниқ муносабат билдириб бўлмайди. Халқ кўшиқларидаги гўзал намуналаридан яна бири халқ лапарларидир.

Лапар атамаси, тахминга кўра, икки сўз (ла-пар) бирикмасидан ҳосил бўлган: “пар” – жуфт, икки киши маъносида, кўмакдош ясовчи “ла” эса “айтмоқ” (айтиш) феъли ўрнида (масалан, “куйла”, “сўзла” каби) келади. Демак, лапар деганда икки киши айтишуви назарда тутилади. Одатда йигит ва қиз ўртасида лапар-айтишувлари ўтказилган. Бундай вазият эса кўпроқ анъанавий никоҳ тўйи маросимларида, қиз оши базмида юзага келган. Бунда “қизлар ва йигитлар томонидан икки киши сал олдинга чиқиб лапар айтишади. Лапарлар орқали қиз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат изҳор этиб танишган ва аҳди-паймон қилишган. Ўз юрак дардини мусиқасиз(яъни, жўрсозсиз), маълум оҳангда ашула қилиб айтишган. Борди-ю лапар айтаётган йигит-қиз бир-бирини ёқтириб қолса, лапар айтиб туриб бир-бирига совға беришган⁹²”.

Ҳозирда куйланиб келинаётган лапарларнинг аксарияти маросимлар билан бевосита боғлиқ бўлмай, улар турли давраларда ва сахнавий кўринишларда, дойра ва бошқа чолғулари жўрсозлигида айтилиб келинмоқда.

Лапарларда севги-муҳаббат етакчи мавзу бўлиши билан бирга яна энгил ҳазил, нозик пичинг ва бошқа мазмундаги шеърлар ҳам тараннум этилади. Одатда, лапарларнинг воқеабанд шеърларида нақоратлар бўлмайди, балки ижрочиларнинг навбатма-навбат кўйлашлари асосида уларнинг “савол-жавоб” шакли юзага келади. Бинобарин, лапарчилар умумий куй-оҳанг тузилмасига таянган ҳолда “савол-жавоб” шаклидаги

⁹²Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1980. Б. 90.

шеърларни бирин-кетин куйлайдилар.

Бунда банд мисраларида келган оҳанг ва сўз муносабатлари худди кўшиқ жанрида бўлгани сингари, яъни тўрт шеърый мисранинг ҳар бири ўзига монанд куй-оҳанг тузилмасига эга бўлади. Хусусан, шакл-тузилиши шунга мос намуналарга мисол сифатида халқимиз орасида машҳур “Билагузук”, “Қорақош” , “Қилпиллама”, каби лапарларни қайд этиш мумкин:

*Қошинг ўсмадаккина, қилпиллама,
Белинг тасмадаккина, қилпиллама,
Мен сени кампир десам, қилпиллама,
Қилигинг қиздаккина, қилпиллама!
Қилпиллама, жонгинам, қилпиллама!
Қилпиллама, жонгинам, қилпиллама!*

*Шоли солдим келига, қилпиллама,
Тегирмоннинг дўлига, қилпиллама,
Шохи қийиқ ярашар, қилпиллама,
Чолгинамнинг белига, қилпиллама,
Қилпиллама жоним-ей, қилпиллама⁹³.*

Айрим лапарларда савол-жавоб нисбати шеърый тўртликлар даражасида эмас, балки шеърый мисралар қамровида ҳам юзага келади. Жумладан, “Нима-нима, нима дейсиз?” лапариди шу савол мисраси ҳар бир жавоб мисрасидан сўнг такрорланиб турилади:

*Олма отдим отганга,
Нима-нима, нима дейсиз?
Гул богчада ётганга,
Нима-нима, нима дейсиз?*

⁹³Меҳригиёҳ. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Очилов. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012. – Б.49.

*Аччигингиз келмасин,
Нима-нима, нима дейсиз?
Қўл ушлашиб юрганга,
Нима-нима, нима дейсиз⁹⁴?*

Бу лапарнинг айрим мисралари ҳам қўшиқдаги каби тўрт асосий тузилмадан иборат бўлиб, савол-жавоб мисралари умумий оҳанг тузилмаларига таянади. Лапарларда рақсбоп дойра усуллари ҳам тез-тез қўлланилиб туриладики, бу ҳол гоҳо лапарчиларнинг навбатма-навбат рақсга тушиб кўйлашларига сабаб бўлади.

Ўлан ҳам, лапар ҳам қадимда тўй куни, киз узатиш маросимида айтилган. Қиз-йигитлар тарафма, тараф бўлиб шоду-хуррамликларини ёки афсус надоматини, хуллас кечинмаларини қўшиқ орқали ифода этишган. Бу жуда жонли жараён бўлиб, тўйлар бусиз қизиқ бўлмаган. Бугунги кунда ўлан ҳам, лапар ҳам исталган шароитда айтилаётганини кузатамиз.

“Ўланлар асосан чорвачилик билан шуғулланган, кучманчи ҳаёт кечирган уруғлар орасида учраса, лапарлар эса кўпроқ ўтроқлашган ҳаёт тарзига мослиги кўзга ташланади⁹⁵”.

*Салом айтинг, осмондаги юлдузлар,
Уйқум келмас эслаб кеча-кундузлар.
Богда бўлса, хабар беринг, юлдузлар,
Шахло кўзим, қизил юзли шўх қизлар.*

*Қиз экансан, билмадим қарогингдан,
Қўйган хинанг кетмаган тирногингдан.
Ўз куйганим-ўзимга етмасмиди,*

⁹⁴Меҳригиёх. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Очилов. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012. – Б.100.

⁹⁵Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. Ўқув кўлланма. – Тошкент: Наврўз. 2017. – 214 б. – Б. 44-45 .

халқ кўшиқлари орасида ўлан, лапар билан тилга олинадиган яна бир кўшиқ тури яллалардир. Ялла – кўп хусусиятлари, жумладан, рақсинг кўлланилиши, ижрода кўпчиликнинг иштирок этиши каби жиҳатлари билан лапарга яқин бўлган жанрдир. Аммо лапарда энг аввало айтишувлик сифати муҳим бўлгани ҳолда, яллада бадиий сўз (шеърят) куй ва рақсинг муштараклиги нисбатан барқарордир. Шу боисдан яллага “рақс айтим” (Ф.Кароматов), яъни рақс билан куйланадиган айтим ибораси кўлланиб турилади. Ушбу ҳолат “ялла” атамасида ҳам маълум акс этган. Чунончи, халқ оғзаки ижодида “ялла” сўзи “ўйнаб-кулиш”, “ўйнаб-куйлаш” ва умуман, хушвақт бўлишлик маъноларида кўлланилади. Шундан келиб чиққан ҳолда “ялла” сўзини “ўйнаб-куйла” маъносининг қисқартма “ял-ла” бирикмасидаги ифодасидир, деб тахмин қилиш мумкин⁹⁷. Яллалар, лапардан фарқли ўлароқ, нақорат банд шаклида бўлади. Бунда яккахон (яллаци) дойра, дугор ёки чолғу ансамбли жўрлигида рақсга тушиб бандларни куйласа, нақоратни кўпчилик (нақоратчилар) айтади.

Ялла, бармоқ вазнли шеърлари асосан энгил ҳазил-мутойиба билан йўғрилган севги мавзуларида бўлиб, нақоратларида эса кўпинча ўйнаб-кулишга, хуш кайфият бўлишга даъват этувчи “ялла” сўзи ҳамда унинг “ялло”, “ялли” каби маънодошлари ишлатилади:

Яллама ёрим, яллола,

Яллолашайлик, бедодлашайлик (ва ҳ.к)

Баъзан “ялла” ўрнида “ўйин”, “ўйнасин”, “айлансин”, “ўргилай”, “таралло”, “хоралли”, каби сўз-иборалар ҳам ишлатилади.

Халқ кўшиқлари жанрининг поэтикасига доир мулоҳазаларимизни куйидагича умумлаштиришимиз мумкин:

1. Кўшиқлардаги рамзлар, ҳар бир соҳадаги каби ўз табиатидан келиб

⁹⁶ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ.Раззоқов.– Тошкент, “Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 2000. Б.177.

⁹⁷ “Ялла” сўзининг луғавий негизи номаълум.

чиқиб, ўзига хос мезонлар асосида ёндошади. Фольклордаги кўпчилик рамзларнинг туб поэтик маъноси деярли ўзгаришсиз авлоддан-авлодларга ўтади. Баъзи ҳолатларда бир кўшиқда қўлланувчи рамзлар иккинчисида бошқа вазифани бажариши мумкин. Анъанавийлик, оммавийлик, бир жанрга тегишли асарлар доирасида туб турғунлик маънолилик кўшиқлардаги рамзлар учун етакчи хоссалар ҳисобланади. 2.

Кўшиқ бандли, одатда, тўрт шеърий мисра ва уларни куйлашга асос бўлган нисбий тугал куй-оҳанглари бирикмасидан иборат бўлади. Бунда кўшиқнинг қофиядош мисралар билан бошланиш хусусияти куй-оҳанглирида ҳам ўзига хос акс этади.

3. Кўшиқларнинг шеърий бандларида қофиялар турлича ўзгариб туриши мумкин бўлсада, бироқ уларнинг барчаси дастлабки бандда келган куй-оҳангларга барқарор тарзда боғланаверади. Бинобарин, кўшиқнинг шеър ва куй асослари ўзаро “беқарор-барқарор”, “номуқим-муқим” ҳолда пайваста бўлади.

4.2. Халқ кўшиқларининг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти

Глобаллашув шароитида мамлакатимизда ёшларни миллий руҳда тарбиялашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тарбия тизимида эса, эстетик тарбия алоҳида ўрин тутди. Инсонларда эстетик тасаввурларни шакллантиришда эса, турли омиллар турлича таъсир этади.

Шахсни эстетик тарбиялаш масаласи нафақат педагогика, фалсафа, адабиёт, санъат, санъатшунослик, мусиқа, фольклор таълими олдида ҳам алоҳида вазифаларни кўяди. Олимларнинг кузатув ва таҳлиллари ҳозирги вақтда таълим ва тарбия ишларини миллий кадриятларга таянган ҳолда амалга ошириш, ҳар томонлама тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Буни халқаро ҳамжамиятимиз томонидан эътироф этилаётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан Номоддий

маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенция қабул қилинганлигининг туб моҳияти ҳам шундан иборат.

Эстетик тарбия моҳиятида муайян халқнинг мусикаси, унинг мазмунида ўз ифодасини топган миллий анъаналар, урф-одатлар, халқ ҳаётининг муҳим даврлари, руҳияти, фалсафаси улкан тарбиявий таъсирчанлик касб этади.

Ҳар қандай халқ борки, унинг маданиятини куй-қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда ватанимиз ҳудудида қарор топган, шаклланган халқ мусика мероси билан ёш авлодни изчил таништириб бориш, талаба-ёшларни ўзи яшаб турган ҳудуд, воҳанинг ўзига хос мусиқий услуби, фольклори, анъанавий мумтоз куй-қўшиқлари, шу билан бирга ўша ердан етишиб чиққан маҳаллий ижодкорлар ҳаёти, яратган асарлари билан таништириб бориш уларда миллий ғурур, онг, тафаккурни ва ўз-ўзидан эстетик маданиятни шаклланишига бениҳоя кучли таъсир этади.

Халқ қўшиқларида халқ яратган заминда яшовчи эл-улуснинг ўзига хос турмуш тарзи, тили, тарихи, ишваси, кийиниш маданияти, рақслари, чолғу созлари, тўй-байрамларининг энг муҳим кўринишлари мужассамлашади.

Бу эса, ўша халқ ҳақида, унинг ўтмиши, бугуни ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилади. Ўз навбатида ёшларда ўз ватанига, халқига миллий қадриятларга меҳр-муҳаббат ва онгли муносабатни шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир воҳасига тегишли бўлган ўзига хос халқ қўшиқларини ўқувчи ва талабаларнинг дарсларида тўғри таништириб бориш, уларни аждодларимизнинг илғор ғоялари ва анъаналарига ворислигини таъминлайди.

Маълумки, юртимиз сарҳадларида асрлар давомида ўзига хос ижро услуби, хусусиятлари билан ажралиб турувчи тўртта маҳаллий услублар қарор топган. Булар, Қашқадар-Сурхондарё, Бухоро-Самарқанд,

Фарғона-Тошкент ва Хоразм мусиқа услубларидир. Ҳар бир маҳаллий услубда ўзига хос шакллар, услублар, анъаналар алоҳида жанрлар ва ижрочилик йўллари шаклланиб келган. Узоқ даврлар давомида шаклланган мусиқий жанрлар, ижрочилик услублари, бу ҳудудларда яшовчи ўзбек ва тожик халқларининг ижод маҳсули бўлиб, унинг энг муҳим ўзига хос жиҳатлардан бири бу адабиёт ва санъат асарларида “икки тиллик”нинг мужассамлашганлигидир.

Фольклорнинг барча намуналари, хусусан фольклор кўшиқларидан баҳра олиб, эзгу ниятлар сари интилиб яшаган аجدодларимизнинг асрлар давомида тўплаган бой маънавий меросининг бизгача етиб келишида муҳим восита бўлганидек, улар ҳозирги кунда ҳам ўзининг бадиий қимматини йўқотмасдан келаётганлигининг боиси уларда юксак инсоний ғояларнинг ўз ифодасини топганлигидир. Шунинг учун ҳам ҳозирга қадар халқнинг бу бой хазинаси педагог, психолог, фольклоршунос, санъатшунослар томонидан тўпланиб, нотага олиниб нашр этилиб, тарбиявий имкониятлари тадқиқ қилиб келинмоқда.

Халқимиз ўзининг барча эзгу ниятларини бешикда ором олаётган чақалоққа ҳам, ажиб бир энтикиш билан янги ҳаётга қадам қўяётган келин-куёвга ҳам гўзал кўшиқлар билан бахт тилаган. Ўзбек халқ кўшиқларининг мавжуд ва жанр доираси шу даражада ранг-барангки, ҳозиргача неча-неча монографиялар, тўпламлар, мажмуалар нашр этирилганига қарамасдан, халқ кўшиқларининг бой хазинаси ҳануз қайнар булоқ бўлиб, янги-янги кўринишда намоён бўлмоқда, уларнинг яна қанча жавоҳирлари дунё юзини кўргани йўқ.

Бунинг устига маданий меросимизга турли даврларда нотўғри муносабат, тазйиқ кўрсатиш, камситишлар, лоқайд қарашлар бўлдики, оқибатда унинг ривожланишига жиддий зарар етказилди, у халқ маънавий ҳаётидан бир қадар узоқлашиб қолди.

Халқ кўшиқларидаги шеърый матнларда илгари сурилган фикрлар ва оҳангларда қарор топган даъватлар, насихатлар, кўрсатмалар халқнинг

асраб орттирган тажрибаси жараёнида сайқал топиб келган ҳаётий хулосалар маҳсулидир. Таълим даргоҳларида аниқ режалар ва тизимли йўлга қўйилган мусиқа ва адабиёт дарсларида ўтказиладиган миллий халқ кўшиқлари машғулотлари ва умумий мусиқий таълим, талабаларнинг миллий кадриятларга муносабат ва умумий мусиқий маданиятини шаклланишининг муҳим омилдир.

Маданий меросга ҳар бир авлоднинг ўз муносабати бўлади. Бу муносабат яхши бўлса, халқ ижоди ҳам, яъни унинг ҳар бир жанри мақол, эртақ, дoston, кўшиқлари, айтимлари ҳаётийлик касб этиб яшайверади. Миллий-ахлоқий фазилатларни ёшлар онгига сингдириш учун, энг аввало, уларни халқ кўшиқларининг мазмун-моҳияти, ғоявий фикрлар, қарашлар, тасаввурлар, орзу-умид, интилишлар, қандай тарзда, услубда ижро этилиши ҳақидаги тушунчалар муҳим ўрин тутди. Ёшларга ҳаётдаги яхши одамлар, турли маданий-маърифий тадбирлар, уларда ижро этилган бадиий образлар, кўшиқлар ва айтимлар, рақс ва ўйинлар мазмунида ифода этилган ғоялар яхши ибрат намунаси бўлади. Шу сабаб бу борада мамлакатимизда кўплаб, самарали ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Фольклор

жамоалари, оилавий ансамбллар, катта ашула, аския, халқ қизиқчилиги, ўзбек мумтоз ва мақом санъатига оид танловлар, махсус тадбирларни мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилди. Чунончи, оилавий ансамбллар (Қўқон, Шахрисабз), Алла ижрочилари (Тошкент 1992, 1994, 1998, 2000, 2004, 2008), Марғилонда тўй маросим кўшиқлари ижрочилари (1993,1995,2007), Фольклор-этнографик жамоалари “Чашма” танлови (Тошкент 1994, 1998, 2002, 2012), бахши шоирлар (Денов 1991, Нарпай 1993, Тошкент 1995, 1997, Термиз 1999, 2005. Хива 2012), мақом ижрочилари ва халқ чолғулари ансамбллари (Шахрисабз 1996, Бухоро 2002, Самарқанд 2010), Барҳаёт сиймолар (Тошкент 1996,1997,1998, Хоразм 2002,2008, Марғилон 2004, Хоразм 2004) каби кўплаб танлов ва фестиваллар шулар жумласидандир.

Республикаimiz ҳудудида кенг тарқалган халқ кўшиқлари мусиқа маданиятида тавсиф этилган тўртта

асосий маҳаллий услуб мусиқий анъаналарининг ўзига хослиги, ўхшашлиги, фарқли жиҳатлари ва ўзаро яқинлашиб бориш хусусиятлари бугунги кунда умуммусиқий маданиятимизнинг кенг диапазони ва ранг-баранглилигини белгилайди. Республикамиздаги вилоятлар, аҳоли миграцияларининг ўтган аср ўрталаридан анча жадаллашганлиги, аҳоли умумий маданияти, турмуш тарзининг ҳам ўзаро фаоллашуви шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг айниқса, радио, телевидение каби воситаларнинг маданий қийматлар (анъана, урф-одат, маросим) алмашинувининг тезлашуви каби муҳим омиллар сифатида кўрсатиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек халқ кўшиқларининг ҳозирги кунда “замонавийлашган” анъаналар билан аралашиб, “омухта” кўринишлари пайдо бўлаётганлигини ҳам эътиборга олиш, бу ҳолатни ҳам ҳолис баҳолаш вақти келди. Табиийки, айрим маросим, урф-одат ва меҳнат турларининг ижтимоий моҳияти ўз кўринишини ўзгартириши натижасида улар билан боғлиқ айтим ёки куйларнинг ҳам дастлабки вазифаси ўзгариб, эндиликда номаросим халқ кўшиқлари гуруҳига таалукли бўлиб қолмоқда, баъзи намуналар эса ўз кадр-қийматини йўқотиш арафасида турганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Юзага

келган бу вазиятда Республикамизда бир қатор чора-тадбирлар, жумладан, фольклор-этнографик жамоаларининг тузилиши ва фаолиятига эътибор кучайганлиги, махсус кўрик-танловларнинг тизимли тарзда ўтказилиб келинаётганлиги, мусиқий фольклорнинг турли ҳудудлар аҳолисига тегишлилик хусусиятларини табиийлигини сақлаб қолиш, уларни ёш авлод маънавиятига, таълим тарбияси мазмунига янада чуқурроқ сингдириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Бугунги шаҳар фольклорининг ажралмас қисмини "Келин салом", "Ёр-ёр", "Алла" каби ҳозирда ҳам асл қиёфаси ва аҳамиятинидеярли сақлаган оилавий маросим кўшиқлари, шунингдек, оҳанг ва сўз матнлари маълум ўзгаришларга юз тутган “Рамазон” айтими сингари намуналаргина ташкил этиши жиддий

муаммолардан бири десак янглишмаган бўламиз. Қолган кўпгина маросим ва номаросим кўшиқлари, айтимлари, ракс ва ўйинлар ҳам тобора “сахна фольклори”га айланиб бораётганлиги ҳам ташвишли ҳолатдир.

Мана шундай вазиятда нафақат халқ мусиқа фольклорини асл ижрочилик анъаналари, шакллари, усуллари, кўринишларини санъатшунослик, мусикашунослик, этнологик, фольклоршунослик соҳаларига дахлдор кишилар олдига ўта маъсулиятли вазифаларни кўяди. Бунинг учун эса, олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларни ўз қизиқишларига кўра, тўғри йўналтириш, уларга ҳар бир йўналиш бўйича профессионал тарзда назарий ва амалий билимларни шакллантириш ва методик тизимни ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Ҳозирда, ўзбек халқ мусиқа меросини ўргатиш бўйича олий ўқув юртларининг “Муסיқий таълим” йўналишлари(мусиқа ўқитувчилари тайёрлашга мўлжалланган), ЎзДСМИ, Ўз Рес Консерваторияси, маданият ва санъат билим юртларининг талабаларининг ўқув жараёнларига бир қатор фанлар (ўзбек халқ мусиқа ижоди, мақом асослари, ўзбек мусиқа маданияти тарихи, анъанавий мусиқа ижрочилиги, ўзбек мумтоз кўшиқчилиги Шарқ халқлари мусиқа маданияти ва ҳоказолар) тадбиқ қилинган.

Шу билан бирга ўзбек халқ мусиқа мероси дурдоналаридан ёш авлодни баҳраманд этиш учун умумтаълим мактаблари (1-7 синф) ўқув дастури ва дарсликларига ҳам ўзбек халқ мусиқа меросига катта ўрин ажратилган. Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларни халқ мусиқасининг бой мероси билан таништириб бориш кўзда тутилган. Чунончи, 1-синфданок ўқувчилар ўзбек халқ чолғулари, айрим айтим намуналарини куйлайдилар. 4-синфда йил мавзуси “Халқ мусиқасининг оммавий жанрлари” деб номланиб, унда ўқувчиларга оммавий жанрлар, алла, лапар, ялла, мавсум-маросим кўшиқлари ҳақида тушунчалар бериш кўзда тутилган. 6-синфда эса,ўзбек мумтоз мусиқаси ҳақида, шу асосда Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси бўйича энг зарур билимларни оладилар. 7-синфда ўзбек мусиқасининг маҳаллий услублари ва уларга хос намуналар ҳақидаги билимлар билан танишиб чиқадилар.

Шундан сўнгина, халқ мусиқа меросининг энг олий чўққиси мақом мусиқаси, Шашмақом, Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва Хоразм мақоми ҳақида умумий билим ва тушунчаларни ўзлаштиришга киришадилар. Кўринадики, буларнинг барчаси ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларга содиқ, уни сеувчи, кадрловчи, равнақ этирувчи шахслар қилиб тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларга мактабларнинг бириктирилганлиги ҳам, тадқиқотчи-ўқитувчиларнинг олдига қатор вазифаларни қўяди.

Умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларни Ўзбекистон сарҳадида қарор топган тўртта асосий маҳаллий мусиқий услуб, унинг моҳияти, ўзига хослиги, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, айтим анъаналари, айрим ўзигагина хос жанрлари, услублари билан таништириб бориш, уларда миллий ўзликни англашларида, шу азиз юртнинг чинакам фарзандлари бўлиб, маънавий етук ахлоқий баркамол инсонлар бўлиб, этишларида хусусан том маънода маданиятли шахс сифатида шаклланишларида муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчиларида халқ мусиқа ижодиёти, жумладан, унинг маҳаллий услубларига оид мусиқий тасаввурларини шаклланиши, уларда мазкур услубларга хос намуналарни ўрганишга нисбатан мойилликнинг пайдо бўлиши ҳар бир услубнинг ўзига хос ижрочилик услублари бетакрор жозибасини ҳис этиш асарларда ифодаланган мавзу, образ, ҳис туйғуларнинг ўз туйғулари билан мутаносиблиги ижро этилаётган, тинглаган, танишган фольклор қўшиқлари мазмунида ифодаланган инсоннинг ички кечинмалари, ҳаяжонлари орзу-умидлари, интилишларини ҳис қилиш ватанпарварлик, халқпарварлик инсонларга нисбатан меҳрибон, садоқатли бўлиш, меҳнатсеварлик, тўғрилиқ, ҳалоллик каби хусусиятларнинг қарор топишига олиб келишига муқаррар.

Халқ қўшиқлари ўта кучли таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат ўқувчини эстетик тарбиялаш,

балки, уларга миллий қадриятларни сингдириш, миллий анъана, урф-одат, маросимлардан хабардор бўлиш ва баркамол инсон шахсини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатадиган кучдир. Шундай экан, бугунги кунда халқ кўшиқлари билан ўқувчиларни янада кўпроқ ва кенгрок таништириш, фольклор намуналаридан кенгрок фойдаланиш учун нималарга аҳамият бериш лозим бўлади, деган савол туғилади. Юқоридаги тавсиялардан келиб чиқиб кўйидаги **хулосаларга** келиш мумкин:

1. Фольклор намуналари, халқ кўшиқлари, хусусан унинг локал услублари билан боғлиқ намуналарини ўрганиш, таништириш, керакли маълумотларни эгаллашга қаратилган ўқув машғулоти жараёнида назарий ва амалий билим ҳамда тажрибалардан, турли мавсум, маросим, анъаналар билан боғлиқ кўшиқ-айтимларнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш, уларни ўқувчи-талабалар томонидан онгли идрок қилинишига эътибор қаратиш;

2. Мусиқа маданияти дарсларида ўқувчи-талабаларга ижобий таъсир кўрсатадиган муҳитни вужудга келтириш, турли инновацион технологиялардан фойдаланиш, ҳар бир намуна тинглаш, ўрганиш, куйлаш, у ҳақда суҳбатлар олиб бориш, таҳлил қилишда эстетик тарбия қонуниятларига амал қилиш, шеърини матнни ўрганиш, бадиий жиҳатдан таҳлил этиб, ҳар бир образларни таҳлил қилиб бориш, бунинг учун ўқувчи-талабаларда халқ ижодиёти намуналарини, турли жанрлардаги ва ҳатто дostonчилик кўшиқларини ҳам ижро эта олиш кўникмаларини такомиллаштириш;

3. Дарс машғулотида халқ кўшиқлари(алла, ялла, лапар, термалар, мавсум-маросим кўшиқлари)нинг ҳар бирини ижро услубларини тўғри ижро услублари ҳақида етарлича назарий маълумотларни бериш, уларни амалий ижро билан боғлаб тушунтириш, кўрсатиш, шу орқали уларнинг мусиқий билим ва кўникма ва малакаларини ривожлантириш, эстетик дид, идрок каби сифатларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

4. Мазкур ишларни амалга оширишда маъруза, семинар, амалий тренинг, меҳнат воситаларидан фойдаланиш, шеърӣ-баён, кўйлаб кўрсатиш, машҳур ижрочи хонандаларнинг ижроларини, фольклор жамоалари ижроларини эшиттириб бориш, уларни таҳлил қилишга эътибор қаратиш лозим. Бу методлар таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан эканлигини унутмаслик. Табиийки, бундай иш тутиш натижасида ўқувчи-талабаларда ўзбек халқ кўшиқлари мероси, унинг турли жанр йўналишлари, услублари ва кўшиқларнинг жанрий хусусиятларига тегишли зарур билим, кўникмаларни эгаллашларида кенг имконият яратиб беради.

ХУЛОСА

Дунёдаги ҳар бир этнос ўз тили, урф-одат ва анъаналари, маросимлари, хуллас ўзига хос моддий ва маънавий меросига эгадир. Ўзбеклар ҳам қадимий маданий халқлар қатори мана шундай бебаҳо маънавий хазина соҳиби бўлиб, ўз миллий қадриятлари, удум ва маросимлари билан жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин эгаллаган.

Фольклорнинг барча намуналари, хусусан фольклор қўшиқларидан баҳра олиб, эзгу ниятлар сари интилиб яшаган аجدодларимизнинг асрлар давомида тўплаган бой маънавий меросининг бизга етиб келишида муҳим восита бўлганидек, улар ҳозирги кунда ҳам ўзининг бадиий қимматини йўқотмасдан келаётганлигининг боиси уларда юксак инсоний ғояларнинг ўз ифодасини топганлигидир.

“Ўзбек халқ қўшиқларининг жанрий хусусиятлари” мавзусидаги ушбу тадқиқот натижалари бизга қуйидаги асосий хулоса ва таклифларни баён қилиш имконини беради:

1. Халқ қўшиқларининг муҳим бир хусусияти шундаки, адабий лирик турга нисбатан унинг тарихий асосида халқнинг қадим тасаввурлари, маросимлари, иримлари муҳим ўрин тутди. Аммо қўшиқнинг генезиси қадим тасаввурлар билан қанчалик боғлиқ бўлмасин, у қўшиқ халқнинг бирон-бир маърифий, маиший, маънавий эҳтиёжига жавоб бермаса, бугунги кунларгача етиб келмасди. Буни ўрганиш эса, фольклоризмлар масаласи билан боғлиқдир.

2. Халқ қўшиқларини тўлалигича мифологик тафаккур таъсирида пайдо бўлган деб айтиш ҳам ўринсиз, аммо уларнинг халқ оғзаки ижодига таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу сабаб халқ қўшиқлари ва

мифологик тасаввурлар билан боғлиқ масалалар янада чуқурроқ ўрганилиши керак бўлган масалалардан биридир.

3. Халқ кўшиқлари инсонда соғлом ҳаётӣ эҳтиёжни ва яратувчанлик кайфиятини уйғотади. Кўшиқнинг тўла шаклланиши учун эса, поэтик кўчимлар ривожи, маиший турмушнинг идеаллаштириливи, ўзига хос рамзлар тизими, лирик сюжетлар каби омиллар керак бўлади. Фольклоршуноснинг тадқиқот учун чуқур назарий тайёргарлиги кўшиқ матнлари устида олиб борилган поэтик таҳлиллар жараёнида яққол кўзга ташланади. У халқ кўшиқларидаги рамзларнинг тарихий илдизлари, матнда англатган тағ маънолари, кўшиқ матнидаги бадииятни ҳосил қилишда кучли маҳоратга эга бўлиши лозим. Ўзбек халқ кўшиқларининг жанрий хусусиятлари яхлитликда олиб ўрганилиши керак бўлган масалалардан биридир. Шунга кўра, ўзбек халқ кўшиқларининг ўрганилганлик даражасини тўлиқ таҳлил этиб, кўшиқларнинг жанрий хусусиятларидан келиб чиқиб, тадқиқ этилиши керак деган хулосага келинди.

Ўзбек халқ кўшиқлари шу давргача, фольклоршунос, адабиётшунос, мусиқашунос олимлар томонидан турлича тасниф қилиб келинди. Бу таснифлар бир-бирини такрорлайди, тўлдиради, лекин халқ кўшиқлари яхлит ҳолда тасниф этилиши керак.

Халқ кўшиқларига энг яқин соҳалар халқ музика, рақс санъати ҳамда этнографиясидир. Куй ва кўшиқлар бамисли эгизаклардир, бизда кўшиқнинг вербал қисмини фольклоршунослар, куйини эса мусиқашунослар алоҳида-алоҳида ўрганиб келмоқда. Шунинг учун халқ кўшиқлари таснифида фарқлар мавжуд. Чунки кўшиқларнинг мусиқа билан муносабати ҳам унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Ўзбек халқ кўшиқларини бошқа қардош халқларнинг кўшиқлари билан қиёсий таҳлил этишнинг тамойилларини ишлаб чиқиш учун, қардош халқлар кўшиқлари ва хорижий давлат кўшиқларини ўрганиб чиқиш лозим.

Ўзбек халқ кўшиқлари намуналари таснифида битта мезонга амал қилган ҳолда, ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадииятидан

келиб чиқиб: 1) ижро ўрни; 2) поэтик структураси, 3) мусиқийлиги ва рақсга муносабатига қараб тасниф этилиши лозим.

Номаросим кўшиқлари эса, асосан лирик кўшиқлардан ташкил топган бўлиб, улар маросим кўшиқлари даражасида ўрганилмаган. Номаросим кўшиқлари тадқиқ этилиши керак бўлган энг кенг қамровли мавзулардан биридир. Яна шуни айтиш мумкинки, шундай кўшиқлар борки, улар тасниф этишда биз бир тасниф доирасида тадқиқ эта олмаймиз. Масалан, аллалар аввало кундалик одатий кўшиқлар сирасидан маросим кўшиқларига киритилди, кейинчалик эса лирик кўшиқларга ҳам айланди. Жумладан, меҳнат кўшиқлари ҳам мавсум маросим кўшиқларидан лирик кўшиқларга айланганлигини кузатамиз.

Ўзбек халқ кўшиқлари орасида энг кўп ижро этиладиган маросим кўшиқлари оилавий-маиший маросим кўшиқларидир. Бунга сабаб, халқ, бошқа кўшиқларга нисбатан уларга кўпроқ ҳаётий эҳтиёж сезади. Маросимлардаги кўшиқларнинг ижро этилиши эса, унинг таъсир кучини янада оширади ва ундаги истаклар руёбини таъминлайди.

Халқ кўшиқларининг шеърӣ тузилиш шакли, анъанавӣ чорлов, бошланма, воқеабандлик, метафора, ўхшатиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқ кўшиқлари уч мисрадан тортиб, етти мисрали банд тузилишигача бўлиши мумкин. Аммо уларнинг барчаси учун хос бўлган композиция икки тезис, бир ёки бир неча нақорат синтезидан иборат.

Оилавий маросимларнинг бошқа маросимлар билан умумий жиҳатлари таҳлил этилиши керак ва уларнинг омма орасида қай даражада, ва кимлар билан ўтказилиши керак деган, масалаларни ҳал қилиниши лозим.

Номаросим кўшиқлари таснифи ва жанрий хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ўзбек фольклоршунослигида номаросим фольклори ўтган асрнинг 90 – йилларигача махсус тадқиқ этилмади. Мазкур кўшиқларнинг ҳар бир жанри устида алоҳида тадқиқот ишларини амалга ошириш мумкин.

Қўшиқлардаги рамзлар ҳам ҳар бир соҳадаги каби ўз табиатидан келиб чиқиб, ўзига хос мезонлар асосида ёндошади. Фольклордаги кўпчилик рамзларнинг туб поэтик маъноси деярли ўзгаришсиз авлоддан-авлодларга ўтади. Баъзи ҳолатларда бир қўшиқда қўлланувчи рамзлар иккинчисидан бошқа вазифани бажариши мумкин. Анъанавийлик, оммавийлик, бир жанрга тегишли асарлар доирасида туб турғунлик маънолилик қўшиқлардаги рамзлар учун етакчи хоссалар ҳисобланади.

Қўшиқларнинг шеърӣ бандларида қофиялар турлича ўзгариб туриши мумкин бўлсада, бироқ уларнинг барчаси дастлабки бандда келган куй-оҳангларга барқарор тарзда боғланаверади. Бинобарин, қўшиқнинг шеър ва куй асослари ўзаро “беқарор-барқарор”, “номуқим-муқим” ҳолда пайваста бўлади.

Ўзбек халқ қўшиқлари ўта кучли таълимӣ ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат талабаларни эстетик тарбиялаш, балки, уларга миллий қадриятларни сингдириш, миллий анъана, урф-одат, маросимларидан хабардор бўлиш ва баркамол инсон шахсини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатадиган кучдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Расмий нашрлар

1. Мирзиёев Ш.М. Биз келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи. – Тошкент, 2017. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
5. 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сон Қарори.

2. Монографиялар, тўпламлар, қўлланмалар

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент, “Фан”. 1974. Б.49-58-80.
2. Алавия.М. Ўзбек халқ кўшиқлари. 1959. “Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти”, Б. 216-217.
3. Алавия.М. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. 1959. “Ўз.Ф.А Тил ва адабиёт институти”, Б. 231.
4. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Хамса. Сади Искандарий. Тошкент, “Фан”. 1993.
5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами.20 томлик.16-том Мезон ул-авзон. – Тошкент, “Фан”. 1993.
6. Аширов. А. Ўзбек халқ қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, “А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти”. 2007.Б.47.
7. Айимбетов Қ. Қорақалпоқ фольклори. Нукус. 1997.Б. 24-40.
8. Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ. Раззоқов. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”. 1967. Б.14-46.78.
9. Давлатов. С. Анъана ва маросим. – Тошкент, “Фан”.2009. Ўқув-услубий кўлланма.
10. Еремина В.И. Поэтической строй русской лирики. – Л.:1978. – С.174.
11. Жўраев. М., Худойқулова. Л. Маросимнома. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий кутубхонаси”. 2008.
12. Жўраев. М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Тошкент. “Фан”, 2008. Б. 20. Ўқув кўлланма.
13. Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”. 2000.Б.23-28-86.
14. Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: Жўраев. М., Худойқулова. Л. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2016.
15. Қоши кўзи пилиқдай. Келинсаломлар. Тўпловчи ва тузувчилар: Жўраев.

- М., Худойкулова. Л. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2016.
16. Йўлдошева. С. Фольклор-этнографик жамоалари услубиёти. – Тошкент, “Наврўз”. 2014. Ўқув кўлланма.
17. Йўлдошева С. Ўзбек миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлар. – Тошкент, “Наврўз”. 2014. Ўқув кўлланма.
18. Келиной кўшиқлари. Ёзиб олувчи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи О. Собиров.– Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”. 1981.
19. Кравцов Н.И. Система жанров русского фольклора. М., 1972, С. 83-103.
20. Календарные обычаи и обряды. 1977. – С.144-185, Токарев С. А., Филимонова Т.Д, 1983. С. 159.
21. Лосьев А.Ф. Проблема символа и реалистического искусство. – Москва.1976. – С.174.
22. Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент, “Фанлар Академияси”. 1960. 1-том
23. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, “Фан”. 2010. Б.308
24. Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. 2015.
25. Меҳригиёҳ. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Э. Очилов. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2012. – Б.320
26. Носиров Р. Халқ кўшиқлари композицияси. – Тошкент, “Фан”, 2006.
27. Очилов Э. Шода шода марварид. – Тошкент, “Шарқ”, 2006.
28. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент, “Фан”, 1986.
29. Сафаров О. Алла-ё алла. Ўзбек халқ аллалари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1999.
30. Турдимов Ш., Эшонқулов Ж., “Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари”. Тошкент. 2017. Б. 82.
31. Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган, 2016. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти.

32. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, М – ҳарфи.
33. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, М – ҳарфи.
34. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1990.
35. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент, “Алоқачи”, 2008. Б.560.

3. Диссертациялар

1. Алавия М. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент. 1959. Б.21. Диссертация.
2. Галиев Шамиль. “Ўзбек болалар ўйин фольклорининг таснифи ва поэтикаси”. – Тошкент. 1998. Б. 27-28. Диссертация.
3. Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент. 2005. Диссертация.
4. Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида паралелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари. – Тошкент. 1993. Диссертация.
5. Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти. – Тошкент. 2005. Диссертация.

4. Мақолалар

1. Лутфуллаев Х. Анъанавий кўшиқ ижрочилиги ва унинг маънавият ривожига аҳамияти. Номоддий маданий мерос ва этномаданий қадриятлар. Илмий семинар материаллари. Тошкент, “Наврўз”, 2014. – Б.67.
2. Эшонкулов Ж. // Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни.// Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. – Тошкент, “Наврўз”, 2017. – Б. 44-52. Ўқув қўлланма.

5. Интернет сайтлари

1. Ziyo net – Ўзбекистон таълим портали.
2. www.lex.uz.